

НУРБОЙ ЖАББОРОВ

МАЪРИФАТ НАДИР



НУРБОЙ ЖАББОРОВ

**МАЪРИФАТ
НАДИР**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2010

Маърифат нима? Унинг зидди бўлган жаҳолат-чи? Бу каби саволлар бугун пайдо бўлиб қолгани йўқ. Неча замонлардирки, одам фарзандлари бу сингари саволларга жавоб излайди. Бизнинг давримиз ҳам бундан мустасно эмас. Ушбу китоб жамият учун мудом энг зарур масалалардан бўлиб келган айни шу муаммо тадқиқига бағишланган.

Китоб олий ўқув юрти талабалари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, маънавият-маърифат соҳаси мутахассисларига мўлжалланган. Муаллифнинг ўзига хос фикрлари, оҳорли кузатувлари, илмий-маърифий хулосалари китобхонларни ҳам қизиқтиради, деган умиддамиз.

Т а қ р и з ч и:
филология фанлари номзоди
Султонмурод ОЛИМ

Ж15

Жабборов, Нурбой.

Маърифат надир?/ Н. Жабборов – Т.: «Маънавият», 2010. – 112 б.

ББК 71.04

Ж 4702620204–18
М25(04)–10

ISBN 978-9943-04-124-0

© «Маънавият», 2010

МАЪРИФАТ НАДИР?



Жамиятнинг камоли ёки заволини белгиловчи мезон нима? Инқирозга юз тута бошласа, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қолувчи куч борми? Ёки аксинча — инсонни, у мансуб бўлган жамиятни саодат соҳилидан фалокат уммони сари бошлаб, ҳалокат гирдобига фарқ қилувчи синоат нима? Ундан нажот топиш имкони мавжудми? Бу каби саволлар миллатидан, ирқидан, диний мансублигидан қатъи назар, барча инсонлар ҳаётига бирдай дахлдор, ҳамма замонлар учун долзарбдир. Шунга кўра ҳам аксарият фикр эгаларининг бу борадаги қарашлари мутаносиб: биринчиси — маърифат, иккинчиси — жаҳолат. Хулосалар ҳам деярли бир хил: инсон фақат ва фақат маърифат орқалигина саодатга эришмоғи мумкин.

«Маърифат» сўзининг луғавий маъноси — билиш, таниш, билим демақдир¹. Истилоҳий маъноси эса анча кенг. Орифлар наздида бу сўз Худони таниш маъносини англатади. Сўфи Оллоёрнинг «Танур жойинг бўлур қолсанг танурдин» мисрасидаги «танур» сўзининг иккинчиси моҳиятан маърифатдир. Олдинги «танур» эса — тандир (жаҳаннам) маъносида келган. Маърифатсизлик инсонни икки дунёда хор қилишига ишора бор бу сатрда.

Тасаввуф олимлари маърифатнинг икки турини ажратиб кўрсатади: омма маърифати ва хослар маърифати. Улар фикрича, омма маърифати

¹Навоий асарлари луғати. Т., Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972, 379-бет.

Маърифат надир?

тинглаш орқали ҳосил бўлади. Хосларники эса — кўриш, мушоҳада этиш воситасида¹.

Ҳазрат Навоийнинг «Лисон ут-тайр» достонида қушлар сафари тимсолида инсон камолотининг етти босқичи ҳақида сўз юритилади: талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано. Достоннинг махсус боби «Маърифат водийсининг васфи» деб номланган. Боб қуйидаги байтлар билан бошланади:

*Маърифат водийсин ондин сўнгра бил,
Дашти бепоёнлиғин наззора қил.
Кимки бу водийға бўлди муттасиф,
Топти анда ҳолларни мухталиф.
Водиедур юз туман минг онда йўл,
Ул бу бир келмай, онингдекким бу ул.
Ихтилофи жузв ила кулл мундагур —
Ким, тараққию таназзул мундагур².*

Маърифат водийсини «дашти бепоён»га қиёслаган ҳазрат Навоий унда «ҳоллар мухталиф» (*ихтилоfli, бир-биридан кескин фарқ қилувчи — қавс ичигади барча изоҳлар бизники — Н. Ж.*) эканини таъкидлар экан, «Водиедур юз туман минг онда йўл» дея одамларнинг маърифий даражаси турлича бўлишига ишора қилади. Улуғ шоирнинг «жузв ила кулл» — бўлак ва бутун, тараққий ва таназзул ихтилофи ҳақидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди.

Мазкур боб давомида баён этилишича, бу во-

¹ *Қаранг: Саййид Сажжодий.* Фарҳанги истилоҳоти ва таъбироти ирфоний. Техрон, 1992, 730-бет.

² *Алишер Навоий.* «Лисон ут-тайр». Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн иккинчи том. Т., «Фан» нашриёти, 1996, 224-бет.

дийда «юз туман раҳрав»ни (йўловчини) кўриш мумкин. Пашша ҳам, фил ҳам, Жибрил ҳам йўлда. Мусою Фиръавн, Маҳдийу Дажжол, Аҳмад ва Абу Жаҳл ҳам раҳрав. Шундай бўлгач, улуг шоир таъбири билан айтганда: «Мухталиф бўлмай не бўлсун мунда иш».

Ушбу мулоҳазалари тасдиғи учун ҳазрат Навоий бир ҳадис мазмунини келтиради:

*Мундин айтибдур набиу роҳбар —
Ким, улусқа Ҳақ сари бўлса сафар.
Итасанг йўл касратиға ағду ҳаг,
Халқ анфоси била тенг бил агаг.*

(Ўша асар, 225-бет.)

Яъни Ҳаққа элтувчи йўллар сони халойиқнинг нуфуси билан баробар. Бошқача айтганда, маърифати даражасига кўра, ҳар бир одам ўз йўлини тўғри деб билади. Улар ўртасидаги ихтилофнинг сабаби ҳам шунда. Танлаган йўллари эгри ёки тўғри, яқин ёхуд йироқ, кўпраги дурд (қуйқа), озроғи соф бўлса-да, аслида ҳаммасининг мақсади, тўғрироғи, даъвоси бир — ҳақиқат.

*Гар сулук атворида тағйир эди,
Мақсади лекин борининг бир эди.*

(Ўша асар, 225-бет.)

«Маърифат водийсининг васфи»дан кейин ҳазрат Навоий бир ҳикоят келтиради. Унда ёзилишича, бир неча кўзи ожиз кимса маълум муддат мусофирлик сабабми, асир тушибми, Ҳиндистонда бўлади. Тақдир инояти билан ўз юртларига қайтиб келганида бир киши улардан сўрайди: «Филни кўрдиларингми?» Кўрлар тасдиқ ишорасини

Маърифат надир?

қилади. Ҳалиги киши, филни чиндан ҳам кўрганнингизга далил келтиринг, дейди.

Табиийки, улар филни кўрмаган, у ҳақда сўраб ҳам олмаган эди. Кўрларнинг ҳар бири филнинг қайси аъзосини пайпаслаган бўлса, шунгагина асосланиб жавоб бера кетади. Оёқларини силаб кўргани фил бу — «сутун» деса, қорнини пайпаслаб кўргани «бесутун» дея жавоб қилади. Хартумини ушлаб кўргани филни аждаҳога, тишларига қўли теккани уни суякка менгзайди. Қуйруғини силагани илонга, бошига қўл ургани қиянинг тумшуғига, қулоғини ушлагани эса елпигичга қийёслайди.

Гарчи кўрларнинг сўзи фил ҳақида эмас, унинг муайян аъзолари хусусида эканини билса-да, «пил-бонлиғ шеvasида устод» бўлган ҳакими комил уларнинг сўзини рад этмайди.

*Дегу: «Ҳар бир улча воқиф эрдилар,
Пил ҳолидин нишоне бердилар».*

(Ўша асар, 227-бет.)

Қиссадан ҳисса шуки, маърифатда комил бир мақомга эришмаган киши бамисоли ўша кўрларнинг ҳолига тушади. Ўзи «ушлагани»нигина ҳақ деб билиб, бошқалар билан ихтилофга боради, мунозара қилади.

Ҳаёт — инсонга чинакам маърифатга, камолотга эришмоқ учун берилган имкон. Ҳарҳолда, мутафаккир аждодларимиз шундай деб ҳисоблаган. Камолга эришмай, «жаҳондин нотамом ўтмак»ни ҳазрат Навоий бамисоли ҳаммомга кириб нопок чиқишга менгзайди. Камолга эришмоқнинг эса асосий шarti — маърифат.

Кейинги асрларда «маърифат» сўзи кўпинча «илм-маърифат» тарзида жуфт қўллана бошлади.

Бу унинг «билиш, таниш» маънолари жиҳатидан ҳам мантиққа мувофиқ. Бинобарин, илмсиз чинакам маърифатга эришиб бўлмаслиги маълум. Истиқболи ёруғ бўлишини истаган ҳар бир миллат авлод камолини ҳаёт-мамот масаласи деб билмоғи даркор. Таълим-тарбияга берилаётган бугунги эътибор замирида ҳам шу ҳақиқат ётади. Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси ва раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури дунёга келди. Албатта, илм дегани, маърифат дегани фақат қарорлар, фармонлар билангина эгалланмайди. Бу борадаги мавжуд муаммолар миллатнинг ҳар бир вакили, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси жон куйдирмаса, натижа кутилган даражада бўлмаслигига далилдир.

Жуманазар Бекназаров деган профессор бор — тиббиёт фанлари доктори. Мамлакатимиз зиёлилари орасида уни танимайдиган одам кам. Қунлардан бирида шу киши бундай деб қолди: «Мақтабни битириб, етуклик гувоҳномасини олган кезларим. Қамашининг (Қашқадарёдаги туман) марказий хиёбонида кетяпман. Чўнтақда — аттестат. Ўқишга жўнаш арафасидаман. Ифтихордан кўксим осмонда. Агрофимдан одамлар ўтиб-қайтади. Уларни кузатар эканман, хаёлимдан бундай ўй кечади: «Булар билармикан менинг аттестат олганимни? Унда нимага менга ҳавас қилаётганларини изҳор этмаяпти?» Ваҳоланки, ўшанда ҳали ўқишга киришим номаълум эди. Лекин илмга, маърифатга бўлган муҳаббатим шу қадар баланд, қалбимдаги шавқ шунчалик зўр эдики, гўё менинг аттестат олганимни ҳамма билиши, мени шундай катта ютуқ билан қутлаши зарурдай туюларди... Мана, бугун биз мустақилмиз. Илм олиш учун болаларимизда ҳамма

Маърифат надир?

имконият бор. Бу имкониятдан етарли даражада фойдаланаётганлар ҳам бисёр. Лекин, барибир, ёшларимизнинг аксариятида илмга муҳаббатни, ўша ўзимда бир вақтлар сезганимдай баланд шавқни кўрмаяпман. Болаларимиз қалбида илмга сўнмас рағбат уйғотишимиз керак!»

Ўша суҳбатимиздан буён Жуманазар аканинг гапи хаёлимдан кетмайди: «Болаларимиз қалбида илмга сўнмас рағбат уйғотишимиз керак!» Дарҳақиқат, бир фуқаро, шу миллатнинг бир вакили сифатида биз «ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласи» (Авлоний таъбири) бўлган тарбияга, фарзандлар камолига нечоғлиқ аҳамият беряпмиз? Бу борадаги ҳолат хотиржамликка асос бўла оладими?

Жуманазар Бекназаровнинг куюнчаклиги фақат оғизда эмас. Бунга у амалда ҳам жидду жаҳд қиляпти. У катта мулкдор эмас — ҳалол меҳнати билан пул топади. Шундай бўлса-да, ҳар Наврўзда илмга сўнмас рағбат уйғотиш ниятида ўзи ўқиган мактабнинг энг аълочи ўқувчиларига стипендия улашади. Мактабга ўқув қуроллари сотиб олиш учун ҳар йили мунтазам равишда ўз ҳисобидан муайян маблағ ажратади. Жуманазар ака пули ҳаддан зиёда бўлгани учун эмас, болаларимиз қалбида илмга сўнмас рағбат уйғотиш мақсадида шундай ишларни қилади. Буни ўзининг инсоний, фуқаролик бурчи деб билади.

Тасаввур этинг: ҳар бир зиёли, ҳар бир мулкдор ёки тадбиркор ҳеч бўлмаганда ўзи ўқиган мактабга шунчалик эътибор берса, авлодлар камоли учун Жуманазар Бекназаровчалик қайғурса — бу ташаббус мамлакат бўйлаб қанот ёйса, таълим даргоҳларида муаммо қолармиди?! Маориф тизими чинакам юксалишга юз тутиши аниқ эди.

Улуф маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудий бир мақоласида «Авлодларингизга келар замон илмини ўргатинг! Зеро, улар сиз яшаган даврда эмас, ўзга замонда яшайди» деган ҳикматни келтиради. Бу сўзлар моҳиятига эътибор беринг: демак, авлодларга замонавий илмларни ўргатишнинг ўзигина кифоя эмас, уларни келар замон илмидан-да хабардор этмоқ зарур. Ўзингиз ўйлаб кўринг, тили чиқмай туриб боласини тирикчилик ташвишларига жалб этаётган, илм-маърифатни эмас, қаллоблик билан бўлса-да, бирни икки қилишни, қонунга риоя этишни эмас, уни қандай четлаб ўтишни ўргатаётган бугунги айрим ота-оналардан нимани кутиш мумкин?! Бундай бола ватанпарвар эмас, танпарвар бўлиб ўсиши муқаррар-ку!

Яна бир мулоҳаза. Бозор иқтисодиётига ўтганимиз сари маърифатнинг асосий манбаи бўлган китобга эътиборимиз йўқолиб бораётгандек. Анқонинг уруғини ҳам топса бўладиган савдо марказлари қуриш авж олаётган бир замонда биронта ҳам китоб дўкони бўлмаган туманларимиз борлиги ачинарли ҳол эмасми?! Ҳатто пойтахтда ҳам китоб дўконлари камайиб кетган. Кичик-кичик хусусий расталарни ҳисобга олмаса, ўзбек тилидаги китоблар савдоси бўйича бор-йўғи иккита йирикроқ дўкон бор. Бири — «Шарқ зиёкори», иккинчиси — «Маънавият» нашриёти дўкони.

Наҳотки, китобга бўлган эҳтиёж шу қадар камайиб кетган бўлса?! Ахир, ҳар қандай ривожланиш, тараққиёт охир-оқибат илм-маърифатга бориб тақалиши исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат-ку!

Яқинда Олмониянинг Ҳалле деган шаҳарчаси-

Маърифат надир?

га хизмат сафарига борган бир дўстимнинг айтишича, атиги уч юз минг аҳолиси бор бу шаҳарчада ҳар қадамда китоб дўконига дуч келасиз. Яна шаҳар марказидаги уч қаватли (!) муҳташам дўконда ҳам китоб савдоси йўлга қўйилган. Унда жаҳоннинг турли тилларида чоп этилган энг ноёб нашрларни топиш мумкинлиги, айниқса, таҳсинга лойиқ. Энг муҳими, китоб дўкони доимо гавжум, олди-сотиқи авжида экан.

Абдулҳамид Чўлпон адабиётни «ўткир юрак кирларини ювадурғон тоза маърифат суви» дея таърифлаган эди. Ахир, бадий адабиётни ўқимаган, бу маърифат чашмасидан бебаҳра авлод қандай қилиб баркамол бўлиши мумкин? Ахир, китоб дидни, туйғуни тарбияловчи бетакрор манба экани маълум-ку! Мутолаасиз савияни юксалтириш мумкин эмаслиги кундай аён-ку!

Тўғри, бугун фаннинг энг илғор ютуқларидан интернет сайтларию бошқа турли электрон воситалар орқали ҳам хабар топиш мумкин. Лекин улар зинҳор-базинҳор китобнинг ўрнини босолмайди. Дарвоқе, худди шу «сайтлар» орқали ёшларимиз онгини заҳарлайдиган, уларнинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатадиган ахборотлар ҳам тарқатилаётгани сир эмас.

XIX аср сўнгида Зокиржон Фурқат бундай деб ёзган эди:

*Жаҳон басти кушоди илм бирла,
Нагур дилни муроди илм бирла.
Кўнгуларни сурури илмгандур,
Кўрар кўзларни нури илмгандур.*

Ҳақиқатан ҳам, дунёдаги ҳар қандай «баста» — муаммони ечувчи калит — илм. Инсоннинг ҳар

қандай муроди фақат илм воситасидагина ҳосил бўлади. «Кўнгулларни(нг) сурури», «кўрар кўзларни(нг) нури» илмдан экани ҳам рост. Зеро, қайси халқ, қай бир миллат бугун тараққиётнинг ҳавас қиларли даражасида экан, бунга илм, маърифат туйфаи эришган. Маърифат чиндан-да саодат калитидир.

Маърифатли бўлишни истаган ҳар бир шахс, ҳар бир миллат аввало ким эканини, халқлараро тутган ўрнини билмоғи шарт. Шу маънода, биз қандай миллатмиз, деган саволга жавоб изламоқ — ҳаётий эҳтиёждир.



БИЗ ҚАНДАЙ МИЛЛАТМИЗ?



Бу савол ҳамма замонларда жамики фикр эгаларини ўйлантириб келган бўлса, ажаб эмас. Чунки Ҳақ таоло ҳар бир миллатни тил, урф-удум, эътиқод жиҳатидан бошқаларидан фарқли қилиб яратган. Олимлар фикрича, бу тафовутдан кўзланган мақсад — улар бир-бирларига қизиқсинлар, ораларида меҳр-оқибат робитаси боғлансин.

Дунёдаги ҳар бир миллат ўз тарихига эга. Ўтган даврлар мобайнида улар неча бор тараққиётнинг юксак даражасига эришган, неча бор таназзулнинг аччиқ изтиробини тортган. Табиий савол туғилди: улар орасида бизнинг миллат сифатидаги ўрни-миз, мақомимиз қандай? Нечун биз кейинги қарийб тўрт юз йил давомида таназзул гирдобига тобора чуқурроқ туша бордик? Нега бугун — миллий истиқдолга эришгандан кейин ҳам тараққиётнинг ойдин йўлига чиқишда айрим муаммоларга дуч келяпмиз?

Аслида, булар ҳақида кўп ёзилган. Биз бу борада мутлоқ янги гап айтиш даъвосидан йироқмиз. Шунинг баробарида, фикрларимиз миллат зиёлиларини бефарқ қолдирмаслигидан ҳам умидимиз бор.

«АСЛ ТИЛЛАРНИНГ МАНШАЪИ...»

Қисқача «миллат» тушунчаси ҳақида. Профессор Бегали Қосимовнинг ёзишича, бу тушунча илк бор бундан 2,5 минг йил аввал қадим юнон файласуфи Демокрит томонидан қўлланган (Бегали

Қосимов. Миллий уйғониш. Т: «Маънавият», 2002, 64-бет).

Бу истилоҳ Қуръони каримда «*Миллати Иброҳим*» тарзида учрайди. Демак, бунда этник эмас, эътиқодий бирлик назарда тутилган. Ҳазрат Навоий номи ҳам ўша давр манбаларида «*Низом ул-миллати ва-ғ-дин*» дея таърифланади. Навоийнинг ўзи улуғ замондошларини «*Шамс ул-миллати ва-ғ-дин*», «*Нур ул-миллати ва-ғ-дин*», «*Зайн ул-миллати ва-ғ-дин*» деган сифатлар билан зикр этади. Табиийки, бу истилоҳ борасидаги ҳазрат Навоий фикрлари бизнинг бугунги қарашларимиздан фарқ қилади. «*Бироқ факт шуки, — деб ёзади Бегали Қосимов, — Навоий миллатни инсониятнинг яшаш шакли сифатида тушунади ва уни маълум диний, ҳудудий, лисоний қиёфага, муайян аслий хусусиятларига эга ҳолда тасаввур этади*» (Ўша асар, 65-бет).

«Миллат» атамаси ҳақидаги қарашлар бир-биридан нечоғли фарқ қилмасин, миллатнинг асосий белгиларидан бири — тил эканлиги уларнинг барчасида бирдай эътироф этилади. Бошқача айтганда: «*Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигин кўрсатадурғон ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур*» (Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. II жилд. Т: «Маънавият», 1998, 60-бет).

Шундай экан, савол туғилади: биз қандай тил соҳибимиз? Она тилимизнинг дунёдаги бошқа тиллар орасида тутган мавқеи қай даражада? «*Муҳокамат ул-луғатайн*»да ҳазрат Навоий бу ҳақда қуйидагича ёзади: «*...уч навъ тилдурким, асл ва мўштабардур ва ул тиллар иборот гавҳари билан қойилининг адосиға зевар ва ҳар қайсининг фуруъи бағоят кўптур. Аммо туркий ва*

Биз қандай миллатмиз?

форсий ва ҳиндий асл тилларнинг маншаъидурки, Нуҳ пайғамбар саловаттуллоҳи алайҳининг уч ўғливаким, Ёфас ва Сом ва Ҳомдур, етишур (Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том. Т: «Фан», 2000, 10-бет. Бундан кейин қавс ичида ушбу манбадан олинган иқтибосларнинг фақат саҳифаси кўрсатилади).

Эътибор беринг: «асл тилларнинг маншаъи... ». Бу ҳазилакам гап эмас. Маншаъ — бу сўз «Навоий асарлари луғати»да «бир нарсанинг чиқиб келган ўрни, келиб чиқиш жойи, бошланиши», дея изоҳланган. Демак, бизнинг тилимиз бошқа асл тилларнинг келиб чиқишига асос, замин бўлган тиллардан ва биз дунёнинг энг қадим миллатларидан эканмиз.

Ҳазрат Навоийнинг бу сўзларини Носириддин Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий» асарида олинган қуйидаги иқтибос ҳам тасдиқлайди: *«Нуҳ кемагин чиқди. Ул кун сексон оғамий — қирқ эр, қирқ хотун Шом вилоятинда тенгиз қироғинда бир кенг кўбордилар. Анга «Қарят ус-самонина» атадилар. Олти ой сув ичинда туруб ел тўқимади. Онгсизин чиқиб ел тўқиди эрса ярашмади. Заиф бўлдилар. Қамуғ ўлдилар, магар етти киши қолдилар. Тақи Нуҳ, ўғуллари, уч келин. Олам ичинда бу етти киши қолди, азин ким эрса қолмади. Бу кун мунча халойиқ ёвуз, яхши, мўъмин, кофир Нуҳ ўғлонлариндин туғдилар»* (Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т.: «Ёзувчи», 1990, 45-бет. Бундан кейин ушбу манбадан олинган иқтибосларнинг саҳифаси қавс ичида берилади).

Маълум бўладики, машҳур тўфондан олдин Нуҳ алайҳиссалом билан кемада кетган барча инсонлар ҳалок бўлади. Дунёда Нуҳ алайҳиссалом, уч

ўғли — Ёфас, Сом ва Ҳом ҳамда уч келини қолади. Ҳазрат Навоийнинг ёзишича, «Нух алайҳиссалом тўфон ташвишидин нажот ва анинг маҳлакасидин ҳаёт топти, олам маъмурасида башар жинсидин осор ва инсон навъидин намудор қолмайгур эрди, Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар, Хито мулкига йиборди ва Сомники, Абулфурс битирлар, Эрон ва Турон мамоликининг васаида волий қилди ва Ҳомники, Абулҳинд дебдурлар, Ҳиндистон билодиға узотдилар. Ва бу уч пайгамбарзода авлоду атбоъи мазкур бўлгон мамоликда ёйилдилар ва қалин бўлдилар»(10).

Хито (Хитой эмас!) — баъзи олимлар фикрича, ҳозирги Шарқий Туркистон ҳудуди. Лекин Рабғузийнинг «Ёфасни Туркистон вилоятиға изди» деган қайди ҳазрат Навоий Хито деганда биз яшаётган ҳудудни ҳам назарда тутмаганмикан, деган мулоҳазани-да уйғотади.

Нима бўлганда ҳам, икки улуғ мутафаккир — ҳазрат Навоий ва Носириддин Рабғузий яқдил эътироф этишларича, барча одамлар Нух алайҳиссалом фарзандлари — Ёфас, Сом ва Ҳомнинг авлодлари. Дунёдаги барча тилларнинг маншаъи (келиб чиқиш асоси) туркий, форс ва ҳинд тилларидир.

ҚИСМАТИ ХУЛҚИГА ЯРАША...

Инсоннинг инсонлиги қандай ахлоқ соҳиби экани билан белгиланади. Унинг камолоти даражасини кўрсатувчи бош омил ҳам ахлоқдир. Муборак ҳадислардан бирида «Мен яхши хулқларни мукамал даражага кўтариш учун юборилдим», дейилади. Демак, пайгамбарликдан кўзланган бош

Биз қандай миллатмиз?

мақсад ҳам «яхши хулқларни мукамал даражага кўтариш» бўлган. Шу боис кимки ахлоқ неъматидан бебахра бўлса, барча яхшиликлардан маҳрум. Бу улуғ неъмат билан зийнатланган киши эса барча эзгуликларга мушаррафдир.

«Қисаси Рабғузий»да ёзилишича, «*Бир куну Нуҳ алайҳиссалом узиюр (ухлар) эрди, ел эсанди. Нуҳ этагин кўтурди, увут андоми очилди. Ҳом ани кўруб кулди. Сом Ҳомға маломат қилди. Ёфас ани кўруб, тўни била ўртди (бекитди)*»(45).

Эътибор беринг, ҳар уч ўғилнинг ҳаракатида уларнинг хулқи намоён бўлган. Уларнинг Ҳақ тало неъматларидан баҳрамандлик даражаси ҳам хулқларига яраша. Носириддин Рабғузийнинг таъкидлашича, «Мавло анинг шумлуқиндин Ҳомнинг ўнгурқасиндаги нутфани қора қилди. Ўғлонлари қора бўлди. Уялмишда эвлуки илкин (хотинининг кўлин) олди. Тенгиз қироғинда атоғга кирди, қамиш бирла эв (уй) қилди. Андағуқ уруғлари ҳиндулар, ҳабашийлар, зангилар қамуғи анинг уруғи турурлар» (45).

Маълум бўладики, аслида Ҳомнинг ранги-рўйи қора бўлмаган. Отасига қилган беадаблиги боис унинг авлодлари шундай қисматга мубтало бўлган. Ҳазрат Навоий бунини қуйидагича изоҳлайди: «Чун Ҳом Нуҳ алайҳиссаломга беадаблик қилган жиҳатдин анинг муборак тилига Ҳом борасида қарғиш ўтуб эрди, бу сабабдин анинг ранги баёзи (оқ ранги) саводға мубаддал бўлуб (қорага алмашиниб), тили шикасталик зоҳир қилиб (чучук бўлиб), фасоҳат ва балоғат ҳулясиндин орий қолди...» (11).

Ана, беадаблик оқибати! Ҳомнинг оқ ранги қорага айлангани етмаганидай, тили ҳам фасоҳат ва балоғатдан бебахра бўлди. (Эътибор берган

бўлсангиз, Рабғузий фикрича, Мавло Ҳомнинг ўз рангини эмас, «ўнгурқасиндаги нутфани қора қилган». Натижада, авлодлари қора танли бўлиб тутилган.)

Бугина эмас. Ҳазрат Навоийнинг қайд этишича, Ҳомнинг «авлоду атбоъики, лавнлари (ранглар) мактаб аҳли машқи варақидек шабранг (қора), балки шабгун (қоп-қора) ва тиллари атфолнинг (болаларнинг) учи ушалфон қаламидек ўзгача адо таҳриру (асар ёзиш) тақрир (мақсадни оғзаки чиройли адо этиш) зеваридин ожизу забун қолдилар. Онсиз ҳам бўлмагайким, бирор варақ юзини мураккаб қароси била ўз юзлари сафҳасидек қаро қилғайлар ва ўз тилларидек шикаста (мажруҳ) қалам тили била адо этмагайлар. Аммо ул сафҳа рақамин ўзларидин ўзга киши билмас ва ул калоғполарни ул савод аҳлидин ўзга биров ўқумас ва фаҳм қилмас»(11).

Демак, Ҳомнинг авлодлари ўзидан ҳам қоп-қора, тиллари эса соқовнинг гўлдирашидек, на оғзаки, на ёзма нутқларини ўзларидан бошқа ҳеч ким тушунмайдиган ҳолга мубтало бўлдилар. Хўш, отасига беадаблик қилган Ҳомнинг аҳволи шундай бўлган экан, одобнинг юксак намунасини кўрсатган Ёфаснинг тақдири қандай кечди? *«Ёфас ўғлонники, — деб ёзади ҳазрат Навоий, — Абу-туркдур, тарих аҳли иттифоқи била дебдурларки, нубувват тожи била сарафроз ва рисолат мансаби била қардошларидин мумтоз бўлди»* (10—11). Рабғузийнинг ёзишича, *«Ул йўлдин турклар азиз ва мукаррам бўлдилар. Бу сўзлар Абу Исҳоқ Нишопурий жамъ қилган «Қисас ул-анбиё» ичинда битиклик турур»* (45).

Мукаммал ахлоқ инсонни қандай юксак мақом-

Биз қандай миллатмиз?

га етказиши, унинг акси эса нечоғли тубан даражага тушириши ушбу мисоллардан ҳам яққол кўриниб турибди. Бинобарин, бу ҳодиса барча замонлар ва барча авлодлар учун ибрат бўларлидир. Тафаккур эгалари бундан муайян хулоса чиқарадилар.

НЕГА ЭНДИ ИККИ ТИЛ?

Ҳазрат Навоий машҳур асарини «Муҳокамат ул-луғатайн» («Икки тил муҳокамаси») деб атади. Хўш, нима учун айнан икки тил? Нега уч ёки тўрт тил эмас? Мутахассислар буни ўша даврда бадиий асарларнинг асосан (ҳатто туркий ижодкорлар асарлари ҳам) форс-тожик тилида ёзилгани ва ҳазрат Навоийнинг туркий тил тарафдори бўлгани билан изоҳлаб келади. Бу фикрда жон бор, албатта. Буни ҳазрат Навоийнинг ўзи ҳам алоҳида эътироф этади. Жумладан, туркийдаги 100 та феълни таҳлил этар экан, улуғ мутафаккир шундай хулоса чиқаради: «Бу (туркий) алфоз ва иборотда бу навъ дақойиқ кўптурким, бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатиға мулоҳаза қилмоғон жиҳатдин бу яшурун қолибдур... Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғоч ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди... Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди» (23).

Лекин бу ягона сабаб эмас. Қолаверса, ушбу фикрлардан юқоридаги саволларга қониқарли

жавоб олиб бўлмайди. Шу маънода, буни зоҳирий сабаб ёки сабаблардан бири, деб қабул қилиш мумкин.

Аслида «Муҳокамат ул-луғатайн»да тўрт тил: туркий, араб, форс ва ҳинд тиллари ҳақида сўз боради. Жумладан, ҳазрат Навоий араб тили тўғрисида бундай ёзади: «Барчасидин араб тили фасоҳат ойини била мумтоз ва балоғат тазйини била мўъжизатироздурким, ҳеч такаллум аҳлининг мунда даъвоси йўқтур ва сўзи сидқ ва иши таслим-ўқдурким, Маликун алломун жалла ва аълонинг каломи мўъжизнизоми ул тил била нозил ва Расул алайҳис-салоту ва салламнинг аҳодиси саодатанжоми ул лафз била ворид бўлубдур» (9). (Машҳур «Девону луғотит-турк»ни араб тилида ёзган Маҳмуд Кошғарий эса асар муқаддимасида туркий тилни араб тили билан баробар, баъзан ундан ўзиб кетаётган улоқчи отга менгзаган.)

Ҳазрат Навоий нима учун бошқа тилларни муҳокамага тортмагани, тўғрироғи, бунинг ботиний сабаби ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Чун арабий тил ва мақол била калом ва ҳиндий алфоз била музаҳрафоти нофаржом, бири ғояти шараф ва улувви манзаладин (бениҳоя юксаклиги боис) ва бири ниҳояти наҳусат ва дунувви мартабадин (муҳокама даражасида эмаслигидан) орадин чиқтилар. Қолди туркий алфоз била мақсуд адоси ва форсий иборат била калом маъноси» (11).

Демак, ҳазрат Навоий фикрича, араб тили мумтоз ва сарафроз бўлгани боис муҳокамадан баланд. Ҳом авлодарининг тили эса «фасоҳат ва балоғат ҳулясидин орий қолғон»и (бебаҳра бўлгани) сабабли муҳокамадан тубан. Шу боис асарда икки тил: туркий ва форсий тиллар муқояса этилган. Тур-

Биз қандай миллатмиз?

кий тилнинг имконияти нечоғли катта эканлиги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан назарий жиҳатдан исбот қилинган.

Шундан кейинги муҳокама натижасида туркий тилнинг ифода имконияти форсий тилга нисбатан кенгроқ экани, фасоҳат ва балоғат бобида ундан баландроқлиги аниқ далиллар воситасида исботланади. Бу, шубҳасиз, бизда ифтихор уйғотади. Бироқ бизнинг ўзга тилларнинг маншаъи бўлган тилимизга эътиборимиз бугун қаноатланарлими, унинг янада юксалиши учун қайғуряпмизми, деган саволларга, афсуски, ҳар доим ҳам ижобий жавоб бера олмаймиз.

ТИЛИМИЗНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛИ

«Ўтмишдаги шон-шуҳрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарса, албатта! Аммо улар шунақа нарсаки, ҳар бир янги авлод бу шуҳратга шуҳрат қўшиб турмаса, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаса, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади». Устоз Озод Шарафиддиновнинг «Довондаги ўйлар» китобидан олинган ушбу сўзлар бошқа барча масалалар қатори тил муаммосига ҳам бевосита тегишли.

Дарҳақиқат, она тилимиз дунёдаги «асл тилларнинг маншаъи» бўлгани рост. Мутафаккир боболаримиз бу тил шаънини юксакларга кўтаргани ҳам айна ҳақиқат. Лекин бунинг ўзигина кифоя қилмайди, албатта. Хўш, бугунги авлод бу борада эътиборга лойиқ қандай ишларни қилди ёки қиляпти? Она тилимиз тараққиётига бирор улуш қўша оляпмизми?

«Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини

йўқотмақдур», деган эди Авлоний. Чиндан ҳам, миллат бошқа ҳар қандай бойлигини йўқотса, ўрнини тўлдириш мумкин. Агар у тилидан айрилса, ҳамма нарсасидан, бор-будидан айрилади, миллат сифатида мавжуд бўлолмайди. Шўроларнинг бунга уриниб кўргани маълум. Шукрлар бўлсинки, улар бу муддаосига эриша олмади.

Абдурауф Фитрат она тилимизга таъриф берар экан, унинг «дунёдаги энг бой ва энг бахтсиз тил» бўлганини таъкидлайди. Буни, биринчидан, шу тил вакили бўлган мутафаккирларнинг ўзга тилда асарлар ёзгани, иккинчидан, тилга нисбатан лоқайдлигимиз билан изоҳлайди. Бу лоқайдлик, таассуфларки, бугун ҳам қайсидир даражада давом этаётир.

Тўғри, мустақиллик туфайли она тилимиз ривож учун катта имкониятлар яратилди. Унга давлат тили мақоми берилди. Барча соҳалардаги иш юритиш ҳужжатлари ўзбек тилида олиб борилишига ўтиляпти, тилимизнинг расмий-идоравий услуби сезиларли даражада такомиллашмоқда ва ҳоказо. Лекин тил шундай ҳодисаки, унинг ривож учун қонунлар, фармонлар, қарорларнинг ўзигина етарли эмас. Шу миллатга мансуб ҳар бир шахснинг, зиёлининг фидойилиги, жонкуярлиги бўлмаса, бу борада мақсадга эришиб бўлмайди.

Тан олиш керак, худди шу мезондан ёндашилса, она тилимизга бўлган бугунги эътибор қаноатланарли даражада эмас. Озод Шарафиддинов, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов каби устоз ижодкорларнинг матбуотдаги чиқишларини эътиборга олмаганда, ҳатто зиёлиларнинг ҳам бу борада етарлича жон куйдираётгани сезилмайди.

Биз қандай миллатмиз?

Бугун телевидение ва радио, матбуот ва реклама тили талаб даражасида эмас. Биргина мисол. Дикторларимиздан бири «Террористлар фалон жойга ташриф буюришди», дейишгача борди. Қайси сўз қай ўринда ишлатилиши зарурлигини фарқлай олмайдиган бундай нотавон «сўз устаси» ҳақида нима ҳам дейиш мумкин? Ваҳоланки, «ташриф» сўзи — шараф бағишламоқ маъносини англатади. Бу сўзни террористга нисбатан қўллаш ноўрингина эмас, уят. Энг ёмони, бу ягона мисол эмас. «Байрамларингиз билан!», «Туғилган кунингиз билан!» деймиз яқинларимизга яхши кунларда. Сўзларнинг бундай йиғмаси ўзга тил қолипи асосида ясалгани аён. Ваҳоланки, дил изҳорини она тилимизда «Байрамингиз муборак бўлсин!», «Туғилган кунингиз билан қутлайман» тарзида ифодалаш мумкин-ку!

Яқин-яқингача серқатнов кўчаларимиздан бирининг энг гавжум жойига «Испытай неожиданное!» деган рус тилидаги жумла ва унинг «Кутилмаганни синаб кўр!» тарзидаги таржимаси акс этган реклама лавҳаси осилиб турар эди. Маъноси ни тушунтиришга ҳар қандай изоҳли луғат ожизлик қиладиган бундай «таржима»нинг гавжум бир манзилда кўр тўкиб туришига қандай чидаш мумкин?! Энг ачинарлиси, бундай лавҳаларни санаб адоғига етиш қийин. Ёки бунинг учун ҳам махсус кўрсатма керакми? Бу, аяброқ айтганда, она тилимизга ҳурматсизликдан бошқа нарса эмас.

Яна бир ташвишли жиҳат. Бугун пойтахт кўчаларидаги рекламалар асосан ажнабий тилларда. Дўконлар, ошхоналар, ресторанлар, турли савдо шохобчаларининг номларини ўқисангиз, қайсидир бошқа юртга бориб қолгандек сезасиз ўзингизни.

Наҳотки, шу муаммони ҳал этиш учун ҳам алоҳида фармон чиқиши керак бўлса?!

Адабиёт газетасида эълон қилинган бир мақолада («Сунъий номлар, ғалат атамалар». «ЎзАС», 2005 йил 7 январь 2-сон) 100 дан ортиқ хорижий номдаги муассасалар рўйхати берилди. Журналист улардан бирининг раҳбарига эътироз билдирганида «Сизнингча, она тилига эътибор кучлими? Қайси идорада ўзбек тилида иш олиб бориляпти, мана, прокуратура билан туман иссиқлик энергияси бошқармасидан келган ҳужжатларни кўринг, она тилида ёзилган эканми?» дея жавоб бергани айтилади. Хулоса ўзингизга ҳавола.

Она тилимизга нисбатан бундай муносабатнинг олдини бугун олмасак, эртага кеч бўлади. Шу миллатга мансуб ҳар бир зиёли бунинг учун масъул. Она тилимиз мақомини юксалтирсаккина эртанги авлодлар олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Сир эмас, бугун жуда кўп миллатлар замонавий компьютерларни ўз тилларида яратилган дастурлар бўйича бошқариш имкониятига эга. Бунга бизда ҳам катта эҳтиёж мавжуд. Мустақиллик шарофати билан бу борада ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети «Умумий тилшунослик ва компьютер лингвистикаси» кафедраси мутахассислари ўз олдига шундай эзгу мақсадни қўйган.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида кечаётган интеграция ва глобаллашув жараёнида ўзбек тилини дунёвий тиллар даражасига олиб чиқиш ҳаётий заруриятдир. Мазкур катта, масъулиятли, ўта муҳим мақсадни амалга оширишда компьютер технологияларига, хусусан, компьютер лингвистикасига бўлган эҳтиёж яна ҳам ошади. Чунки айнан

Биз қандай миллатмиз?

компьютер лингвистикаси ўзбек тилининг жаҳон миқёсига чиқишида, она тилимизнинг дунёвий тиллардан бирига айланишида, уни ўрганиш ва ўргатиш ишлари оптималлашувида ҳал қилувчи ўрин тутди.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади. Хўш, компьютер лингвистикасининг ўзи нима? Мутахассислар фикрича, компьютер лингвистикасининг асосий мақсади тилшуносликка оид масалаларни ечишнинг компьютер дастурларини яратишдир. У амалий тилшуносликнинг бўлими бўлиб, матнга компьютер ёрдамида ишлов бериш билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Унинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тилларга ўқитиш;
- билимларни текшириш (баҳолаш);
- матнларни турли жиҳатдан автоматик таҳрирдан ўтказиш;
- машина таржимаси учун мўлжалланган дастурларни ишлаб чиқиш;
- луғатларни ва компьютердаги матнни статистик таҳлил қилиш ва ҳ.к.

Кўринадики, катта ҳажмдаги ахборотни қайта ишлаш зарурияти компьютер лингвистикасини тақозо этади. Буларни мазкур соҳанинг ўзига хос йўналишлари деб ҳам аташ мумкин. Агар ушбу йўналишларнинг моҳиятига чуқурроқ эътибор берилса, уларнинг ҳар бири ўзбек амалий тилшунослиги учун нақадар ҳаётий, зарурий аҳамият касб этиши аён бўлади. Шунга кўра, компьютер лингвистикасининг айни вазифалари асосида бугунги кунда ўзбек тилшунослигининг компьютер билан боғлиқ ҳолда ҳал этиш лозим бўлган қуйидаги масалаларини таъкидлаб кўрсатиш мумкин:

- ўзбек тилининг ахборот (компьютер) услубини яратиш;
- ахборот матнларидаги қолиплилик, қисқалик, аниқлик мезонларини ишлаб чиқиш;
- интернет сайтларини яратиш меъёрларини белгилаш;
- компьютер изоҳли ва таржима лугатларини ишлаб чиқиш;
- ўзбек тили ва адабиёти дарсликларининг электрон версияларини ишлаб чиқиш;
- компьютерда инглизча-ўзбекча ва ўзбекча-инглизча таржима дастурларини тузиш;
- ёзма матнларни таҳрирдан ўтказиш дастурини яратиш.

Таъкидлаш жоизки, ушбу муаммоларнинг энг аҳамиятлиси – ўзбек тилининг ахборот (компьютер) услубини яратиш. Чунки саналган барча муаммоларнинг ечими шунга боғлиқ. Зеро, жаҳон андозалари талабларига жавоб берувчи, ҳар томонлама мукамал, қулай ва оммабоп ахборот (компьютер) услуби яратилганидан сўнггина юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш мумкин бўлади.

Компьютер услуби жаҳон андозалари талабларига монанд ҳолда фикрнинг аниқ, лўнда, қайта ишлашга мос бўлишини тақозо этади. «Шундай услубни яратмас эканмиз, – дейди мазкур соҳа мутахассиси профессор А. Пўлатов, – республика-мизда ўзбек тилида тўлиқ иш юритишга ўта олмаимиз. Ушбу услубни мактабларда ҳам ўқитишни бошлаш зарур».

Яқинда «Дунёвий ўзбек тили» китоби босмадан чиқди. Унда ўзбек тилидаги биргина «ишламоқ» феълининг тахминан юз минг шакли (лексик грамматик парадигмалари) рус ва инглиз тилларига

Биз қандай миллатмиз?

ўтирилган. Инглиз тилида эса бу феълнинг бор-йўғи 100 та шакли борлиги маълум. Мана сизга қиёс: 100 000 та ва 100 та.

ОДАМЛАРНИНГ ЭНГ БОЙИ КИМ?

Инсоният учинчи минг йилликнинг бошида ахборот асрига қадам қўйди. Минглаб йиллар давомида ривожланган инсон тафаккури учун бугунги кунда ахборот олиш ҳаётий заруратга айланди. Шунинг учун жаҳон бозорида маълумот олтидан ҳам қимматлироқ баҳоланади. Мазкур ахборотни топиш, сақлаш, қайта ишлаш ва бошқаларга етказишнинг қулай усулларига бўлган эҳтиёж кун сайин ошиб бормоқда. Демак, кимки мазкур қулай усулларни ишлаб чиқса, уларга эгалик қилса, ўша дунёдаги энг бой одам бўлади.

Матбуотдаги маълумотларга кўра, дунёдаги энг бадавлат киши Билл Гейтсдир. Нима учун дунёнинг энг катта бойи компьютер, яъни ахборотни қабул қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасининг вакили? Нега савдо ходими, банкир ёки нефтчи, пахта ё автомобиль заводининг хўжайини эмас, айнан ахборот билан боғлиқ жабҳанинг раҳбари сайёранинг энг бой одамига айланди? Бу саволга Билл Гейтснинг ўзи қуйидагича жавоб беради: «Ким ахборотга эга бўлса, у ҳамма нарсага эга бўлади». Ёки унинг яна бир мушоҳадаси дунёга машҳур: «Ахборот дунёдаги энг катта, энг қиммат моддий бойликлардан ҳам устун туради, чунки ушбу бойликлар ахборот воситасида қўлга кири-тилади». Кўринадики, инсон муайян бир соҳада — бизнес, таълим, қурилиш, умуман, ҳаётнинг ҳар бир жабҳасида бирор ютуққа эришиш учун, ав-

вало, ахборотга эҳтиёж сезади: нима? қачон? қаерда? (неча пулдан?) каби саволларга жавоб топиш учун айнан ахборотга мурожаат қилади (яъни, маҳсулотларнинг барча хусусиятлари: сифати, ҳажми, нархи кабиларни билишда ахборотнинг роли катталиги туфайли ахборот соҳаси моддий бойликлардан ҳам кўпроқ фойда берадиган соҳага айланади). Шу тариқа ахборот олмосу тилла, нефт ва газдан ҳам зарурийлик, қимматбаҳолик касб этади.

— Ахборот асри бўлган XXI юз йилликда, — дейди профессор А. Пўлатов, — олтиндан қимматроқ бўлган маълумотни зарар етказмай қабул қилиш, ишончли сақлаш ва энг қулай тарзда саводли қилиб бошқаларга етказиб бериш тил билан бевоқифа боғлиқдир. Шунинг учун тил ва бизнес чамбарчас боғлиқ соҳалардир. Мени бир нарса жуда ўйлантиради, таажжубга солади: нима учун бизнинг тилчи олимларимиз, дунёдаги бошқа мамлакатлар олимларидек, бизнес билан, яхшигина моддий манфаат кўриш билан шуғуланмайдилар? Қайси олим билан суҳбатлашсангиз, китоб ёзганини, лекин уни чоп этишга маблағ топа олмаётганлигини айтади. Маблағни, биз олимлар, ўзимиз топишимиз зарур. Бунинг учун эса лингвистлар ҳам бизнес оламига чуқурроқ кириб бориши керак. Нима учун тилчилар бизнесда қатнашмаптилар? Чунки улар янги борлиққа — замонавий ҳаётга тайёр эмаслар. Уларнинг реклама, бизнесда иштирок этишлари учун дастурлари мавжуд эмас. Бу бизнинг катта камчилигимиз. Ҳозирги жўшқин ҳаётда бизнес, рекламадан четда туришимиз нотўғри ҳол. Бундан тилчилар ташқарида қолганининг салбий оқибатларини кўриб турибмиз:

Биз қандай миллатмиз?

Тошкентда наридан-бери ёзилган, ўзбек тилининг ички қонуниятларига, узоққа бормаилик, оддий валентлик — сўзларнинг бирикув қоидаларига тўғри келмайдиган жумлалар, имловий хатоларга тўла рекламалар кўпайиб кетган. Уларни ким яратмоқда? Ўзбек тилини чала-чулпа биладиган, бошқа миллатга мансуб, профессионал бўлмаган реклама мутахассислари. Уларни назорат этиш, рекламаларни саводли, тушунарли қилиш ва шу орқали моддий манфаатдорлик кўриш қўлимиздан келмайдими? Келади, албатта. Фақат бунинг учун эскича, тор фикрлашдан воз кечишимиз, «Олим — бу фақат олим» деган қарашни ўзгартиришимиз зарур. Бунинг учун тилшунослар ўзбек тилининг фақат назарий жиҳатларини тадқиқ қилиш билангина чекланмай, унинг амалий томонларига ҳам кўпроқ эътибор беришлари зарур. Яъни, қуруқ назарий фикрларга тўла тадқиқотларни салгина чеклаб, халқимиз учун фойда келтирадиган — матнларни таҳрир қилиш, тилларга ўргатиш каби компьютер дастурларини ишлаб чиқишда фаол қатнашишса, мақсадга мувофиқ бўлув эди. Зеро, бу ишларни амалга оширишда компьютер дастурчилари лингвистик таъминотга эҳтиёж сезадилар. Уни эса филологлар яратиб бериши зарур.

«НЕ ИШДИН МАМЛАКАТ ОБОД БЎЛДИ...»

Вақтнинг шиддатини қарангки, янги ХХІ юзйилликнинг ҳам дастлабки ўн йилини яшаб қўйдик. Ўтган давр ичида миллат ҳаётининг барча жабахаларида муайян ютуқларга эришдик. Жамият маънавиятини юксалтириш бобида ҳам муваффақиятларимиз оз бўлгани йўқ. Шунинг баробарида, табиийки, муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Тарихни ўрганиш ҳамма замонларда ҳам муҳим ва аҳамиятли ҳисобланган. Зеро, ҳар қандай миллатнинг бугуни ва истиқболини унинг ўтмишидан, тарихидан айри тасаввур этиб бўлмайди.

Шу боис асримиз бошидаги маърифатпарварлар, хусусан, Туркистон жадиждарининг раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий ҳам тарихни ўрганиш, ундан сабоқ олиш масаласига алоҳида эътибор берди. «Қабиласининг исмини ва етти отасининг отини билмайдургонларни қул — марқуқ дерлар», деб ёзган эди Беҳбудий мақолаларидан бирида.

«Ойна» журналининг 1914 йил 38-сонида Беҳбудийнинг «Туркистон тарихи керак» деган мақоласи эълон қилинади. Унда қуйидагиларни ўқиймиз: «Тарих кўп аҳамиятли ва фойдали бир нарсадур. Тарихнинг фойдаларидан баъзиси ушбудурки, бир миллатнинг на тариқада, қайси йўл ила тараққий этганин ўқиб, ибрат олмоқ ёки миллатнинг не сабаблардан таназзул этиб, охири мунқариз бўлуб кетганин ўқуб, мундан ҳам истифода этмак мумкинмур».

Беҳбудийнинг тарихни ўрганиш аҳамияти ҳақидаги бу хулосаси ҳазрат Навоийнинг қуйидаги ўғитларини эсга солади:

*Ва гар тарих сори айлагунг майл,
Муни билгачки, не иш қилди ҳар хайл.
Не ишдин мамлакат обод бўлди,
Қаю ишдин улус барбод бўлди.*

Демак, Навоийдан Беҳбудийгача ўтган тўрт юз йилдан зиёд вақт мобайнида ҳам тарихни ўрганиш, ундан сабоқ олишнинг аҳамияти тўғрисидаги қарашлар моҳияти ўзгармаган.

Хўш, ҳозир-чи? Ҳозир ўзгарганми? Бугун та-

Биз қандай миллатмиз?

рихга, аждодлар кечмишини ўрганишга бўлган эътиборнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, ҳаққоний тарихимизни тиклаш масаласи билан бевосита мамлакат раҳбарининг ўзи қизиқаётгани Ватан ва миллат тараққийси йўлида тарихдан фойдаланишга бўлган интилиш натижаси сифатида баҳоланмоғи керак.

«Туркистон тарихи керак» мақоласида Беҳбудий бундай ёзади: «...бизнинг ўз шевамаизда Туркистонда ўтган боболаримизнинг маиший, сиёсий аҳволига доир «Туркистон тарихи» бор бўлгонда, они кўз олдимизда қўйуб, бурунғи қаҳрамон боболаримизнинг на йўл ила тараққий ва маданият даврига кируб ва нима сабабдан охири мунқариз бўлуб кетганларини ўқуб, билуб, хейли ибрат олар эдук. Ўшандоқ ҳозирги ҳолимизни боболаримиз давридаги ҳолларга бир даража муқояса этмак ила баробар ўз-ўзимиздан бир инфиоли даруний (ички ҳаяжон) ҳис эдуб, юзларимиз қизарар эди. Ҳоло, биз туркистонийлар марҳум боболаримиз аҳволи ҳам Туркистон воқеоти тарихиясидан бутун ғофил ва беҳабардурмиз».

Маълумки, Беҳбудийга қадар жуда кўп тарихий асарлар ёзилган. Кўплаб муаррихлар Туркистон тарихининг энг қадимги даврдан то ўз замонаригача бўлган воқеаларни хронологик тарзда ёзиб қолдирганлар. Хўш, унда Беҳбудий нима сабабдан Туркистон тарихи яратилмаган, деган фикрни илгари сурмоқда?

Алломанинг ўзи бунга қуйидагича изоҳ беради: «Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилган, тартибли ва истифодали мукамал бир асар вужудга келгани йўқ. Тўғриси, мундай тарих ёзувчи киши турк ўғлонларидан

ҳануз майдонга чиқғони йўқки, бу эса турк болаларининг ноҳалаф бўлуб, чин ўғул эмасликларига далилдур. Бу сўзлардан тарихсизлигимиз англашилмасун. Бизнинг тарихимиз бор».

Демак, Беҳбудий замон талаблари даражасида, «янги тадқиқот ила ёзилгон», мукамал «Туркистон тарихи»ни орзу қилмоқда. Унинг фикрича, руслар ва бошқа оврупойилар фойдаланаётган Туркистон тарихига бағишлаб бурунги асрларда ёзилган туркий, форсий ва арабий тиллардаги китоблар «мухталиф тилларда ёзилган». Яъни уларда бир ҳодиса турлича талқин этилган, бир-бирига зид, қарама-қарши фикрлар кўп. Беҳбудий ана шу фарқли жиҳатлар тадқиқ этилган мукамал тарихни яратиш заруратини кун тартибига қўймоқда.

Бу жуда долзарб муаммо эди. Бинобарин, Беҳбудийнинг фикрича, ҳаққоний тарихдан хабардор бўлмасдан туриб, ҳеч бир миллат ўз аҳволини тадқиқ эта олмайди. Ўз тарихидан ғофил ва беҳабар миллат эса тараққиётдан ортда қолиши аниқ.

Афсуски, Беҳбудийнинг бу орзуси амалга ошмай қолди. Миллатнинг фидойи фарзандлари қатори алломанинг ўзини-да маҳв этган тоталитар тузум миллатни тарихидан, аждодлари кечмишидан имкони борича узоқлаштириш сиёсатини олиб борди. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз истиқлолга эришиши биланоқ тарихни ўрганиш, ундан сабоқ олиш масаласи яна кун тартибига қўйилди.

Жамоатчиликка аёнки, тарихчиларимиз уч жилдан иборат «Ўзбекистоннинг янги тарихи»ни ёзиб нашр эттирдилар. Бу катта ютуқ экани шубҳасиз. Лекин бу ўз номи билан янги тарих. Миллатимизнинг энг қадимги замондан XIX аср иккинчи яр-

Биз қандай миллатмиз?

мигача бўлган кечмиши бўйича ҳам аниқ илмий концепцияга асосланган кўпжилдли тарихи яратилиши галдаги вазифалардандир. Бинобарин, миллатнинг ҳар бир фарзанди унинг ҳаққоний тарихини англаши, тарихий ҳодисалардан ибрат ола билиши зарур. Шундагина улар воқеликка теран нигоҳ билан қарашни ўрганадилар. Фақат шу ҳолдагина улар орасидан нурли истиқболнинг чинакам бунёдкорлари етишиб чиқади.

НИМАЛАРДАН ВОЗ КЕЧМОҚ КЕРАК?

Тарихий тараққиёт ҳар бир замонда ҳар бир миллат ва унинг зиёлилари олдига ўз муаммоларини кўндаланг қўяди. Шу маънода, ўтган аср ва янги юзйиллик ўртасида муайян мутаносибликни кузатиш мумкин.

Табиийки, тарихни ўрганиш масаласига шу қадар аҳамият берган жадиждаримиз миллатнинг ўзлари яшаган даврдаги аҳволини ислоҳ қилиш, уни уйғотиш, тараққий этган миллатлар даражасига олиб чиқиш каби долзарб муаммоларга ҳам бефарқ бўла олмас эди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Бизни кемиргувчи иллатлар», «Муҳтарам ёшларга мурожаат», «Аъмолимиз ёинки муродимиз», «Икки эмас, тўрт тил лозим», «Тил масаласи» каби мақолаларида даврнинг бениҳоя ўткир муаммолари ва бу муаммоларнинг муолажаси масаласига алоҳида эътибор берилганининг сабаби шунда.

«Бизни кемиргувчи иллатлар» мақоласи мана бундай сўзлар билан бошланади: «Бизни кемиргувчи иллатлар деганда захму маразниму гумон этурсиз? Ёинки, сил, сил-ар-рияу (ўпка сили), махавликниму дерсиз? Йўқ, андан ҳам ямонроқ ва ан-

дан ҳам жонхарош, беғоя, хонавайрон ва ғариб этгувчи бир дард, биз — туркистонийларни... инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалататургон тўй, аза исминдаги икки қаттол душманни дерман».

Беҳбудий миллат фарзандлари азиз вақтларини Ватан ва миллатни тараққий эттиришга, юксалтиришга сабаб бўлувчи зарур ишларга эмас, тўй, аза ва бошқа шу каби турли маросимларга, ҳар хил тадбирларга сарфлаётганидан афсусланади. «Кўпкари ва улоқ чопмоқлик одати малъунонасиға ҳар вилоятдан ҳар сана юзлар ила киши охиратға кўчар, на қадар киши маъюб ва мажруҳ бўлар, — дея куюниб ёзади у, — кўп кишилар сайр ва кўпкари шумлиги ила ишдан ва зироат вақтидан қолар... Ўн-йигирма чақиримға тўй бўлдим, ҳар ким ишини, деҳқончилигини қўюб, отланиб кўпкарига кетар. Деҳқон учун олтиндан азиз вақт фавт бўлди-кетди. Экин биргина кун кейин сепилган учун ёғинга қолиб, баъзи хирмонлар чириб кетар».

Беҳбудий айрим миллатларнинг вақтни тежаш мақсадида ўликни ҳатто кечаси кўмиши ҳақида ёзиб, ҳар бир дақиқани огоҳликда ўтказишга, Ватан ва миллат манфаати йўлида сарфлашга даъват этади.

Зинҳор-базинҳор бу фикрлардан Беҳбудий тўй ва аза маросимларига қарши бўлган экан, деган хулосага келмаслик керак. У тўйга ҳам, азага ҳам қарши бўлган эмас. Улуғ маърифатпарвар исрофгарчиликни, дабдабабозликни қоралаган, холос. Бунга унинг қуйидаги фикрлари далил бўла олади: «Бизға лозимки, тўй ва таъзияларни кичик қилиб ва ҳолимизча ҳаракатда бўлуб, келар замонимизни ўйлайлук... Тўй ва таъзияға сарф қили-

Биз қандай миллатмиз?

надурғон оқчаларимизни биз — туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, оврупойилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимиз-да обрўй ва ривож топар».

Кўриниб турибдики, алломанинг ушбу фикрлари ягона мақсад — Ватан ва миллат манфаатига қаратилган.

Масаланинг яна бир муҳим жиҳати, Беҳбудий ўтган аср бошида кўтарган ушбу муаммолар юз-йиллик сўнгида ҳам ўз долзарблигини йўқотмади. Президент Ислом Каримовнинг бу борада махсус Фармон (1998 йил 28 октябрь) қабул қилгани айрим юртдошларимизда, ҳатто баъзи раҳбар ходимларда ҳам тўй ва маросимларни сохта обрў ортириш воситаси деб билиш қусури мудом мавжуд эканини кўрсатди. Таассуфлар бўлсинки, бундай дабдабазликдан бугун ҳам тўлиқ қутула олганимиз йўқ. Катта харажатларга имконияти етадиган мулкдорлар-ку майли-я, ҳатто иқтисодий аҳволи ночор миллатдошларимиз ҳам қарз олиб бўлса-да, қўшнисидан «ортда қолмаслик»ка ҳаракат қилади.

Ўзим гувоҳи бўлган воқеа: маҳалламизда яшайдиган камхарж бир қўшнимиз қиз узатди. Тўйнинг барча жиҳати гўё «рисоладагидек» ўтди. Натижа шундай бўлдики, тўйдан кейин беш хонали уйини уч хоналига алмаштирди. Иккинчи қизини узатгач эса шаҳар чеккасидаги икки хонали уйга кўчиб ўтди. Худди шу одам (бошқа кўпчилик ҳам) фарзандларининг илм олиши, салоҳиятли мутахассис бўлиб етиши учун тўйга ҳаракат қилганичалик ҳам чекмайди. Бу ҳол, Беҳбудий тўғри таъкидлаганидек, «бизни кемиргувчи иллат»га айлангани таассуфли ҳолдир.

Биз ўз олдимизга улуғ мақсадларни қўйган, шу

йўлда дадил одимлаётган миллатмиз. Бинобарин, бу мақсадимизга тўғаноқ бўладиган ҳар қандай иллатлардан фориф бўлишимиз керак. Шундагина истиқболимиз нури, келажагимиз ёруғ бўлади.

Изоҳ

Муҳтарам китобхонлар сарлавҳани кўриб, рисолинг бу бобидан жуда кўп нарса кутган, ўқиб чиққач эса кутганларининг барчасини ҳам топа олмаган бўлса, камина муаллифни афв этгайлар. Аслида, бундай катта мавзуни бир мақола доирасида мукамал даражада ёритиш иложи йўқдир. Биз миллат тақдирида ҳаёт-мамот масаласи бўлган уч муаммо — тил, тарих ва урф-удумлар ҳақида айрим фикрларнигина айтишга уриндик, холос. Ваҳоланки, миллатни миллат қиладиган фазилатлар ҳам, уни тараққиётнинг юксак мақомидан таназзул чоҳига тортадиган нуқсонлар ҳам кўп. Таъкидланганидек, бир мақолада уларнинг барчасини қамраб олиш имконсиз.

Биз дунёнинг энг қадим миллатлариданмиз — бу ҳақиқат. Инсоният тамаддунига қўшган улушимиз беқиёс эканлиги ҳам рост. Лекин кейинги асрларда инқирознинг аччиқ изтиробларини ҳам тортдик. Ғам-аламнинг офир юкини ҳам кўтардик. Сабаби, боболаримиз билан ҳар қанча фахрлансак-да, ахлоқ-одоб, илм-маърифат борасида улардек бўлишга етарлича ҳаракат қилмадик. Мутафаккир аждодларимиз ёзиб қолдирган ўғитлар камолга эришмоқ учун нечоғли муҳим эканини билсак-да, бу ўғитларга амал қилишни ҳар доим ҳам ўйламадик. Агар шуларни билиб, амал ҳам қилганимизда эди, манфаатпарастлик, порахўрлик, иккиюзламачилик, ўз-ўзига маҳдиё бўлиш каби иллатлар-

Биз қандай миллатмиз?

дан анча юқори тура олардик... Бу каби илатларнинг олдини олиш учун ўзимизга нисбатан танқидий кўз билан ҳам қарай билишимиз, талабчанроқ бўлишимиз зарур.

Муаммолар оз эмаслиги ҳақида гапирдик. Бироқ кўнгилда бир таскин бор. Бу эртанги кунга бўлган умид ва ишонч туйғусидир. Қалбимизда шу умид, шу ишонч бор экан, доно халқимиз топиб айтганидек, «Оққан дарё албатта оқади» ва биз нури манзилларга боражакмиз.



БИЗ КИМЛАРНИНГ ВОРИСИМИЗ?



Аввалги бобда таъкидланганидек, улуф аждодларнинг дунё илм-фани тараққиётига қўшган ҳиссаси билан фахрланишнинг ўзи кифоя эмас. Уларнинг муносиб издоши бўлишга интилиш, мутафаккир боболар қолдирган тафаккур хазинасини янгидан-янги дурдоналар билан бойитиш — ҳаётий эҳтиёж. Бироқ бу осонликча амалга ошмаслиги аён. Буюк аждодлар эришган ютуқларни янгилари билан бойитиш учун аввало уларнинг илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш, ибратланиш, хулосалар чиқариш зарур. Таассуфлар бўлсинки, биз боболар меросини ўрганиш борасида ҳам мақтанарли ҳолда эмасмиз.

Ҳаётий бир мисол. Бундан бир қанча йил муқаддам фалсафа бўйича номзодлик диссертацияси ҳимоясида қатнашишимга тўғри келган. Ёш, истеъдодли олим ўз илмий қарашларини муваффақиятли ҳимоя қилди. Диссертацияда улуф мутафаккир Абу Мансур Мотуридийнинг фалсафий қарашлари ҳақида ҳам мулоҳаза юритилган эди. Шунда ихтисослашган кенгаш аъзоларидан бири тадқиқотчиға Мотуридий илмий фаолиятига оид савол билан мурожаат қилди. Ёш олим саволга тушунмади. Сабоби, савол берувчи бу улуф аллома номини шундай талаффуз қилдики, унинг бу номни биринчи марта шу диссертация муаллифидан эшитиб тургани, аллома ҳақида ақалли тасаввурга ҳам эга эмаслиги аён эди. Оқибатда унинг саволини «таржима» қилишга тўғри келди.

Биз кимларнинг ворисимиз?

Сезиб турибман: сиз «Бу мутахассис имом Мотуридий номига биринчи марта дуч келган бўлса, узрли-ку, бу ҳол мустабид тузум таъсири-ку», дея эътироз билдирмоқчисиз. Бир зум шошманг... Шу воқеадан кейин кўп ўтмай, Абу Мансур Мотуридий юбилейини нишонлаш ҳақида ҳукумат қарори чиқди. Иттифоқо, ҳалиги саволни берган фалсафачи билан кўришиб қолдим. У менинг газетанда ишлашимни билиб (ўша кезлари «Фидокор» газетасида фаолият юритаётган эдим), «Мотуридий ҳақида қарор чиққани яхши бўлди-да, унинг фалсафий қарашлари ҳақида газетангизга бир мақола ёзиб берсам, нима дейсиз?» — деб мурожаат қилганида ҳайратдан ёқа ушладим. Тўғри, у улуф аллома номини энди беҳато талаффуз қилган эди. Лекин мақола ёзиш учун шунинг ўзигина етарлимикан? Бунга унинг маънавий ҳаққи борми?

Эндиги авлод бу каби хатоларни такрорламаслиги зарур. Биз кимларнинг вориси эканимизни англаш, билиш — маърифатнинг муҳим шарт. Улуф аждодларимиз ҳақидаги мана бу битиклар ана шу маърифатга хизмат қилиш йўлидаги камтарона уринишлардир.

ШАРАФ СОҲИБЛАРИ СУЛТОНИ

«Шайх Абу Мансур Мотуридий — ўз замонининг аълам уламосидин эрмиш. Ул вақт уламоси аларни султон ул-муъиззин дер эрмишлар. Зоҳир ва ботин улуми била ораста». Бу таъриф ҳазрат Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») асаридан олинди. «Султон ул-муъиззин» — азизларнинг, шараф соҳибларининг султони демақдир. Ушбу таърифнинг ўзиёқ Абу Ман-

сур Мотуридийнинг илмдаги мартабаси нечоғлик улуғ экани далилдир. Зоҳирий ва ботиний илмларни мукамал эгаллаган бу улуғ аллома калом илмида ўзига хос мактаб яратди.

Калом илми, бир сўз билан айтганда, эътиқод илми демақдир. Бу илм эътиқод асослари хусусида баҳс юритади. Калом илми билан шуғулланган олимлар мутакаллимлар, дейилади. Аҳд ус-сунна вал-жамоа эътиқодида иккита эътироф этилган ақидавий йўналиш мавжуд. Булар — мотуридия ва ашъария. Имом Абу Мансур Мотуридий Самарқандий мотуридия йўналиши асосчисидир.

Шайх Абу Мансур Мотуридий VIII аср охири — IX аср бошларида яшаб ижод қилди. У кўплаб илмий асарлар ёзган бўлиб, энг машҳурлари «Китоб ат-тавҳид» («Худонинг яккаю ягоналиги ҳақидаги китоб») ва «Таъвилоти аҳли-с-сунна» деб номланган асарлардир. Иккинчи асар «Таъвилот ал-Қуръон» деб ҳам юритилади.

Алломанинг «Таъвилоти аҳли-с-сунна» асари Қуръони карим оятларини таъвил, яъни талқин этиш бўйича ўз замонасида ва ундан кейинги даврларда ҳам энг эътиборли асарлардан ҳисобланган. «Бу шундай улуғ бир китобдирки, таъвилот фанида ёзилган китобларнинг бирортаси бу китобга баробар кела олмайди». Қодирия тариқатининг асосчиси, улуғ аллома Абдулқодир Гийлонийдек муътабар зотнинг ушбу таърифиёқ бу асарнинг қиймати нақадар юксак эканини кўрсатади.

Шайх Абу Мансур Мотуридий яшаган даврда муътазилийлар, жаҳмийлар, қаромитлар, рофизийлар, муржиълар, карромийлар сингари фирқалар Қуръони карим оятларини ўзларининг тор манфатларидан келиб чиқиб талқин этишга ва мўмин-

Биз кимларнинг ворисимиз?

мусулмонлар онгига ўз ақидаларини сингдиришга уринган. Бизнинг замонамизда муқаддас динимизни ўз манфаатлари, ҳою ҳаваслари воситасига айлантиришга уринаётган ваҳҳобийлар, ҳизбчилар, акромийлар каби адашган фирқалар пайдо бўлгани, улар ҳам ўз зарарли қарашларини ёйишга интилаётганини назарга олсак, имом Мотуридий яшаган давр ва бугунги кун ўртасида муайян ўхшашлик бор экани кузатилади. Аллома ўз даврида бузгунчи оқимлар қарашларини рад этишда қанчалик жонбозлик кўрсатган бўлса, бугун унинг асарлари худди шу жиҳатдан юксак аҳамият касб этмоқда.

Абу Мансур Мотуридий кўплаб илмларда чинакам камолот соҳиби эди. Абу Муин Насафийнинг қуйидаги мулоҳазалари ҳам ушбу фикрни қувватлайди: «Абу Мансур Мотуридий нафаслари миқдоридagi илмларни ўзида жам этган, бор кучларини шу илмларни тарқатиш ва ўргатишга сарфлаган, шунинг учун ёзган асарлари мақтовларга сазовор бўлган ва ўз умридан серҳосил меваларни олишга эришган зотдир».

Кўриниб турибдики, бу улuf зот ҳаёти ва мероси ҳар жиҳатдан авлодларга ибрат ва намуна бўла олади. Алломага бугунги авлодлар эҳтиромининг бош сабаби ҳам шунда.

Миллатнинг шаъни-шавкатини танитишда, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнини англатишда Имом Абу Мансур Мотуридийдек алломалар мероси асос, мезон вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам Президент Ислom Каримовнинг шахсан ташаббуси билан аллома юбилейи халқаро миқёсда кенг нишонланди. Унинг мақбараси ўрнида замонавий архитектура талаблари даражасидаги ёдгорлик-мажмуа қуриб битказилди. Бинобарин, истиқболи

нурли бўлишини истаган миллат улуғларига эҳтиром кўрсатади.

Наинки Шарқ олимлари, ҳатто Фарб исломшунослари ҳам Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини ўрганишга алоҳида рағбат кўрсатиб келмоқдалар. Аллома мероси ҳақида дунёнинг кўплаб мамлакатларида яратилаётган тадқиқотлар — бунинг далили. Олмон олими Улрих Рудольфнинг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» номли асари шулар жумласидандир.

Ушбу тадқиқот ўзбек тилида шу пайтгача икки марта нашр этилди. 2002 йили амалга оширилган биринчи нашр асосан соҳа мутахассисларига мўлжалланган эди. Табиийки, ундаги исломшунос тадқиқотчилар учун зарур бўлган муфассал илмий изоҳлар, тафсилий тушунтиришлар муайян тайёргарликка эга бўлмаган оддий китобхон учун анчайин мураккаб. Шунинг учун ҳам ушбу асарнинг миллатимиз ёшлари — Имом ал-Мотуридий авлодлари учун нечоғлиқ муҳим эканини ҳис қилган таниқли олимлар — Зоҳидулла Мунавваров, Абдулазиз Мансур, Ашурбек Мўминов, Шуҳрат Сирожиддинов, Анвар Ҳожиаҳмедов, Неъмат Жабборов ва Асал Аббосовалардан иборат ижодий гуруҳ унинг оддий ўқувчига мўлжалланган оммавий нашрини тайёрладилар. Натижада, 2002 йили мазкур тадқиқот Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси ва Олмониянинг Фридрих Эберт жамғармаси ҳамкорлигида 10000 нусхада чоп этилди. Асарни Раъно Қобулова ҳамда Ғанижон Маҳмудов ўзбекчалаштирдилар.

Бизнингча, ушбу тадқиқот ютуғини таъминлаган омиллар қуйидагилардан иборат: биринчидан,

Биз кимларнинг ворисимиз?

муаллиф айнан биз яшаётган замин — Мовароуннаҳрда калом илмининг ривожини, унинг тараққиёт босқичлари қандай кечгани хусусида эътиборга молик кузатишлар олиб борган. Олим Мотуридий қарашларининг юзага келиш шароитлари, калом илмининг унганча, унинг замонидан ва ундан кейинги даврда қай йўсинда ривожлангани ҳақида қимматли маълумотлар тўплаган, уларни теран тадқиқ этган.

Иккинчидан, асар кўп сонли манбаларни ўзаро муқояса қилиш, чуқур илмий таҳлилдан ўтказиш, умумлашма хулосалар чиқариш асосида юзага келган. «Рисола ила Усмон ал-Баттий», «Китоб ал-олим ва-л-мутааллим», «Китоб ал-фиқҳ ал-абсат», «Китоб ар-радд ало ал-бадъат ва-л-аҳво», «Китоб асос ал-савод ал-аъзам», «Китоб ат-тавҳид» каби манбалар шулар жумласидандир.

Олим бу асарлар ҳақидаги шахсий хулосаларини билдириш билангина чекланмайди. Калом илмининг моҳиятини англашда катта аҳамиятга эга бўлган мазкур асарларнинг мухтасар мазмуни баёнини ҳам беради. Ушбу асарларни бевосита ўқиш имконига эга бўлмаган ўқувчилар учун бу нечоғлиқ фойдали экани аён.

Биргина мисол. Имом ал-Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» асарида ўз давридаги адашган фирқалар қарашларининг ҳақиқатдан йироқ экани далилланган. Асарда табиатнинг ўзича ривожланиши ҳамда абадий модда (тийна) ғояси тарафдорларига қарши фикрлар билдирилгани, «дахрия» гуруҳларининг қатъий танқид қилингани, айниқса, диққатга сазовор. Бинобарин, XX асрда дунёнинг улкан ҳудудига ўз ғояларини сингдиришга муваффақ бўлган моддийончилар қарашлари ўн бир аср

муқаддам Имом ал-Мотуридий томонидан қатъий далиллар билан рад этилганиёқ аллома илмий салоҳиятининг нақадар юксак бўлганини кўрсатади.

Учинчидан, Улрих Рудольф Шарқ ва Фарбда Имом ал-Мотуридий ҳақида яратилган кўплаб тадқиқотларни синчковлик билан ўрганган. Бу илмий ишларнинг ютуқ ва камчиликларини аниқ мисоллар билан таҳлил этган. Асоссиз фикрларни кучли далиллар билан рад этган. Мотуридийнинг ўзи учун маълум-у, лекин кейинчалик англаб етиш мушкул бўлган мулоҳазаларни янги маълумотлар ва илмий хулосалар билан бойитган. Натижада, олмон олими Имом ал-Мотуридийнинг ислом илоҳиётидаги ўрнини белгилаш борасида катта илмий ютуқларни қўлга киритган. «... ал-Мотуридий, — деб ёзади Улрих Рудольф, — Мовароуннаҳрдаги илоҳиёт тараққиётида бурилиш нуқтасини белгилаб берди. Биз қайта-қайта шунга амин бўлдикки, у маълум анъанага амал қилган ва унга чуқур ҳурмат билан қараган. Аммо бу анъана ал-Мотуридийнинг таъсирида ҳам шаклан, ҳам мазмунан тобора ўзгариб борган, ўзгарганда ҳам секин-аста тадрижий тарзда эмас, балки шу қадар тез ўзгарганки, у бутунлай янги сифат касб этган».

Тўртинчидан, олмон олими ал-Мотуридийнинг бизгача етиб келмаган каломга оид етти асари — «Китоб баён ваҳм ал-муътазила», «Радд ал-усул ал-хамса», «Китоб радд авоил ал-адила», «Радд китоб ал-Каъбий фи ваъид ал-фуссоқ», «Китоб радд таҳзиб ал-жадал ли-л-Каъбий», «Радд китоб ал-имома ли-баъд ар-равофиз», «Китоб ал-мақолот», бундан ташқари, ҳуқуққа оид икки асари — «Маъхаз ал-шаройиъ», «Китоб ал-жадал» ҳақида қимматли маълумотларни беради.

Биз кимларнинг ворисимиз?

Мазкур асарларнинг аксарияти адашган фирқалар раддиясига бағишланганини таъкидлаган муаллиф, гарчи бу асарлар шу пайтгача топилмаган бўлса-да, уларда Мотуридийнинг танқиди нимага қаратилганини англаб олиш қийин эмаслигини қайд этади. Муаллифнинг фикрича: «...матнларнинг йўқолгани фикр йўналишининг ҳам йўқолганини билдирмайди».

Бешинчидан, Улрих Рудольф тадқиқотида Мотуридийнинг калом ҳақидаги қарашлари Имом Аъзам — Абу Ҳанифа ва ал-Ашъарий ғоялари билан муқояса этилади. Мотуридийнинг калом илмида улардан тамомила фарқ қилувчи янги йўналишга асос солгани ишонарли далилланади.

Жумладан, муаллиф ёзади: «Турли манбаларда Мотуридий ҳақида Абу Ҳанифа ғояларининг шунчаки талқин этувчиси, деган тасаввур илгари суриладики, буни масалани чеклаштирувчи соддалаштириш, деб аташ мумкин, холос. Бундай таъриф нафақат урғуларни йўл қўйиб бўлмас даражада ўзгартириб юборади. У Мотуридийнинг шахсий ютуқларини ҳам ҳисобга олмайди ҳамда у туфайли илоҳиётда пайдо бўлган янгилик салмоғини камайтиришга уринади».

Олимнинг фикрича: «...матнлар бошқа нарсадан сўз юритади. Улар ворисликдангина далолат бермайди. Улар ривожланиш ўз ирмоқларидан нақадар илгарилаб кетганини ҳам кўрсатади. Буни исботлаш учун ҳеч қандай чуқур далиллар керак эмас, бунинг учун Усмон ал-Баттийга йўлланган мактуб (Имом Аъзам қаламига мансуб) билан «Китоб ат-тавҳид»ни (Мотуридий асари) қиёслашнинг ўзи кифоя».

Улрих Рудольфнинг таъкидлашича, Имом ал-

Мотуридий илоҳиёти ал-Ашъарий таълимотидан ҳам фарқ қилади. Калом илми эътиқод асослари хусусида баҳс юритиши, мотуридия ва ашъария аҳлус-сунна ва-л-жамоа эътиқодида эътироф этилган асосий икки йўналиш экани ҳисобга олинса, олимпинг бу фикрлари нечоғлиқ аҳамиятли экани ойдинлашади. «Ал-Ашъарий илоҳиётининг умумий тавсифини берадиган бўлсак, — деб ёзади олим, — айтиш мумкинки, у деярли ҳамма вақт ўз назариясига энг ифодали, ҳатто, айтиш мумкинки, радикал таъриф излаган. Ал-Мотуридий, аксинча, бошқа нарсага интилган. У айнан шу радикалликдан қочишга ҳаракат қилган, чунки унинг мақсади — иложи борича кўпроқ жиҳатларни қониқтирувчи синтезга эришишдир».

Олтинчидан, Улрих Рудольф асарини ўқир эканмиз, наинки Мотуридий илоҳиёти, балки юртимиздан чиққан ва мерослари ҳанузгача кўпчиликка маълум бўлмаган яна кўплаб алломалар фаолияти билан ҳам танишамиз. Имом ал-Мотуридийнинг устозлари — Абу Бакр ал-Жузжоний, Абу Наср ал-Иёдий, шогирдлари — Абу Аҳмад Наср ал-Иёдий, Абулҳасан ар-Рустуффаний, шунингдек, Абу Бакр ас-Самарқандий, Макхул ан-Насафий, Абулмуъин ан-Насафий, Абулйуср ал-Паздавий каби олимлар ҳақидаги маълумотлар шулар жумласидандир.

Умуман, «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» асарининг ўзбек тилида нашр этилиши маънавий ҳаётимиздаги эътиборга молик ҳодиса. Зеро, у мусулмон илоҳиёти бўйича она тилимиздаги биринчи жиддий нашр сифатида соҳа мутахассислари учун муҳим қўлланма вазифасини ўтайди. Нашрнинг масъул муҳаррири профессор Зоҳидулла Мунавваров таъбири билан айтган-

да: «Динни илмий асосда чуқур биладиган кадрлар тизими яратилаётган бугунги шароитда дунёвий билимлар ва диний маърифат синтезини ўзида мужассам этган ушбу китобнинг бундай мутахассис-кадрлар тайёрлашда алоҳида аҳамият касб этишига шубҳа йўқ».

Мазкур асар таржимаси нашрининг тақдимот маросимида сўзга чиққан Фридрих Эберт жамфармасининг Марказий Осиёдаги ҳудудий вакили Винфрид Шнайдер – Детерснинг фикрича: «Ал-Мотуридий, профессор Улрих Рудольфнинг ўзи бизга батафсил маълумот берганидек, ўз таълимотида илоҳий нақлнинг инсоний ақл билан муросасига эриша олган. Нафақат ислом, балки христиан оламида ҳам дин билан ниқобланган номаълум кўринишлар кенг томир отаётган ҳозирги вақтда Мотуридий таълимоти минг йиллар илгаригидан ҳам кўпроқ аҳамият касб этади».

Зеро, Имом Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» асаридаги «Диний маърифатга ақл ва нақл билан эришилади» деган фикри калом илмида мотуридий таълимотининг ўзига хослигини таъминлаган муҳим назарий қарашдир. Демак, бугунги ёшлар дунёвий билимлар билан бир қаторда диний маърифатни ҳам эгаллашлари учун, муқаддас динимизни ўзининг тор манфаатлари, ҳою ҳавасларига эришиш воситасига айлантиришга уринаётган турли фирқалар қарашларига маҳлиё бўлмасликлари ва кўр-кўрона эргашмасликлари учун, биринчи навбатда, аждодлар меросидан, хусусан, Мотуридий асарлари моҳиятидан етарли даражада хабардор бўлишлари керак.

Ёшларнинг дин ҳақидаги тасаввурларини тўғри шакллантириш — бугунги куннинг долзарб вазифаси.

фаларидан. Инчунун, исломдаги фикҳий мазҳабларга, калом илмидаги икки асосий мактаб — мотуридия ва ашъарияга муносабат қандай бўлиши керак? Улардан бирига амал қилиш — иккинчисини инкор этиш деганими? Бундай ҳаётий саволларга жавоб топиш, энг аввало, теран билим, юксак тафаккур, холис нуқтаи назарни тоқозо этади. Аждодларимиз ҳам ўз даврида бу каби саволларга жавоб излаганлар. Қолаверса, бу саволлар фақат назарий моҳиятгагина эга эмас. Уларнинг амалий аҳамияти янада муҳим.

Олмон олими Улрих Рудольфнинг «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» номли китоби худди шу мақсадга хизмат қилади ҳамда ўзбек олимлари томонидан яратилажак янги тадқиқотлар учун муҳим манба вазифасини ўтайди, деб умид қиламиз.

ҲАДИСЛАРДАН ТАРАЛГАН ЗИЁ

Аждодларимиз яратган тенгсиз обидалар ҳақида ўйлаганда Абдулла Ориповнинг:

Минорлар эмас, бу — фалакка қасам,
Қасоскор боболар кетмишлар санчиб, —

деган шеърӣ сатрлари беихтиёр хаёлга қуйилиб келаверади.

Дарҳақиқат, бизга шонли ўтмишимиздан мерос бўлиб қолган тенгсиз обидалар аждодларимизнинг ақли, тафаккури, маънавий даражаси нечоғлиқ юксак бўлгани далилидир. Орадан неча асрлар ўтган бўлса-да, ушбу обидалар наинки миннатдор авлодларни, бутун инсониятни — Мағрибу Машриқ аҳлини ҳайрат денгизига чўндириб келмоқда. Замонлар ўтиши билан Соҳибқирон бобомизнинг

Биз кимларнинг ворисимиз?

«Агар бизнинг қудратимизга шубҳа қилсанг, қурган иморатларимизга боқ!» деган улуғвор хитоби замиридаги ҳақиқат тобора ўз тасдиғини топмоқда.

Бундан қарийб йигирма беш йил муқаддам, бегона юртда ҳарбий хизматни ўтаётган пайтимда, она-юртимиз, унинг бебаҳо ёдгорликлари ҳақида, аждодларимизнинг тенгсиз салоҳияти тўғрисида сўзласам, бир зобит: «Аждодларинг зўр бўлгандир, эҳтимол, лекин сен-чи? Уларнинг бугунги авлодлари-чи? Сен ўтмиш ҳақида эмас, бугун ва келажак тўғрисида гапир!» дея истехзо қилган эди. Мен унга: «Томирларида ўша буюк боболар қони оқаётган авлодлар ҳам кам бўлмайди!» дея жавоб берган ва ёш қалбимдан отилиб чиқаётган тугённи аранг жиловлаган эдим. Юрагим ҳақсизликнинг оғир юкидан изтиробга тушган эди ўшанда.

Яратганга шукрлар бўлсин, у кунлар ортда қолди. Бугун баралла «Эй инсонлар, эй жаҳон аҳли, келинг соҳибқирон Амир Темур юртидаги бунёдкорлик ишларини кўринг, ҳавас қилинг!» дея бонг ургинг келади. Дарҳақиқат, бугун миллий истиқлол шарофати билан юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётганига бутун дунё гувоҳ. Мустақилликнинг ўтган ўн саккиз йили давомида Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мотуридий, Ал-Фарғоний, Соҳибқирон Амир Темур ва бошқа кўплаб улуғларимизнинг муборак номлари, бебаҳо илмий мероси халқимизга қайтариб берилди. Уларнинг шаънига муносиб обидалар қад ростлади. Буюк аждодларимиз қолдирган боқий меросни ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. Бундай хайрли ишларни санаб адоғига етиш қийин. Биргина Имом ал-Бухорий масжид-маж-

муасини олайлик. Унинг тарихи ва бугунги даражасини қиёслашнинг ўзиёқ истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорликнинг улкан аҳамиятини чуқур англаш, теран ҳис этиш имконини беради.

Чор Россияси юртимизни босиб олар экан, мустамлакачилар бу ерда ўзларидан бир неча баробар юксак маданият соҳиби бўлган бир миллатга дуч келдилар. Рус академиги В.Бартольд ўзининг «Туркистон сафари ҳақида ҳисобот» номли аса-рида «... биз шу пайтгача маданий савияси ўзимиздан паст бўлган халқларнинг ерларини босиб олгандик. Туркистон мисолига эса тамоман тескари ҳолатга дуч келиб турибмиз. Туркистонликлар бизнинг ҳарбий устунлигимизга тан беришди, аммо маънавий жиҳатдан бизни тан олишгани йўқ», — деб ёзган эди.

Энди бу миллат устидан чинакамига ҳукмронлик қилиш учун уни маънавий меросидан узоқлаштириш, қалбига эса қуллик психологиясини жойлаш зарур эди. 1909 йили Туркистон генерал-губернатори А.Самсонов Самарқанддаги тарихий ва меъморий ёдгорликларни кўриш учун келади. Саёҳат сўнгида археолог В.Вяткин бу ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш учун маблағ ажратишни илтимос қилади. Генерал буни кескин рад этиб: «Энг яхшиси, тўртта артиллерия взводини олиб келиб, бу вайроналарни текислаб ташлаш керак», — дейди.

Кейинроқ генерал-губернатор Самсоновга яна шундай илтимос қилинганда «Бу обидалар қанчалик тез вайрон бўлса, биз учун шунча яхши», — дея жавоб беради.

Шўролар замонида ҳам маданий ёдгорликлари-

Биз кимларнинг ворисимиз?

мизга бўлган муносабат шу тарзда давом этди. Ҳатто, бундан ҳам ёмонлашди. Аждодлар мероси бўлган бу обидалар, жумладан, Имом ал-Бухорий зиёратгоҳи ҳам ахлатхонага айлантирилди. Баъзи ёдгорликларда чўчқа ва бошқа турли ҳайвонлар боқилди. Мақсад ўша-ўша эди: халқни, миллатни ўз шонли ўтмишидан айириш, аждодлари кимлар бўлганини билмайдиган ва ҳатто бу ҳақда ўйлаб ҳам кўрмайдиган манқуртлар гуруҳини шакллантириш.

Аллома юбилейи нишонланиши арафасида матбуотда шарқшунос У. Уватовнинг «Тикланган қадр» номли мақоласи эълон қилинди. Унда ёзилишича, 1956 йили Ливандаги Тароблус шахрининг муфтийси, ўша пайтдаги Ливан парламенти аъзоси, олим ва давлат арбоби Надим ал-Жиср собиқ советлар мамлакатига расмий сафар билан келади. Москвада унга қачон қаерларда бўлиши ҳақидаги дастурни беришганида у мазкур дастурга қарашни ҳам лозим кўрмайди ва фақат бир сўзни такрорлайди: «Мен Имом ал-Бухорий мақбарасини зиёрат қилмоқчиман. Биринчи навбатда ўша ерга олиб боринглар». Халқаро нуфузли меҳмоннинг сўзини икки қилолмаган шўро маъмурлари ноилож Тошкентга сим қоқишга мажбур бўладилар. Бу ёқдан Имом ал-Бухорийнинг қабри хорижлик меҳмонга кўрсатадиган даражада эмаслиги, ҳароба аҳволда экани ҳақида хабар берилади. Москвадан тезда қабр атрофини эпақага келтириш ҳақида фармон бўлади. Меҳмонни эса орадан бир-икки кун ўтиши, бу орада бу ёқдаги ишларга улгуриб олиниши назарда тутилиб, поездда олиб жўнайдилар. Унинг зиёратга келишини ҳам атайин тонг қоронғисига мўлжаллайдилар. Қабр атро-

фини трактор чироқлари ёритиб турар, унинг ёруғида майдоннинг фақат булдозерлар текислаган қисмигина кўриниб турарди.

Мазкур мақолада ёзилишича, тонг қоронғисида келиб, ёруғ тушмасдан қайтиши мўлжалланган меҳмон Надим ал-Жиср чўкка тушиб Қуръони карим оятларини тиловат қила бошлайди ва бу ҳолат то пешингача давом этади... Меҳмон раҳбариятга учраб, Имом ал-Бухорийнинг муборак хоклари ётган тупроқни ўша тупроқ оғирлигидаги олтинга сотиб олишга тайёр эканини айтади...

«Имом ал-муҳаддисин» (Ҳадис олимлари пешвоси), «Амир ал-муъминин фил-ҳадис» (Мўминларнинг ҳадис илми борасидаги раҳнамоси) унвонларининг соҳиби, мусулмон оламида Қуръондан кейинги иккинчи манба ҳисобланган «Саҳиҳ ал-Бухорий» асарининг муаллифи Имом Исмоил Бухорийнинг муборак хоклари ётган замин яқин ўтмишда ана шундай аҳволда бўлган.

Ҳолбуки, Имом Бухорий илмий меросини англамай туриб, маърифат ҳақида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Бинобарин, ҳадис илмининг пешвоси Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн ал-Бухорийнинг пайгамбаримиз Муҳаммад Мустафо саллоллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларини тўплаш, ўрганиш ва авлодлар мулкига айлантиришдаги хизматлари буюқдир.

Имом Бухорий 194 ҳижрий, 810 милодий йилда Бухоро шаҳрида таваллуд топган. Болалигида ноқ ҳадисларни ёд ола бошлаган олимнинг қувваи ҳофизаси шу қадар кучли бўлганки, бу ҳақда таниқли муҳаддислардан Ҳошид ибн Исмоил ибн Исо ал-Ғаззол қуйидагиларни ёзган: «Имом ал-Бухорий ўспирин чоғимда биз билан бирга Басра машойхларидан ҳадислар эшитарди. Ҳаммамиз ус-

тозлардан эшитганларимизни ёзиб олардик, Ал-Бухорий эса ҳеч нарса ёзмасдан фақат тинглаб ўтирарди. Шу тариқа ўн олти кун ўтгач, у биздан: «Назаримда кўп ҳадис ёзиб юбордиларинг, қани, менга ёзганларингни кўрсатинглар-чи? — деб қолди. Ҳисоблаб кўрсак, ўн беш мингдан ортиқ ҳадис ёзиб олган эканмиз. Шунда Ал-Бухорий уларнинг ҳаммасини ёддан айтиб бердиларки, ҳатто устозлардан ёзиб олган ҳадисларимиздаги йўл қўйилган хатоларни унинг ёддан айтганларига қараб тузатиб ҳам олдик».

Имом ал-Бухорий бутун умрини ҳадис илми ривожига бағишлади. Унинг 7275 та энг ишончли, энг мўътабар ҳадисларни жамлаган «Ал-Жомий ас-саҳиҳ» асари бутун Ислом оламида маълум ва машҳурдир. Бу ҳадисларнинг саҳиҳ (ишончли) экани шундаки, Ал-Бухорий ҳазратлари дунё кезиб, ҳадислар тўплаган ва олимлар тасдиғидан ўтказгандан сўнггина уларни китобга киритган.

Ривоят қилишларича, Имом ал-Бухорий қайси бир мамлакатда биргина ҳадисни биладиган киши борлигини эшитсалар ҳам албатта ўша кишини излаб топиб, у айтган ҳадисни ёзиб олар эканлар. Бир сафар узоқ жойда бир киши битта ҳадисни билар экан деб эшитиб, ўша кишининг ҳузурига йўл олибдилар. Борсалар, у одам тўнининг этагини тутиб, отини чақираётган экан. Қарасаларки, унинг этагида ем йўқ — отни ушлаш мақсадида шундай ҳийла ишлатган. Шунда ал-Бухорий ҳазратлари «Шу тилсиз жониворники алдаган кишининг ривоят қилган ҳадиси ишончли бўлармиди?» — дея қайтиб кетган эканлар. Бу шундан далолат берадики, «Ал-Жомий ас-саҳиҳ»даги ҳадиси шарифлар юксак илму тафаккур, машаққатли

меҳнат, чексиз фидойилик эвазига тўпланиб, китоб қилинган.

Манбаларда Имом ал-Бухорийнинг илм толибларига кўп эҳсон кўрсатгани, фазлу карами чексиз буюк инсон бўлгани зикр этилади. Чунончи, Муҳаммад Жамолуддин ал-Қосимийнинг «Имом ал-Бухорий» асарида (Убайдулла Уватов таржимаси) қайд қилинишича, «Кунлардан бир куни имом ал-Бухорийга Абу Хафс жўнатган молни келтирадилар. Ўша куни кечқурун баъзи тижорат аҳллари унинг ҳузурига келишиб, ўша молни беш минг дирҳам фойдаси билан ўзларига сотишларини сўрайдилар. Шунда ал-Бухорий уларга: «Тонг отгунча сабр қилинглар!» — дейди. Эртасига унинг ҳузурига бошқа савдогарлар келиб, ўша молни ўн минг дирҳам фойда бериб сотиб олишларини билдирадилар. Имом ал-Бухорий уларга рад жавоб қилиб: «Мен кеча сиздан олдин келганларга бу молни беш минг дирҳамга беришни аҳд қилгандим», дея молни уларга беш минг дирҳамга бериб юбориб: «Мен ўз аҳдимга хилоф иш қилишни хуш кўрмайман», — дейди. Имом ал-Бухорий ана шундай аҳдига вафодор, ҳақиқий инсон бўлган.

Манбаларда зикр этилишича, Имом ал-Бухорий ҳазратлари тўплаган жами ҳадислар олти юз мингтани ташкил этади. Шулардан юз минг саҳиҳ ва икки юз минг ғайри саҳиҳ ҳадисни ёд билган. Имом ан-Нававий ҳазратлари марҳамат қиладиларки: «Икки шайх — Имом ал-Бухорий ва Имом Муслим ибн ал-Ҳажжож «Имом ал-муҳаддисийн», яъни муҳаддислар имоми, пешвосидирлар». Уларнинг ушбу юксак унвонга муносиб кўрилишининг бош сабаби — ҳар иккалаларининг ўта диёнатлиги ва зоҳидлиги, саҳиҳ ҳадисларни аниқлаш ва

тўплашдаги улкан саъй-ҳаракатлари ва улардан кейин ишонарли ҳадисларни тўплаб, асарлар ёзган барча муаллифларнинг уларга тақлид қилганидир.

Машҳур аллома Жалолиддин ас-Суютий бундай ёзган: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васаллам: «Оллоҳим, менинг халифаларимга раҳм этгин!» — деганларида, «Сизнинг халифаларингиз кимлар?» — деб сўраганлар. Шунда у зоти шариф: «Улар мендан кейин келиб, менинг ҳадисларим ва суннатларимни ривоят қиладиганлар», — дедилар. Ас-Суютий айтади: «Муҳаддисга «амир ал-муъминин» деб лақаб берилиши мана шу ҳадис сабабидан олинган. Шу боис бу унвон билан бир гуруҳ муҳаддислар аталган бўлиб, улар — Суфён, Ибн Роҳвайх, Ал-Бухорий ва бошқалар».

Ал-Бухорий ҳазратлари ҳадис ва бошқа илмлар бобида минглаб шогирдларнинг устозидир. Муслим ибн ал-Ҳажжож, Исо ат-Термизий, Ан-Насоий, Абу Зуръа, Юсуф ал-Форобий, Абу Бакр ибн Ҳузайма каби машҳур муҳаддислар шулар жумласидандир.

Бундан ташқари Имом ал-Бухорий фикҳ (ислом қонуншунослиги), исломий маросимлар, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия масалаларига бағишланган йигирмадан ортиқ асарлар битган.

Имом ал-Бухорий ва шогирдларининг заҳматли меҳнатлари, саъй-ҳаракатлари боис пайғамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифлари бизнинг давримизгача етиб келди ва халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Ҳазрат ал-Бухорий ва унинг издошлари тўплаган ҳадиси шарифлар мудом шуурларга маърифат нурини, кўнгилларга иймон, эътиқод зиёсини улашаётгани бунинг ёрқин исботидир.

Яратганга шукрлар бўлсинки, мустақилликка эришгач, миллий ўзликни англашга интилиш кучая борди. Буюк аллома тўплаган ҳадислар мажмуи — «Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» ҳозирги ўзбек тилига таржима этилди. Тўрт жилдлик ҳадислар тўпламининг она тилимизда кўп минг нусхада нашр қилиниши миллий маънавиятимиз тарихида чинакам улкан ҳодиса бўлди.

1997 йил 29 декабрда ҳукуратимиз Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллигини муносиб нишонлаш, аллома меросини ўрганишга бағишланган халқаро илмий анжуман ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди. Юртбошимизнинг шахсий ташаббуси ва ташкилотчилигида Имом ал-Бухорий мақбараси ўрнида миллий меъморчилигимиз анъаналарига мос, замон талаблари даражасидаги обида — масжид-мажмуа қуриб битказилди. Ушбу масжид-мажмуа маҳобати узоқ давом этган мустамлака тузуми даврида ҳам миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган бунёдкорлик туйғуси, яратувчанлик иштиёқи асло сўнмаганига ёрқин далилдир. Бу обида томиримизда бунёдкор аждодлар қони оқаётганлигини яна бир бор исботлади.

1998 йил 23 октябрда ушбу масжид-мажмуа очилиш маросимида Президент Ислон Каримов бундай деди: «Биз эски тузум, эски мафкура зуғумидан халос бўлгач, ўзлигимизни, қандай улуг инсонларнинг авлоди эканимизни англаш, миллий қадриятларимизни тиклаш йўлида тарихда из қолдирадиган кўпгина хайрли ишларни амалга оширдик.

Шулар қаторида озодлигимизнинг дастлабки йиллариданоқ биз Имом ал-Бухорий мақбарасини ул зотнинг шаън-шавкатига муносиб, ён-атрофи мунаввар гўшага, зиёратга келган мўъмин-му-

Биз кимларнинг ворисимиз?

сулмонларга руҳий-маънавий куч ато этадиган қадамжого айлантиришни ният қилган эдик.

Аллоҳнинг инояти билан эзгу ниятимиз ижобат бўлган шу қутлуғ кунда мен бу муаззам ёдгорлик мажмуининг шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодимизни эзгулик руҳида тарбияладиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган азиз маскан бўлиб қолишига ишонман».

Шундай бўлди ҳам. Эзгу ният билан ташкил этилган Имом ал-Бухорий халқаро жамғармаси мазкур ёдгорлик мажмуида ўзбек халқ қўлёзма мероси миллий маркази ва эсдаликлардан таркиб топган музей фаолиятини йўлга қўйди. Ушбу музейда сақланаётган энг мўътабар экспонат, шубҳасиз, Президент Ислом Каримовга Саудия Арабистони Подшоҳи Фаҳд ибн Абдулазиз томонидан 1992 йилда тақдим этилган каъбапўшдир.

Бундан ташқари, 1954 йили юртимизга ташриф буюрган Индонезия Президенти Сухарто тақдим қилган гилам, 1970 йили Марокаш Президенти Ҳасан II томонидан совға қилинган қандил, шунингдек, Покистон, Иордания Ҳошимийлар подшоҳлиги, Малайзия, Саудия Арабистони каби 15 га яқин давлат раҳбарлари тақдим қилган сержило безаклар билан нашр этилган Қуръони карим нусхалари ва бошқа ноёб китоблар музейнинг чинакам маърифат масканига айланаётганини кўрсатади.

«Имом ал-Бухорий сабоқлари» журналида ёзилишича, Саудия Арабистонида яшаётган ватандошларимиз ҳам ушбу даргоҳнинг бойитилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Улар томонидан ёдгорлик

мажмуига совға қилинган Каъбатуллоҳнинг олтин дарвозасининг нухаси ҳам музейдан ўрин олган бўлиб, унга тилла суви билан ишлов берилган.

Имом Бухорийга ва унинг бебаҳо меросига кўрсатилаётган бундай эҳтиром миллат маърифатини юксалтиришга бўлган кучли интилиш самарасидир.

ИСЛОМИЙ ИЛМЛАР ПЕШВОСИ

Илмнинг, олимликнинг шарофати улuf. Илм ўз соҳибининг номини юксакларга кўтариш баробарида, у туғилиб ўсган заминни ҳам шарафларга буркайди. Шайх ул-ислом Имом Бурҳониддин Марғинович худди шундай алломалар сирасига киради. Унинг асл исми Али ибн Абу Бакр бўлиб, Бурҳониддин унвонидир. «Бурҳониддин» – диннинг ҳужжати, далили маъноларини билдиради. Шунинг ўзиёқ алломанинг ўша давр оимлари томонидан эътироф этилганини кўрсатади. «Шайх ул-ислом», «Имоми ҳумом» каби нисбалар ҳам унинг илму маърифатда камолот соҳибни эканига далилдир. У фақиҳ, ҳофизи каломуллоҳ, муфасссир, муҳаддис, шариат илми сирларини мукамал эгаллаган нодир аллома эди.

Бурҳониддин Марғиновичнинг «Ҳидоя» асари қарийб тўққиз асрдирки, бутун ислом дунёсида қонуншунослик борасида дастурамал бўлиб келмоқда. «Шубҳасиз, «Ҳидоя» номли китоб ўзидан олдинги уламоларнинг фикҳга доир ёзган ҳеч бир китобига зарурат ва эҳтиёж қолдирмагандир». Ўша давр алломаларидан бирининг ушбу эътирофи ҳам бу мўътабар асарнинг аҳамиятига далилдир.

Шайх ул-ислом Бурҳониддин Марғиновичнинг

Биз кимларнинг ворисимиз?

шогирдларидан Имом Имоуддиннинг «Ҳидоя»га ёзган мадҳиясида шундай мисралар бор:

*«Ҳидоя» ўзини англаганларни ҳидоятга эргаштирган,
Кўрликни (жаҳолатни) бартараф этган бир китобдир.
Шундай экан, эй соғлом фикр соҳиби бўлган киши,
Унга ёпиш ва уни ҳеч ташлама.*

*Кимки унга етишиб, қўлга киритса,
Амалларнинг энг юксагига етишган бўлади.*

«Ҳидоя» форс, рус, инглиз ва жаҳоннинг бошқа кўплаб тилларига бир қанча марта таржима қилинган. Араб тилидаги асл матни ва таржималари қайта-қайта нашр этилган. Шунинг ўзиёқ ушбу асарга бўлган эҳтиёж ҳар доим ҳам катта бўлганини кўрсатади.

Турк олими Аҳмад Мейлоний «Ал-Ҳидоя» муаллифининг ҳаёт тарихчаси» номли асарида Бурҳониддин Марғинонийнинг нечоғлиқ пок, қилган амалларига заррача риё аралаштирмайдиган тақво соҳиби бўлганини кўрсатувчи бир далил келтиради. Унда ёзилишича, аллома «Ҳидоя»ни ўн уч йилда ёзиб тамомлаган. Бу узоқ муддат давомида у рўзадор бўлиб, бирор кунини рўзасиз ўтказмаган. Лекин риё бўлмасин учун рўзадорлигини ҳеч кимга билдирмаган. Ҳатто хизматчи таом келтирганда унга: «Қўйиб кетавер» деб, хизматчи кетгач, таомни ё талабаларидан бирига ёки бошқа бирор кишига едирган. Кайтиб келганида бўш идишни кўрган хизматчи таомни алломанинг ўзи тановул қилган, деб ўйлар экан.

Имом Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя»дан ташқари «Нашр ул-мазҳаб», «Китобу таносуки-л-хос» ёки «Маносику-л-ҳаж», «Китоб фи-л-фароиз» («Мерос масалари ҳақида китоб») ва бошқа

ўнлаб асарлар ёзган. Алломанинг асарлари ислом ҳуқуқшунослигининг барча жабҳаларини қамраб олгани, келтирилган далилларнинг кучлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

Бурҳониддин Марғинонийнинг бешта фарзанди бўлиб, уларнинг барчалари илм-маърифатда юксак мақомга эришган. Алломанинг юзлаб шогирдлари устозлари ишини муносиб давом эттирган.

Бугун миллий истиқлол шарофати билан бошқа кўплаб алломалар қатори Бурҳониддин Марғинонийнинг муборак номи юзага чиқди. Олимларимиз томонидан алломанинг шоҳ асари «Ҳидоя»нинг ўзбекча таржимаси чоп этилди. Улуғ мутафаккир меросини тадқиқ этиш, оммалаштириш борасида ҳам муайян натижаларга эришилди. Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги халқаро миқёсда кенг нишонлангани бу борада улкан қадам бўлди.

Муборак ҳадиси шарифлардан бирида зикр этилишича: «Илм ўз соҳибига дунёда иззат, охирада эса шараф келтиради». Бугун ушбу ҳақиқатга шайх ул-ислом Бурҳониддин Марғиноний мисолида ҳам гувоҳ бўлиб турибмиз. Орадан қарийб 900 йил вақт ўтган бўлса-да, улуғ алломанинг маърифат зиёси қалбларни нурафшон этиб келмоқдаки, бу биз авлодларга мутафаккир аждодларимизга муносиб бўлиш масъулиятини юклайди.

ТАРИҚАТ ҚУТБИ

Эл қадри қачон баланд бўлади? Миллат қай ҳолда юксак тараққийга эришади? Қачонки улуғларни эъзозласа, уларнинг дунё матоҳи билан ўлчанмайдиган бебаҳо меросини ўрганиб, ҳаётга

Биз кимларнинг ворисимиз?

татбиқ этса. Кеча, мустабид шўролар замонида биз шундай имкониятга эга эдикми? — Йўқ. Ўша даврда Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ёки Хожа Аҳрор Валий мероси ҳақида ҳаққоний сўз айтиш, ёзиш имкони бормиди бизда? Албатта, йўқ эди. Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги муносиб нишонлангани, худди шу жиҳатдан, айрича аҳамиятга эга.

Бу улуғ мутафаккир номини халқимиз, миллатимиз хотирасидан ўчириш, уни ёмонотлиқ қилиш учун нималар қилинмади дейсиз! Ёлғонга таянган «илмий» рисоалар, бўҳтонга асосланган бадий «асар»лар, ҳақиқатга зид тарғиботлар.... Буларнинг ҳеч бири халқнинг Хожа Аҳрор Валийга бўлган ҳурматини заррача бўлсин пасайтира олмади. Уни зиёрат этишдан элни ҳеч бир куч тўхтата олган эмас. Сабаб нима? Бу сабаблар, фикримизча, қуйидагиларда кўринади.

Биринчидан, улуғ шайх умр бўйи мазлумларга шафқат кўргузмакни ҳаётий аъмоли деб билди. Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»даги «Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг мутааллиқларига-ким, бурун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлурлар эди» деган эътирофи ҳам бунга далил.

Манбаларда зикр этилишича, Хожа Аҳрор Валий беқиёс мол-мулк соҳиби бўлса-да, дунёга заррача муҳаббат қўймаган. Мол-дунёни эл-юрт манфаати учун сарф этмоқни ўз бурчи деб билган. Жумладан, Умаршайх Мирзо Шош аҳолисидан 250 минг динор солиқ талаб қилганида Хожа Аҳрор Валий бу солиқнинг ҳаммасини ўз маблағи ҳисобидан тўлаб юборади. Бугина эмас. Яна 70 минг

динорни эл манфаатини ўйлаб, солиқчиларга топширади. Худди шу мақсадда Султон Аҳмад Мирзо хазинасига 10 минг динор беради. Бу барча замонлардаги дунёдорларга, жумладан, бугунги мулкдорларимизга ҳам ўрнак эмасми? Ахир бугун ҳам бойлар кам эмас. Улар орасида саховатлилари ҳам бор. Лекин топган пулини ҳавои нафс йўлида сарфлаётганлар ҳам, афсуски, мавжуд. Улар Хожа Аҳрор Валийдан ўрнак олсалар, бундан жамият ютади. Ўзларининг ҳам яхши ном қолдиришига сабаб бўлади.

«Агар биз шайхликни бўйнимизга олсак эди, унда бошқа биронта шайх мурид топа олмасди, — дейди Хожа Убайдуллоҳ. — Аммо бизга бошқа масъулият, яъни мусулмонларни золимлар зулмидан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Ана шуни амалга ошириш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида подшоҳлар билан мулоқотда бўлиб туриш, уларнинг ишончини қозониш лозим... Агар машойихлар ўз вақтларини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар, биз фуқаро учун ўз вақтимизни аямаймиз».

Ҳақиқатан ҳам, Хожа Аҳрор Валий мазлумлар ҳимояси йўлида жуда кўп ҳаракат қилди. Замон подшоҳлари билан мулоқотлар олиб борди. Фуқаро манфаати учун азиз вақтини аямади. Халқнинг унга бўлган ихлоси ва ҳурматини, аввало, шунинг жавоби, дейиш мумкин.

Иккинчидан, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор Валий ўз замонида жуда кўп урушларнинг олдини олди. Жанг майдонида бир-бирининг қонини тўкишга шайланиб турган қўшинлар унинг шарофати билан ўзаро сулҳ тузиб, одамқушлик олди олинган ҳоллар жуда кўп бўлган.

Учинчидан, улуг шайх илм-маърифат ривожи учун бениҳоя аҳамиятли ишларни амалга оширди. Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарида ёзилишича: «Хожа Аҳрор билим эгаларини севар, мажлиси ҳамиша олимлар билан тўлиқ бўлар эди. Шу сабабдан илм аҳллари учун у ерда бир олий мадраса солдирди». Хожа Аҳрор Валий ҳақида эътиборли тадқиқотлар олиб борган олим академик Ботирхон Валихўжаев бу мадрасанинг Самарқанддаги «Мадрасаи сафед» эканини таъкидлайди.

Бундан ташқари, мазкур манбада шайхнинг илм аҳли манфаатини ўйлаб, Тошкент ва Кобулда ҳам мадрасалар қурдиргани ҳақида маълумот берилади.

Тўртинчидан, Хожа Аҳрор Валий ўзидан қиматли илмий-адабий мерос қолдирди. Унинг «Фикрот ул-орифин», «Рисолаи волидия» ёки «Мухтасар», «Рисолаи ҳавроия», «Руқаот» («Мактублар») каби асарлари инсоннинг зоҳирий ва ботиний покликка эришуви, камолоти сирлари ҳақида баҳс юритилгани билан аҳамиятли.

«Рисолаи волидия» — Ҳақ таоло маърифати ва зикри хусусида. Насрда битилган бу асарни Заҳриддин Муҳаммад Бобур 1528–1529 йилларда ўзбек тилига шеърий таржима қилган. Бобурнинг ўз эътирофича, ўшанда офир бетоб ҳолида ушбу асарни таржима қилган. Таржима интиҳосига етиши биланоқ дарддан халос бўлган. Бу авлиёуллоҳларнинг каромати улар вафотидан кейин ҳам давом этиши ҳақидаги Имом Мотуридий фикрлари нечоғлиқ ҳақ экани тасдиғидир. Бинобарин, Абул Фазл Алломий «Рисолаи волидия» асарини «Маърифат денгизининг дурдонаси» деб бежиз айтмаган кўринади.

Қуйидаги насиҳатлари ҳам Хожа Аҳрор Валий-

нинг чинакам улуғ мутафаккир эканига далолат қилади:

– *Айтур эргиларким: менинг сизларга дунёни манъ этишим дунёни сизлардан дариф тутиш маъносига эмас. Балки сизларни дунёдан асрамоқ маъносигадир. Чунки одам шунчалик улуғворлиги билан ўз вақтини арзимас нарсалар учун зое қилмоғига ҳайфим келади.*

– *Золимлар ва жабр қилувчиларга барҳам бериш борасида ҳиммат қилмоқ лозимдир.*

– *Илмни дунё (мол-мулк) орттириш ва мансаб эгаллаш учун хизмат қилдиргувчи олимлардан узоқ бўлмоқ керак.*

Хожа Аҳрор Валийни ўзларига маънавий раҳнамо, пир деб билганлар орасида Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби сиймоларнинг борлигиёқ бу улуғ алломанинг даражаси нечоғлиқ улуғлиги исботидир. Зеро, Абдураҳмон Жомий уни «Каъбаи мақсуд» деб билса, ҳазрат Навоий «тариқат қутби» дея таърифлайди.

Хожа Аҳрор Валий таваллудининг 600 йиллиги нишонланиши улуғ шайх мероси ҳақида янги-янги тадқиқотлар яратилишига, у ҳақдаги билимларимиз бойишига сабаб бўлди. Натижада, биз «Каъбаи мақсуд»га яқинлашгандай бўлдик, қалбларимиз маърифат нуридан янада ойдинлашди.

МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗ ҚУЁШИ

Ҳазрат Навоийнинг назмий ва насрий мероси, тарихий ва илмий асарлари хусусида кўп ва хўп ёзилган. Лекин унинг шахс сифатидаги фазилатлари етарли даражада тадқиқ этилган эмас. Ваҳо-

ланки, ул зотнинг сийратлари бугунги авлод учун ҳам ҳар жиҳатдан ибратли.

Ҳазрат Навоий ўз замонида «Низом ул-миллати вад-дин» («Миллат ва диннинг низоми») дея эътироф этилган. Бу бежиз эмас. Зеро, у шундай қуёшдирки, олам қуёши зулматни ёруғликка айлантиргани каби Навоийнинг маърифат зиёси кўнгилларни ғуборлардан поклайди. Унинг файзбахш нурларидан баҳраманд бўлгандагина камолот ниҳоли гуллаб-яшнайди. Ундан бебаҳралик эса ўзига жаҳолат зулматини раво кўриш билан баробар.

Назаримда, бунда биринчи навбатда, улуғ мутафаккир ҳаёти, унинг инсоний фазилатлари, амалга оширган эзгу ишлари хусусида кўпроқ маълумотга эга бўлишнинг аҳамияти чексиздир. Чунки ижодкорнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида теран билимга эга бўлмаган мутахассис ҳам унинг асарлари моҳиятини тушунмайди ва табиийки, ўзгаларга ҳам тушунтира олмайди.

Шундан келиб чиқиб, машҳур тарихчи, ҳазрат Навоийнинг шогирди, улуғ шоир кутубхонасининг мудири Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғли Хондамирнинг «Макорим ул-ахлоқ» асаридаги баъзи маълумотлар моҳиятига назар солмоққа эҳтиёж сезилади. Асар бошдан охир ҳазрат Навоийнинг инсоний фазилатлари, мукамал ахлоқи, комил сийрати баёнига бағишланган. Энг муҳими, Хондамир бу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган. Уларнинг бевосита иштирокчиси бўлган.

Хондамир Навоий ҳақида ёзар экан, мана бундай фикрларни баён қилади: «Ҳеч қачон муборак қалбларига фоний дунё молига муҳаббат ғуборини, бу жаҳон ашёсига қизиқиш гардини юқтирмаган эди». Таъкидлаш жоизки, бу хусусиятни ҳаз-

рат Навоий асарлари мутолаасидан ҳам пайқаш мумкин. Бинобарин, улуғ мутафаккир назарида, инсоннинг муҳаббати дунё ашёларига эмас, балки уларнинг яратгувчисига бўлмоғи керак. Кимки дунё молига муҳаббат қўйса, ундай одам на ўзига, на жамиятга манфаат етказади.

Инсониятнинг аввалидан бошлаб дунёга келган тафаккур соҳиблари илмнинг жамият тараққиёти ва инсон камолотидаги чексиз аҳамиятини алоҳида таъкидлаганлар. Бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Лекин илм ҳам дунё молини тўплаш, мансаб-мартаба орттириш манбаига айланса, жамиятга ундан фойда ўрнига зиён келиши мумкин. Демак, юксак аҳамиятидан қатъи назар, нимаики тор манфаат воситасига айланса, ундан ҳеч қандай наф бўлмайди. Бу жиҳатдан ҳазрат Навоийнинг қуйидаги байти эътиборга моликдир:

*Илми ким воситаи жоҳ этар,
Ўзинию халқини гумроҳ этар.*

Кўринадики, ушбу байт мазмунини англаш, ундаги фикр моҳиятини тушунишда Хондамирнинг юқоридаги таърифидан хабардор бўлиш катта фойда беради.

Улуғ мутафаккир мансаб эгаси қандай фазилатлар соҳиби бўлмоғи лозимлиги, қандай хулқлардан йироқлашмоғи кераклиги тўғрисида ўз асарларида қимматли мулоҳазаларни илгари сурди. Энг эътиборлиси, ул зотнинг ўзи мазкур қоидаларга оғишмай амал қилди.

«Макорим ул-ахлоқ»да улуғ шоирнинг салтанатда юксак мартаба соҳиблари бўлган амирлар Хожа Афзалиддин Муҳаммад ва Хожа Шаҳобиддин Убайдуллога насиҳат йўсинида йўллаган мак-

Биз кимларнинг ворисимиз?

тубининг тўлиқ матни келтирилган. Ушбу мактубдаги мансаб-мартаба соҳибларига дастуруламал бўла оладиган қимматли мулоҳазалар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини заррача йўқотган эмас. Бобокалонимиз фикрича, «Пок ва улуғ Тангри давлат ва мартабани бахш этган ва подшога яқинлик шарафини марҳамат қилган кишилар» қўйидагиларни эсдан чиқармасликлари керак:

Биринчидан, «ўзларини ғурур ва ғафлатга солмасинлар, дунё ва охират зарарларини ўзларига раво кўрмасинлар». Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Навоий ижодини теранроқ ўрганиш масаласини кун тартибига қўйган Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси билан қилган суҳбатдаги мулоҳазалари ҳар жиҳатдан улуғ мутафаккир фикрлари билан ҳамоханг. Ўша суҳбатда Юртбошимиз шундай деган эди: «Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан».

Иймон-эътиқоднинг асоси бўлган ушбу ҳақиқатларни унутганлари боис ҳам баъзи амалдорлар, Навоий таъбирича, «ўзларини ғурур ва ғафлатга соладилар», Юртбошимиз сўзлари билан айтганда «оёқлари ердан узилади». Бинобарин, Навоийдан баҳрамандлик бундай салбий илатларга ўрин қолдирмайди.

Иккинчидан, мансаб соҳиблари «кучсизлар ва бўйсунувчиларга шафқат ва меҳрибонлик кўрсат-

синлар. Дили яралиларнинг жароҳатига мулойим сўзлар билан малҳам бўлсинлар».

Таъкидлаш жоизки, ҳазрат Навоий «Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон ўлса, обод айлагай» деган сўзларига ҳаётда ҳам тўлиқ амал қилган. Шоирнинг мазкур мисралари моҳиятини англаш учун ҳам ушбу тарихий маълумотлардан хабардор бўлиш зарур.

Хондамир ҳазрат Навоий ҳаётидан биз авлодлар учун ибратли бўлган шундай воқеани ҳикоя қилади: «Ҳидоят насабли Амир (Навоий)нинг ҳар кунги одатлари шу эдики, аср намозини адо қилгандан кейин намозда бўлмаганларни суриштирар, бетоб бўлганлар ёхуд ҳожатмандлар бўлса, улардан ҳол-аҳвол сўрар, беҳад меҳрибончиликлар кўрсатарди.

Бир кун бу одатларига хилоф равишда намоздан кейин тезлик билан ўзларининг хусусий боғчалари томонга йўлланди ва бирор жойда тўхтамади. Одамлар унинг бу ишидан ҳайрон бўлдилар.

Олий ҳазрат (Навоий) бу ҳолни шундай изоҳлади:

— Мен масжидга келаётганимда, фалон жойда таҳорат қилган эдим. Намоз сафида турганимда елкамда бир чумоли кўрдим. Билдимки, таҳорат қилган жойимда у менга илашган экан. Мабодо у менинг елкамдан тушиб, озор топса ва ўз уясининг йўлини тополмаса, шу сабабдан уволга қоларман, деб қўрқдим. Шунинг учун намоздан кейин тезлик билан таҳорат олган жойга бориб, уни ўз уяси олдига қўйдим, озор етказиш ташвишидан қутулдим.

Олий ҳазратнинг хизматидагилар бу ҳикояни

Биз кимларнинг ворисимиз?

эшитгандан кейин унинг гоят раҳмдиллигидан ҳайрат денгизига чўмдилар ва тилларини дуога ва раҳмат айтишга очдилар».

Мана, комил мусулмонлик! Бугун мусулмонликни дилзорликдан, ўз Ватанига, миллатига қарши фитна уюштиришдан иборат деб ўйлаётган, кимларнингдир манфаати учун ватандошларининг тинчлигини, осойишталигини бузаётган айрим ёшларимиз ҳазрат Навоийнинг комил ахлоқлари тўғрисидаги ушбу ҳақиқатлардан хабардор бўлганида шунчалик жаҳолатга борармидилар? Ваҳоланки, бизнинг аждодларимиз чумолига (!) озор етказишни ҳам оғир гуноҳ деб ҳисоблаган. Шундай экан, Навоий ижодини чуқурроқ ўргансак, унинг ҳаёт йўлидан ибрат олсак, унинг комил хулқи билан хулқлансак, ундаги фазилатларни ўзимизда тарбия қилишга интилсак, фақат ва фақат фойда кўрган бўлар эдик.

Ҳазрат Навоий:

*Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзингга кўпракдурур,—*

деб насиҳат қилади. Демак, ҳаётда бирор яхшиликка эришаман деган инсон халқ, Ватан ва миллат манфаатини ўйламоғи зарур.

Учинчидан, ҳазрат Навоийнинг фикрларича, мансаб соҳиблари «Подшоҳ давлати, халқ ва сипоҳ ишларини тузатиш борасидаги тўғри сўздан қўрқмасинлар ва айтаверсинлар». Бу фикр бугунги кун учун ҳам бениҳоя аҳамиятлидир. Бинобарин, бугунги ислоҳотлардан, ҳуқуқий-демократик жамиятни барпо этишдан кўзланган бош мақсад ҳам — шу. Давлатни бошқаришда наинки мансабдор, балки мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фаол ишти-

рок этмоғи зарур. Бунда сўз эркинлигининг аҳамияти катта. Улуғ мутафаккир ўғитлари бу жиҳатдан ҳам ҳаётийдир.

Тўртинчидан, ҳазрат Навоийнинг фикрларича, амалдорлар «Ярамасликлар натижасида одам болалари бошига нималар келганини унутмасинлар, ғурурлик майи билан ўзни маст ва беҳуд қилмасинлар».

Мансаб-мартаба инсонга муайян имкониятлар беради. Амалдорнинг бир оғиз сўзи билан кўпчиликнинг ҳожати битади ёки нотўғри хатти-ҳаракати боис аксарият одамлар жабр тортиши мумкин. Мансабдор буни унутмаслиги, беҳуда ғурурга берилмаслиги зарур.

Маълумки, ҳазрат Навоий ўз мансаб-мартабаларидан фақат ва фақат эл манфаати йўлида фойдаланган. Ўз шахсий бойликларини эл шодлиги ва мамлакат ободлиги йўлида ҳеч бир миннатсиз сарф этган. 60 дан зиёд бино ва работлар, 20 га яқин масжид-мадраса, 19 та ҳовуз, 16 та кўприк ва 9 та ҳаммом бино қилганлари «Макорим ул-ахлоқ»да алоҳида мамнуният билан қайд этилади. Улар ном-ном саналади. Хондамирнинг ёзишича, мамлакатдаги шунчалик юксак мавқеларига қарамай, «ҳар куни иш бошига ташриф қилар, кўпинча этакни бар уриб, мардикорлар қатори ишлардилар».

Хондамир ўзининг «Макорим ул-ахлоқ» асарига Навоийнинг олижаноб хулқи, элпарварлиги ҳақида эътиборли маълумотларни берди. Муаррихнинг ёзишича: «...дармондаларнинг куйган диллари унинг (Навоийнинг — Н.Ж.) шафқат шарбати билан ором олар ва ситам кўрганларнинг кўксиларидаги жароҳат марҳамат малҳамлари билан тузаларди».

Биз кимларнинг ворисимиз?

Асарда бу ҳақда аниқ ҳужжат ва далиллар асосидаги фикрлар келтирилган. Жумладан, ҳазрат Навоий қурдирган «Халосия» хонақоҳи ҳақида ёзар экан, тарихчи қуйидагиларни таъкидлайди: «У файзли жойда ҳар куни мингдан ортиқ заифалар ва мискинларни зиёрат қилиб, лазиз таомлар билан тўйдирилади. Ҳар йили муҳтожларга икки мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак, иштон, тақия, кафш улашилади».

Маълумки, ҳазрат Навоий нуфузли давлат арбоби, бобомерос мулк соҳиби эди. У ўз хусусий мулкани ҳам эл форовонлиги, юрт ободлиги йўлида сарфлади. «Шундай воқеалар ҳам кўп бўлганки, — деб ёзади Хондамир, — ҳазрат Соҳибқироннинг (Ҳусайн Бойқаронинг — Н. Ж.) девон кишилари баъзи бир зарур харажатлар учун халқ устига зўр маблағлар (оғир солиқлар) юкламоқчи бўлганларида, халқнинг қийналмаслиги ва бу ҳол салтанат тартибларига бузуғлик солмасин учун, у (Навоий) маблағларни ўз томонидан тўлаб юборарди».

Халқнинг қийналмаслигини ва салтанат тинчлигини ўз манфаатидан, шахсий бойликларидан устун қўйиш — барча замонлардаги мулкдорлар учун ибрат бўла оладиган саховат! Ҳазрат Навоий мана шундай олижаноб хулқ эгаси эди. Шунинг ўзиёқ алломанинг:

*Юз жафо қилса манга, бир қатла
фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла
фарёд айларам, —*

деган сўзларига ҳаётда ҳам нечоғлик амал қилганлиги далилидир.

«Мақорим ул-ахлоқ»да ёзилишича, ҳазрат На-

войи «Карам ва саховатининг бениҳоятлигига қарамай, ҳеч қачон, ҳеч кимга заррача ҳам миннат қилмасди».

Шунчалик олий ҳиммат эгаси бўлгани учун ҳам ҳазрат Навоий ҳар жабҳада биз учун ўрнак. Қуёш чиққанида туман тарқалиб кетгани каби Навоий асарлари ва у ҳақдаги китоблар мутолааси кўнгилларни ҳою ҳаваслар ғуборидан поклайди, қалбларни маърифат нурлари билан ёритади. Эзгу ишларга интилиш ҳиссини кучайтиради.

СУЛТОНЛАРНИНГ САРАСИ

Беш асрдан зиёд вақт ўтса-да, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номининг бунчалик эҳтиром билан тилга олиниши сабаби нимада? Унинг шахсида бугунги авлодларга ибрат бўларли қандай фазилатлар бўлган? Ҳасанхожа Нисорийнинг «Музаққирри аҳбоб» тазкирасида «Чиғатой султонларининг энг сараси ва зўр шижоатлиси» дея таърифланган Бобурнинг шоҳ ва шоир сифатидаги фаолиятида бу фазилатлар нечоғлиқ акс этган? Табиийки, бундай саволлар ҳар биримизни қизиқтиради.

Унинг машҳур шоҳбайтини эсланг:

*Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ —
Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.*

Мазкур ғазалнинг дастлабки байтларида қуйидаги муҳим фикр-хулоса баён этилган: «Дунё шундай қурилган, яхшиларданки ёмонлик кўрганингдан кейин ёмонлардан яхшилик кутиш бефойда». Яъни:

*Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлик асру кўп,
Эмди кўз тутмоқ не яъни ҳар ямондин яхшилиғ.*

Бобур: «Барчадан ёмонлик кўриб турганингда ҳам фақат яхшилик қил. Ёвузликка ёвузлик билан эмас, эзгулик билан жавоб қайтар», дейди. Олижанобликнинг, инсоний камолотнинг чўққиси бўлган бундай хулосага келиш осонми? Ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, бу наинки шоҳ ва шоир Бобурнинг, балки мансуб бўлганимиз миллатнинг асл табиатига хос юксак фазилат. Қийинлиги шундаки, ёмонликка нафрат — инсон фитратига хос туйғу. Ушбу нафрат ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтаришни тақозо этади. Нафратни енгиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб бериш шу жиҳатдан ҳам осон эмас. Бунинг учун ушбу фазилат қонда бўлиши керак. Бола бешиқдалигидаёқ шундай тарбия кўриши зарур. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёшлик дамларидан айни шундай муҳитда ўсган.

Биргина мисол. «Бобурнома»да таъкидланишича: «Ҳанафий мазҳаблик, покиза эътиқодлик, беш вақт намозини тарк қилмайдиган» Умаршайх мирзо — Бобурнинг отаси подшоҳ сифатида бениҳоя адолатли бўлган. «Адолати бу мартабада эдики, — деб ёзади Бобур ўз отаси ҳақида, — Хитой карвони келадурғонда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлик карвонни андоқ қор босдиким, икки киши қутулди. Хабар топиб, муҳассислар йибориб, карвоннинг жамиъ жиҳотини забт қилди. Ҳарчандиким, вориси ҳозир йўқ эрди, бовужуди эҳтиёж сақлаб, бир-икки йилдин сўнгра Самарқанд ва Хуросондин ворисларини тилаб келтуруб, молларини солим топширди».

Мана, аждодларимизда омонатга муносабат қандай бўлган ва қандай бўлмоғи керак! Ваҳоланки, минг уйлик савдо карвонининг бойлиги қай миқ-

дорда бўлиши, бу мол-дунё эгалари энди йўқ экани эътиборга олинса, уларни бир-икки йил мобайнида асраб, ворисларини излаб топиб, уни ҳеч бир нуқсонсиз («солим») топшириш учун одам қанчалар инсофли, диёнатли бўлмоғи керак! Ахир ўзларининг тор манфаатлари йўлида, арзимаган мол-дунё учун виждонини сотадиганлар камми?! Дунёнинг қийматсиз матоҳи деб, наинки бир карвон, бутун бошли эл-юрт ҳаққини туя қилишдан тоймайдиганлар йўқми?!

Ҳарҳолда, бир ҳақиқат аниқ: ундайлардан Бобурдай фарзанд дунёга келмайди. Заҳириддин Муҳаммаднинг Умаршайх Мирзодай омонатдор, адолатли инсон оиласида дунёга келишида ҳам Яратганнинг улуғ ҳикмати, адолати бор, назаримизда.

Шунинг учун ҳам Бобур шоҳ сифатида адолатли сиёсат юритди. Ёмонликка-да яхшилик билан жавоб қайтаришни ҳаётий аъмоли, деб билди. (Бобурнинг ҳаётига қасд қилган малика Байдага муносабатини эсланг.)

Тарихда бир юртдан иккинчи бир юртга бориб, ҳукмронлик қилган жаҳонгирларнинг ўша халқ ҳурматини қозониши, улар орасида яхши ном қолдира билиши камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса. Бобур ва бобурийларнинг Ҳиндистондаги ҳукмронлиги бу жиҳатдан ҳам ибратли ва аҳамиятли. Бунинг буюк сиёсатдонлар, тарихнавислар томонидан эътироф этилгани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

Хўш, Бобурнинг бундай эътирофга сазовор бўлиши сабаби нимада эди? У ҳинд халқи учун қандай хизматлар қилганки, Ҳиндистонда бу улуғ сулоланинг номи бугунги кунгача юксак эҳтиром

Биз кимларнинг ворисимиз?

билан тилга олинади? Бизнингча, бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, Бобур ва унинг авлодлари минбаъд Ҳиндистонни талаш, унинг бойликларини ташиб кетиш мақсадида бўлмаган. Аксинча, бобурийлар сулоласи ҳукмронлик қилган қарийб уч ярим асрлик вақт мобайнида бу юртда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Ҳиндистоннинг буюк давлат арбоби Жавоҳарлаъл Нерунинг қуйидаги сўзлари ҳам бунга ёрқин далил бўла олади: «Бобурнинг Ҳиндистонга келиши туфайли, — дея эътироф этади у, — Ҳиндистонда буюк ўзгаришлар содир бўлди, санъатда, ҳаётда, меъморчиликда ва маданиятнинг бошқа соҳаларида янгича тараққиёт юз берди».

Бобурнинг ўзи «Бобурнома»да бундай ёзган эди: «...Нечукким, «Зафарнома»да Темурбекнинг «Масжиди сангин» иморатини қилурда Мулла Шариф мундоқ муболаға била битибдурким, Озарбойжон ва Форс ва Ҳиндустон ва ўзга мамолик сангтарошларидин ҳар куни икки юз киши масжидда иш қилурлар эди.

Бир Аграда ушбу Агранинг сангтарошларидин менинг иморатларимда ҳар кунда олти юз саксон киши иш қилурлар эди. Яна Аграда ва Секрида ва Биёнада ва Дулпурда ва Гувалёрда ва Кўлда минг тўрт юз тўқсон бир сангтарош ҳар кунда менинг иморатимда иш қилурлар эди».

Бобуршоҳнинг мазкур сўзлари унинг бунёдкорлик борасида улуғ бобоси Амир Темур Соҳибқирондан ўрнатилган олганини кўрсатади. Наинки ўрнатилган, Соҳибқирон қурдирган «Масжиди сангин»да 200 киши ишлаган бўлса, Бобур қурдирган иморатларда 1491 сангтарош хизмат қилган. Шу боис

Бобур ва бобурийлар томонидан барпо этилган Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси, Қизил қалъа ансамбли, Жоме масжиди, Аградаги қалъа, Тожмаҳал, Фатҳпур Шекрий шаҳри, Секандарадаги Акбаршоҳ мақбараси, Лоҳурдаги қалъа ва бошқа иншоотлар ҳанузгача Ҳиндистон кўркига кўрк қўшиб келмоқда.

Эътибор беринг: Бобур ва бобурийлар худди шу бунёдкорлик салоҳиятини ўз она заминимизга хизмат қилдирганда нима бўлар эди... Юртимиздаги тарихий обидалар, шубҳасиз, ҳозиргидан анча кўп, янада салобатли, виқорли бўлиши аниқ эди.

Бобурнинг ҳинд халқи эътирофини қозонишининг иккинчи сабаби, ҳиндларнинг миллий ва диний қадриятларини бениҳоя ҳурмат қилгани билан изоҳланади. У зинҳор-базинҳор ҳинд халқининг урф-удумлари ва эътиқодига нописандлик билан қарамаган. Фарзандларини ҳам шу руҳда тарбия қилган. Бобуршоҳнинг ўғли Ҳумоюнга ёзган «Махфий васиятнома»сидаги сўзлари ҳам буни тасдиқлайди.

«Эй фарзандим, — деб ёзади Бобур, — Ҳиндистон мамлакати турли мазҳаблардан маъмур бўлган (ташкил топган). Оллоҳ таоло сизга буни каромат этди. Сиз мазҳабларни ёмон кўришдан дилингизни пок тутинг. Ҳар мазҳабнинг тариқасига адолат қилинг. Хусусан, Ҳиндистоннинг қалбини қўлга киритаман, десангиз, сигир сўймоқдан ўзингизни тийинг. Бу яхшилигингиз эвазига шу вилоят аҳлининг қалби сизга яқин бўлади».

Учинчидан, Бобуршоҳ мамлакатни бошқаришда адолат тамойилларига тўла амал қилган. Тарих шоҳид; ҳар қандай салтанат сиёсати адолатга таянсагина халқнинг чинакам эҳтиромига сазовор бўлади.

Бобуршоҳ «Махфий васиятнома»сида яна шундай ёзади: «Қўлингиз остидаги ҳар қавмнинг ибодатгоҳларини ва муқаддас жойларини хароб этманг. Шундай одилликни ихтиёр қилингки, подшоҳ раиятдан ва раият подшоҳдан осуда бўлсун. Ислоннинг тараққиёти эҳсон қиличидан яхшироқ бўлади, зулм тифидан эмас».

Русия истибдоди даврида юртимиздаги масжид-мадрасаларнинг, муқаддас қадамжоларнинг тўпга тутилганини, қолганлари эса оғилхонага, заҳарли кимёвий ўғитлар сақланадиган омборхоналарга айлантирилганини эсласангиз, Бобурнинг шоҳ ва шахс сифатидаги мақоми нақадар улуғ экани аён бўлади.

Эҳсон борасидаги фикрларга келсак, «Музаккири аҳбоб»да таъкидланишича: «Кимки жаҳонпаноҳ (яъни Бобуршоҳ) даргоҳига илтижо қилган бўлса, подшоҳнинг инъомидан баҳраманд бўлди ва фазл дастурхони неъматидан қуруқ қолмади. Дарё мисол қўли билан саховат оламини нурга тўлдирди».

Бобур мамлакатни идора қилишда улуғ аждодларнинг, хусусан, Амир Темур Соҳибқироннинг бошқарув услубидан ўрнак олган. Авлодларига ҳам шундай иш юритмоқни насиҳат қилган: «Салтанатнинг жисми турли маразлардан тинч бўлсин, — деб ёзади Бобур «Махфий васиятнома»да. — Подшоҳлик ишларини пухта қилиш учун Ҳазрат Амир Темур Соҳибқироннинг ишларини кўз олдингизда тутинг».

Шубҳасиз, салтанат бошқарувида аждодлар тажрибаларига суяниш, уларнинг эзгу ишларидан ибрат олиш ўз самарасини берган. Бу эса бобурийлар салтанатининг бардавомлигини таъминлаган.

Шоҳ сифатида унинг даражаси қанчалик баланд

бўлса, шоир сифатида шунчалар юксак. «Бобур подшоҳнинг фазилатлари бисёр ва камолотлари бешумордир, — деб ёзади Ҳасанхожа Нисорий. — Аруз бўйича ёзган рисоласи бир денгиздурким, ичи тўла жавоҳиру дурдона. Фикҳ масалаларини дағи бир рисолада мубайян қилганким, ёзғувчиси донишмандлигидан бир нишона. Туркий ва форсӣда яхши шеърлари бор».

Дарҳақиқат, улуғ шоирнинг мумтоз адабий жанрларнинг деярли барчасида ёзган лирик шеърлари қарийб беш асрдан буён мухлислар эътиборида келади. Унинг шеърлари фалсафий теранлиги, бадий баркамоллиги, қалбга яқинлиги билан алоҳида ажралиб туради. Биргина:

*Давлатқа етиб меҳнат элин унутма,
Бу беш кун учун ўзунгни асру тутма,—*

деган мисраларини эслайлик. Яъни: «Эй инсон, мансаб-мартабанинг қай мақомига эришсанг ҳам, нечоғлиқ мол-дунё соҳиби бўлсанг ҳам, меҳнат-машаққат билан кун кечираётганларни ёдингдан чиқарма. Унутмагинки, бу мартаба ҳам, молу давлат ҳам беш кунлик, яъни вақтинчалиқдир».

Агар бу сўзларни бугунги Ҳиндистон ва Афғонистонни ўз ичига олган беқиёс бир мамлакат ҳукмдори айтаётганини, Бобур бу сўзларни айтибгина қолмай, уларга бир умр амал ҳам қилганини эътиборга олсак, бу улуғ сиймода Шахс, Шоир ва Шоҳ сифатидаги фазилатлар нақадар уйғун бўлганига амин бўламиз. Бобуршоҳга беш асрдан буён кўрсатиб келинаётган эҳтиромнинг бош омили ҳам шунда бўлса, ажаб эмас.

**СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН:
ВАТАН ОЗОДЛИГИ – МУҚАДДАС**

— Чексизлик ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Дўстларимдан бирининг ушбу саволига жавобан, бу хаёлимга келмаганини айтдим. — Чексизлик, чексиз вақт тўғрисида ўйлаганда, — давом этди дўстим, — инсон умрининг нечоғлиқ қисқа эканлигини ҳис этиш мумкин. — Дарҳақиқат, инсон умри фанимат, — қўшиламан мен.

Савол туғилади: хўш, инсон умри ўткинчи экан, у ўз ҳаётини нимага бахшида этсин? Қандай амаллар билан ўтказсин фурсатини? Умр ўзи бебақо бўлса, нима учун яна баъзилар уни хиёнатга, қабих ишларга совуради? Нима учун тор манфаати йўлида Ватан, миллат каби олий қадриятларни ҳам қурбон қилишдан тоймайди? Инсоният пайдо бўлибдики, шу ва шу каби саволлар ҳар бир фикр эгасини ўйлантириб келган. Бу саволларга ҳар бир тафаккур соҳиби ўзича жавоб излаган, ўзича жавоб берган.

Улуғларимиз фикрича, эл-улусга, Ватан ва миллатга манфаат етказиш, фойда келтириш инсон умрига зийнат бағишлайди. Мардликни ўзига пеша билган, ҳаётини она Ватан озодлиги йўлида қурбон қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблаган Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ҳам бунинг ёрқин далили.

Хўш, Жалолиддин нима учун босқинчилар билан аёвсиз жанг қилди? Нима сабабдан бу курашда азиз жонини ҳам аямади? Тожу тахт керакмиди унга? Ададсиз бойлик истадими у? Ахир у катта бир салтанатнинг ҳукмдори эди. Булар ҳаммаси унда мавжуд эди. Қолаверса, мўғул босқинчиларининг сулҳ ҳақидаги бир оғиз сўзига маҳтал эди.

Исталган пайтда у мўғуллар билан келишув йўлини тутиши мумкин эди. Лекин у босқинчилар билан битим тузишни ўзига ор деб билди. Ўша пайтдаги Кўниё султони Биринчи Аловуддин Кайқубод Жалолiddиннинг элчиларига қарата бундай дейди: «Биз музаффар султонни қаттиқ ҳурмат қиламиз... Ўйлаймизки, ҳозирги кунда биз учун энг мақбул йўл — бу ҳам бўлса мўғуллар билан тинч келишув йўлини танлашдир. Агар шу мақбул бўлса, султон тинчлик ҳақидаги музокаралар эшигини очиш учун барча чораларни кўрсин. Умидвормизки, юмшоқ сўзлар, пул ва ҳадялар билан иккалараф ҳамма ёқда ёниб турган нифоқ ўтини ўчира олади. Агар султон мўғулларга элчилар юбориб, сулҳ ҳақида битим тузилишини сўраса, у ҳолда биз унинг учун олтинни ҳам, кумушни ҳам аямаймиз».

Жалолiddиннинг мақсади олтин-кумуш бўлганида эди, мўғуллар билан битим тузиб ҳам бу мақсадига эришиши мумкин эди. Мўғулларнинг у билан сулҳ тузишга тайёр бўлганига синглиси Хонсултоннинг мактуби ҳам ёрқин исботдир. Синглиси Чингизхоннинг ўғли Жўжининг хотини эди. У ўз хатида қуйидаги сўзларни ёзади: «Сенинг кучинг, қудратинг ва мулкларингнинг улканлиги ҳақидаги хабар хоқонга етди. Шунинг учун у сенинг билан қариндош бўлишга қарор қилиб, мулкларингиз чегарасини Жайхун дарёси бўйича ўтказиш ҳақида келишиб олмоқчи: сенга — дарёгача бўлган, унга — дарёдан наридаги ерлар. Шунинг учун, агар сен уларга қарши туришга куч йиға олсанг, қасос ол; улар билан жанг қил. Агар енгсанг, хоҳлаганингча иш тутасан. Агар енголмасанг, фурсатдан фойдаланиб, уларнинг истаги бўйича сулҳ туз!»

Биз кимларнинг ворисимиз?

Жалолиддин Аловуддин Кайқубоднинг таклифини ҳам, сингисининг мактубини ҳам жавобсиз қолдиради. Мўғуллар билан сулҳ тузишни хоҳламайди. У душман билан келишув йўлини тутишни босқинчиларга ён бериш билан баробар деб билди. Султон Жалолиддин юрт ғанимларига ён бергандан кўра мардларча жанг қилишни, она Ватан ҳимояси йўлида қурбон бўлишни афзал кўрди.

Жалолиддин Мангуберди мўғул қўшинларига қарши курашларда ёвқур баҳодир эканини, ўзида моҳир саркардалиқ қобилияти мавжудлигини кўрсата олди. Кўплаб жангларда душманни қон қақшатди. Ёвларнинг додини берди. Шундай жанглардан бири Ғазна яқинидаги Парвон деган жойда бўлди. Бу жангда Жалолиддин Шиғи Қутқу нўён бошчилигидаги Чингизхон юборган 45 минг кишилик мўғул қўшини билан тўқнашди. Бу аёвсиз жангда мўғуллар енгилди. Тарихий манбаларда ёзилишича, «Жалолиддиннинг ўзи Шиғи Қутқунинг қўшини ўртасига отилиб кириб, унинг ҳарбий тартибларини бузди. Байроқларини отларининг оёқлари остида поймол қилди. Сўнг мўғуллар бошига қасос қиличлари ёпирилди. Жалолиддин нафрат отига миниб, қиличлари билан уларнинг бўйин томирларини елкага уланган ерларидан узарди. Нега бундай қилмасин? Ахир, ёвлар унинг ака-укаларига, отасига, Ватанига, яқинлари ва қариндошларига қанчалик кулфат келтирдилар-ку!»

Афсуски, мол-дунё учун ор-номусини сотган, Ватан, миллат каби олий қадриятларни тор манфаати йўлида қурбон қилишдан тоймайдиган кимсалар ҳамиша бўлган. Султон Жалолиддинга ҳам худди шундай одам қиёфасидаги махлуқлар, манфаат бандалари панд берди. Давомли ғалабани

мустаҳкамлаш султон Жалолиддинга насиб қилмади. «Жангдан сўнг умумқўшин бошлиқлари орасида ўзаро низолар бошланди. Саркарда бу низоларни боса олмади. Натижада, Жалолиддин қўшиннинг кўп қисмидан ажралиб қолди. Арзимаган низолар улкан йўқотишларга сабаб бўлди...

Жалолиддин қароргоҳида ўлжалар улашиларди. Мўғуллардан тушган сон-саноқсиз ўлжалар орасида яхши бир учқур арабий тулпор ҳам бор эди. Шу отни икки қабила амирлари талашиб қолди. Балх ҳокими Аъзамхон Малик аччиқланиб, Сайфиддин Афроқнинг бошига қилич туширди. Сайфиддин Афроқ бошлиқ қалач қабилалари бундай ҳақоратга норозилик билдириб, шу кечасиёқ қароргоҳни тарк этди. Аслида бу низо-жанжаллар мунофиқлик йўлига кириб, айёрлик «тулпор»ига минган Сайфиддин Афроқ ҳамда унинг ўзи каби тутуриқсиз маслақдошларининг мўғул хоқони ваъда қилган қоп-қоп олтинлар илинжида жасур саркардадан ажралиб чиқишлари учун уюштирилган фитна эди, холос. Улар Чингизхондан шартлашилган олтинларга дастлаб эга бўлдилар ҳам. Лекин мўғуллар Парвон остоналаридаги таърифига тил ожизлик қиладиган қирғинни, бошларидан кечирган аччиқ қисматни асло эсларидан чиқармаган эдилар.

*Етар раҳмат суви кўк кавкабина,
Етушмас қатрае гумроҳ лабина.*

Яъни, Сайфиддин Афроқ, Аъзамхон Малик ва Ал-Ҳасанларни мўғуллар Афғонистоннинг Пешоварида усталик билан макр тузоғига илинтириб, батамом қириб ташладилар, бутун бойликларини тортиб олиб кетдилар...» (Ҳабибулла Зайниддин,

Биз кимларнинг ворисимиз?

Жалолиддин Мангуберди. Т., «Фан» нашриёти, 1993, 52-бет).

Тарихга ибрат назари билан қараладиган бўлса, хиёнаткорлар тақдири ҳеч қачон бундан бошқача бўлмаган. Ўз Ватанига, эл-юртига сотқинлик қилган, дунёнинг арзимаган матоҳи, пул, мол деб хиёнаткорлик йўлига кирганларнинг косаси минбаъд оқарган эмас. Уларни ҳар доим ҳам муқаддас заминнинг уволи тутган.

Чексизлик ва инсон умри... Ҳақиқатан ҳам, чексиз вақт олдида инсон умри чақмоқ чақишидай гап. Ундан ҳам оз. Лекин инсон ўзининг эзгу амаллари, жамиятга, инсоннинг маънавий камолотига қилган хизматлари билан уни узайтириш, чексизлик қадар боқий қилиш имкониятига эга. Ватандошимиз, тенгсиз жасорат соҳиби Жалолиддин Мангубердининг ибратли ҳаёт йўли ҳам бунга ёрқин далилдир. Токи шу азиз Ватан бор экан, унинг номи барҳаётдир.

ОЗОДЛИККА ТЎЛАНГАН ТОВОН

Айрим «мутахассис»лар бизда, айниқса, Русия мустамлакаси ҳукм сурган XIX аср охири — XX аср бошларида етук сиёсий онг бўлмаганини даъво қилиб, яккаш қуликда яшаганимизни уқтирмақчи бўлади. Аслида шундайми? Бу саволга жавоб беришдан аввал озодлик ва қарамлик, эрк ва қулик каби тушунчалар моҳиятига эътибор қаратмоқ зарур. Ўша замонларда муайян даражада маҳдудликда яшашга маҳкум этилганимиздан кўз юмиб бўлмайди. Мустамлака гирдобида қолганимиз, қарам бўлганимиз ҳам рост. Лекин қулик ҳақида мулоҳаза айтишдан олдин истиҳола қилмоқ

керак. Гарчи ўша кезлари миллат ҳаётининг барча — сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳалари занжирбанд, ҳақ-ҳуқуқимиз чекланган бўлса-да, аждодларимиз ҳар доим ҳам дунёга очиқ кўз билан қараган. Ўшандай мураккаб, зиддиятли даврда миллатни ғафлатдан уйғотиш, уни тараққий этган халқлар даражасига кўтариш боболаримизнинг ҳаётий аъмоли бўлган. Зокиржон Фурқатнинг 1879 йилдаёқ «куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук» дея бонг ургани, Абдурауф Фитратнинг 1917 йилги октябрь тўнтарыши муносабати билан «Русияда янги бир бало бош кўтарди. Большевик балоси!..» деган кескин фикрни билдиргани, Абдулла Авланийнинг 1919 йили Туркистонни «фано ва аянч ҳол»га солган, «ҳар ерда иш бошинда ўлтургон», «ўзлари ошалаб, биз мусулмонларга ялатув» билангина кифояланган «рус таваришларимиз» ҳақида ёзгани бунга далил бўла олади. Бунинг тасдиғига яна кўплаб мисол келтириш мумкин. Лекин биз бу ўринда Ватан ва миллат озодлиги йўлида ўз ҳаёти билан товон тўлаган ва буни улуғ шараф деб билган беназир зот — Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг сиёсий аъмоли ҳақида фикр юритмоқчимиз. Ўйлаймизки, шунинг ўзиёқ мустақиллик деган беқиёс неъматнинг осонгина қўлга киритилмаганини, шаҳид боболаримиз бугунги кунларни нечоғли орзулаганини ҳис этишимиз учун кифоя қилар.

Мутахассислар бир ҳақиқатни яқдил эътироф этадилар: ўтган аср бошидаги миллий уйғониш ҳаракатини Маҳмудхўжа Беҳбудий фаолиятдан айри тасаввур этиш маҳол. Наинки мутахассислар, улуғ миллатпарварнинг замондошлари ҳам аини шу фикрда бўлгани маълум. «Сиёсий, ижтимоий фа-

олияти ва билимининг кенглиги жиҳатидан Туркистоннинг ўша вақтдаги жадиidlаридан унга тенг келадигани йўқ, деб ўйлайман». Машҳур арбоб Файзулла Хўжаевнинг Беҳбудий ҳақидаги бу сўзларида заррача муболаға йўқ. Бинобарин, Маҳмудхўжа Беҳбудий сиёсатшунос ва публицист, адиб ва педагог, ношир ва журналист сифатида кенг қамровли фаолият олиб борди. Ҳар бир ишида бош мезон миллат ва миллият масалалари бўлди.

Беҳбудий, энг аввало, миллий уйғониш ҳаракатининг улкан сиёсий раҳнамоси сифатида майдонга чиқди. Сиёсат бобида у ўткир назарийчи, шунинг баробарида, фаол амалиётчи ҳам эди.

Сиёсатга доир назарий қарашлари унинг «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия» дарслигида, «Дума ва Туркистон муслмонлари», «Хайр ул-умури авсатуҳо», «Муҳтарам самарқандийларга холисона арз» ва шу каби мақолаларида ифодасини топган.

Бир-икки мисол келтирамиз. Чунончи, «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий ва намунаи жуғрофия» дарслигида Беҳбудий ўша давр дунёсида мавжуд бўлган мамлакат бошқаруви усуллари ҳақида муфассал маълумот беради. Чунки Беҳбудий замонида ҳам миллат ёшларининг сиёсий онгини тарбиялаш, авлод дунёқарашини ўстириш зиёлилар олдида турган долзарб вазифалардан, тараққиётнинг муҳим омилларидан эди.

Беҳбудий уч хил бошқарув услуби ҳақида ёзади:

1. Идораи мустақалла (идораи мутлақа).
2. Идораи машрута.
3. Идораи жумҳурият.

(Бу ҳақда қаранг: *Маҳмудхўжа Беҳбудий. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва*

изоҳлар муаллифи — Б. Қосимов. 2-нашри. Т., «Маънавият», 1999, 243—244-бетлар. Бундан кейин ушбу манбадан олинган иқтибослар саҳифаси қавсга кўрсатилади.)

Алломанинг ёзишича, «идораи мустақалла»нинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

— бунда ҳукмдорнинг истаги — қонун, яъни у соҳиби ихтиёр. Бошқача айтганда, ваколатлари мутлақо чекланмаган;

— қўл остидаги барча мажлис, маслаҳатхоналар ҳукмдорга бўйсунди, унинг айтгани айтган, дегани деган;

— ҳукумат, валиаҳдлик қоидалари асосида, «ўшал ҳукуматни қўйган тартиб ва тадбирига мувофиқ» (243) бўлади.

— идораи мустақалла, бугунги ибора билан айтганда, давлат бошқарувининг монархия ёки авторитар усулига тўғри келади.

Беҳбудий таҳлил этган иккинчи усул — *идораи маршрута*. У қуйидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

— бу ҳукуматга тобе одамлар аксари дунёдан хабардор илм аҳллари. «Эл ва уруғлари илм, ҳунар ва дунё ишларига тараққий қилган»;

— фуқаролар ўз ораларидан инсофли, илм ва дунёдан хабардор кишиларни ўзларига раҳбар ва бошқарувчи вакил этиб сайлайдилар;

— «сайланган вакилларни подшоҳ муқаррарий маҳкамаларга, мамлакатдорлик ишларига жамлайди... Аларни(нг) мажлис ва маҳкамаларини «миллат мажлиси», «маслаҳатхона», «парламент», «гўсударски дум», «мажлиси синодий», «эл мажлиси» деган исмлар ила ёд қиладур» (243);

— «Миллат мажлиси» аъзолари ҳукуматни маш-

Биз кимларнинг ворисимиз?

варат билан бошқаради. Ҳукмдор бу мажлис амрига бўйсунди. Мамлакат тақдири билан боғлиқ масалаларни шу мажлисда муҳокама этмай, ўз хоҳишича ҳал этолмайди.

Мамлакат бошқарувининг бу усули конституция ва парламентга таянувчи давлат хусусиятларига мувофиқ келади.

Бехбудий таърифлаган учинчи усул — *идораи жумҳурият*. Унинг ўзига хослиги қуйидагиларда намоён бўлади:

— аксар фуқароси аҳли илм. Кенг дунёқарашли аҳоли сайлаган вакиллар ўз мамлакат ва ҳукуматини бошқармоғи учун ораларидан бир нафар донишманд одамни бошлиқ этиб сайлайди. У «раиси жумҳурият», «садринишини миллат» ёки «президент» деб аталади;

— бундай ҳукмдор ҳар бир ҳукм ва амрини «Миллат мажлиси» тузиб берган дастуруламал, яъни қонун ва низомномаларга мувофиқ амалга оширади;

— бу усул асосида бошқариладиган ҳукуматда «Миллат мажлиси» катта ваколатга эга. Ҳатто вазир ва унга тенглаштирилган мансабдорларни тафтиш қилиш, терговга тортиш, лавозимидан озод қилиш ҳуқуқларига эга.

Бошқарувнинг «идораи жумҳурият» усули, замонавий ибора билан айтганда, чинакам ҳуқуқий демократик давлат хусусиятларини ўзида мужассам этгани билан ажралиб туради.

«Ҳозирги Овруро ҳукуматларини(нг) рафтори, одати шу уч усулни(нг) бирига дохил, тобе ва мувофиқдир, — деб ёзади Бехбудий. — Мустақил ҳукмдорларни(нг) қўл остига ҳам мажлислар ва машварат маҳкамалари бордур. Илмсиз ҳукумат-

лардек неча милйўн халқни(нг) маишати, рафтори, ихтиёри бир нафар одам — подшоҳни(нг) ихтиёр ё ройи ва ҳукмиға тобе эмасдур. Бир нафарни(нг) ақли, фикри ила ўн нафар аросиға на қадар фарқ бордур? Ушбу сабаблардандурки, озгина Оврупо халқи бутун курраи арзға ҳоким ва мутасаррифдурлар» (244).

Беҳбудийнинг бу фикрлари барча замонлар учун бирдай аҳамиятли. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган бугунги ислоҳотлардан кўзланган бош мақсад ҳам, миллатпарвар аллома орзу қилганидек, мамлакат бошқарувида ҳар бир фуқаро иштирок эта оладиган мутараққий жамиятни барпо этишдир.

Беҳбудий аҳволи оламдан хабардор, сиёсий вазиятни тўғри баҳолай биладиган етук арбоб эди. Унинг «Хайр ул-умури авсатуҳо» мақоласидаги фикрлар ҳам буни тасдиқлайди. «Ҳозир Русия давлати(нинг) тариқи ҳукмронлиги ноқис эканлигига ҳар бир хабарлик киши иқрор этар, — деб ёзади Беҳбудий. — Давлат қонунларини(нг) ислоҳ ва таждидиға ҳар ким мойилдур» (146).

Биз кўппартияли тизимга эндигина кириб келяпмиз. Беҳбудийнинг бундан бир аср муқаддам сиёсий партиялар ҳақида билдирган фикрлари Ватан ва миллат манфаатини кўзлагани, бугунги кун учун ҳам аҳамиятли экани билан диққатга сазовордир. Аллома «Русиядаги барча халойиқ... неча аслу асосға бўлунган»и, «бу сиёсий фирқаларни(нг) ҳар бириға ҳар бир мазҳаб ва дин аҳлидан қўшулган»и ҳақида фикр юритар экан, тўрт сиёсий партия фаолиятига баҳо беради. Улар:

1. Буйрўкратияи мустабид фирқаси.
2. Кадет маршрута фирқаси.

3. Социал-демократически (иштирокиюни оммавиюн) фирқаси.

4. Русия мусулмонлари иттифоқи.

Беҳбудийнинг таъкидлашича, «Буйрўкратияи мустабид» фирқаси «эски тарз ҳукумат давомини хоҳлайдур» (146). Давлат бошқарувининг идораи мустақалла турини ёқловчи бу фирқа фаолияти туркистонликлар учун зарарли. Бинобарин, бу фирқанинг йўли амалга ошса, «...биз ва бизга ўхшашлар таназзул қилуб, оҳисталик ила фирқаси, тоифаси, Ватани хор ва хароб бўлуб, батадриж йўқ бўлмоқ хавфи вордур ... Аъён биз — туркистонийлар шу ҳол мақдамасиғамиз (шунга қараб кетяпмиз. — Қавс ичидаги барча изоҳлар бизники — Н. Ж.)» (147).

Беҳбудийнинг ушбу сўзлари унинг Ватан ва миллат тақдирига нечоғли куюнгани, она юрти таназзулидан нақадар ҳасрат ва надомат чеккани далилидир.

Кадет маршрута фирқаси, Беҳбудий фикрича, ўрта фирқадир. Ҳеч қандай масалада ифротга бормайди, яъни ҳаддидан ошмайди. Шунингдек, тафритга — сусликка ҳам йўл қўймайди, «...соғ ила сўл васатиға, ҳар бир фикр ва матлабни(нг) авсати ва марказиға бирлашган бир ҳизби мутавассит»-дур (148). Яъни бу фирқа ўннга ҳам, сўлга ҳам оғмайди, ҳар бир фикр ва ғояда барчага бирдай маъқул бўлган ўрта йўлдан боради. Шу боис ҳам, Беҳбудий тўғри таъкидлаганидек, «...мўътадил улмизоҷ халқлар бу партияни хоҳлагандурлар» (148).

Социал-демократически (иштирокиюни оммавиюн) партияси ўз ичида яна иккига бўлинади:

1. Иштирокиюни оммавиюн.

2. Социал револутсион.

«Буларни(нг)... муроди, — деб ёзади Беҳбудий, — ҳозирги барча зақун, мулқият қоидаларини бутун бузуб, мол ва ерларни ҳамма халойиқ ўртасига муштарақ қилиб, ани бутун халойиқ ўртасида мусовий (тенг баробар) этмоқчидур. Бойлик ва камбағалликни йўқ қилиб, дунё моли(нинг) роҳатидин ҳаммани баробар фойдалантуруб, масъуд ва роҳат умр ўтказилмоқига ва ҳар ким ўз истиқболидин амин бўлмоқига зақун ва қоида жорий қилмоқчидурлар» (149).

Бу партия фаолиятига баҳо берар экан, Беҳбудий унинг дастури хаёлий эканини, «бу тоифага қўшулмоқ биз мусулмонлар учун ниҳоятда зарарлик» эканини уқтиради.

Таъкидлаш керакки, Беҳбудий бу борада устози Исмоилбек Гаспрали билан ҳамфикр эди. Гаспралининг социализмга ва унга асосланган жамият қуриш фикрини илгари сурган партия фаолиятига берган қуйидаги баҳоси ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди:

«Социализмга доир илгари сурилган фикрларнинг ғайрияхлоқий бир савдойи хаёлдан иборатлигини, билмадим, гапиришга ҳожат борми? Менимча — йўқ. Эски усулни ташламоқчи бўлган социалистлар ёмғирдан қочиб қорга тутилган кимсаларга ўхшайди. Тамоман баробарлик эмиш! Ҳам моддий, ҳам маънавий. Инсонлар яратилишда баробар яратилмайдилар-ку! Баъзимизда қувват, баъзимизда зеҳн кўпроқ бўлади. Мерос бўлмасмиш! Бу нима дегани? Ота нафсини қийиб, болаларига нимадир тўплайди, лекин у ўртага қўйилиб, ҳар кимга тақсим қилинади! Бунинг нимаси баробарлик? Нимаси адолат?.. Гапнинг қисқаси, бутун мамлакат, инсон жамоаси бир казармага айлана-

Биз кимларнинг ворисимиз?

ди: аҳоли бурғу билан туради, бурғу билан ишга кетади, бурғу билан умумий дастурхонга чақирилади, бурғу билан завқу сафо олади, бурғу билан бирор хотинни истироҳатга тортади... Офарин, социалистлар! Нақадар «гўзал» бир «маданият», нақадар «гўзал» бир яшаш тарзи қурмоқчи экансиз!»

Рост, Гаспратининг фикрларида бир оз бўрттириш йўқ эмас. Лекин унинг мулоҳазасидаги кучли мантиқни ҳам инкор этиб бўлмайди. Кейинчалик ҳам социалистик давлатлар «барчани тенг қилиш» ғоясини амалга оширишга уринган бўлсада, бунга муваффақ бўла олмагани кундай равшан! Негаки, ўша социалистик тузумда ҳам кимдир итини олтин ялоқда боққан бўлса, кимгадир қозон қайнатиш мушкул муаммо бўлгани аён. Шунинг ўзиёқ социализмнинг хаёлий бир ғоя бўлганига далилдир.

Русия мусулмонлари иттифоқи ҳақида мулоҳаза юритар экан, Беҳбудий бу партиянинг «аъзои марказия»сига олти миллионлик Туркистон мусулмонларидан бир нафаргина аъзо олингани тўғри эмаслигини таъкидлайди. «Беш облустдан 30 нафар, ҳам Бухоро ва Хива ва Туркистони Чинийдаги мусулмонлардан биттадан аъзо олмақ лозим» (150) дея ўз таклифини билдиради. Бугина эмас, Беҳбудий Русия мусулмонлари иттифоқи сиёсатан кадетлар билан ҳамкорликда иш олиб бормоғи зарур деб ҳисоблайди. Чунки кадетлар партияси дастурида баён қилинган қуйидаги фикрлар Туркистон ва унинг мусулмон аҳолиси манфаатларига ҳар жиҳатдан мувофиқ эди:

— ҳар тоифа ўз ҳаётини ўз китоби, эътиқоди ва дини бўйича қуриши мумкин;

— Русиядаги барча халқлар баробар. «Қонунда ҳар бир миллат ҳуррияти диния, ҳуррияти шахсия, ҳуррияти ижтимоия, ҳуррияти иттифоқия асосида ҳаёт кечирмоғи кафолатланиши» зарур;

— ҳар бир қонун халқ сайлаган вакиллар қарорига мувофиқ қабул қилиниши, халқ вакиллари хоҳламаган эски зақунлар ислоҳ этилиши лозим.

Сиёсий партиялар хусусидаги фикрларини хулосалар экан, Беҳбудий зиёли юртдошларини Ватан ва миллат шаъни йўлида шахсий ғараз ва нафсониятдан юқори туришга даъват этади. «Туркистоннинг муҳтарам муаллиф, муҳаррирлари ғараз, нафсоний ҳасад, баҳс ва мунозараи шахсияларини тарк этиб, шу маслак ва шу жамиятга тобе ва ходим бўлмоқлари хизмати дин ва давлат, обрўйи Ватан ва миллатдур» (150), деб ёзади у.

Беҳбудий сиёсат бобида наинки етук назаритётчи, зўр амалиётчи ҳам бўлганини таъкидлаган эдик. Биргина мисол. У 1907 йилдаёқ (Туркистон мухторияти эълон қилинишидан ўн йил олдин!) «Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси»ни тuzиб, кўриб чиқиш учун Русия Давлат Думасига тақдим этган эди. Мазкур лойиҳани 2001 йили Ҳаарлемда (Голландия) нашр этилган «Туркистонда янгилик ҳаракатлари ва ихтилоллар. 1900—1924» номли тўпلامдаги матн асосида ўзбек матбуотида илк марта профессор Бегали Қосимов эълон қилган. («*Жаҳон адабиёти*», 2003, 8-сон, 146—156-бетлар. Бундан кейин ушбу манбадан олинган иқтисосларнинг саҳифаси қавс ичига кўрсатилади.)

Мана, у мазкур лойиҳада нималарни ёзади: «Миллатимизи истеъдодсиз ва идораи дохилия ва афтономияни(нг) ижро ва ҳифзиға қодир эмас зам эдувчилар (гумон қилувчилар) албатта хато эдар-

лар. Оврупойи рус мусулмонларидан зиёдароқ афтонимияни Туркистонга берилмоғи лозимдур. Азбаски (чунки), туркистонлилар ҳануз дохилан ўзини ўзи идора эдар. Ва оврупойи Русиядаги қардошларимиздан ихтиёрлидурлар» (149).

Эътироф этиш керак, «Туркистонга автономия берилмоғи лозим» экани ҳақида Русия Давлат Думасига мурожаатнома ёзиш, ҳатто унинг бандмабанд тузилган лойиҳасини тақдим этиш ўша мустабид тузум шароитида чинакам жасорат эди.

Профессор Бегали Қосимов тўғри таъкидлаганидек, «Табиийки, маданий мухторият тушунчаси сиёсий, иқтисодий мустақиллик даъвосини ўз олдига қўймайди. Миллатнинг миллий-маданий турмушига риоя этилишинигина талаб қилади. Ва шу орқали унинг ўзлигини сақлаб қолиш умиди билан яшайди. Бу мустақилликка томон қўйиладиган биринчи қадам эди, холос» (146).

Шунга қарамай, Беҳбудий илгари сурган талаблар маълум маънода сиёсий аҳамиятга ҳам эга эди. Лойиҳанинг дастлабки бандидаёқ «Давлат Думаси учун Туркистоннинг адади нуфуси исломиясига (мусулмон аҳоли сонига) мутаносиб вакил сайлансун» (149) дейилиши ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. 1907 йил январь-феврида 2-Давлат Думасига бўлган сайловларда қарийб беш ярим миллионлик тубжой аҳолидан 6, бир ҳовуч (322 минг) русийзабонлардан 7 киши сайлангани ҳам Беҳбудийнинг «адади нуфуси исломияга мутаносиб» вакиллар сайланиши ҳақидаги талаби нечоғли ўринли бўлгани далилидир.

Лойиҳанинг қимматли жиҳатларидан яна бири шундаки, Беҳбудий Давлат Думасига Умумрусия мусулмонлари диний ва ҳаётий ишлари бошқару-

вининг анча мукаммал тизимини тавсия этади (150–153). Унинг фикрича, бу тизим қуйидагича бўлиши керак эди:

– Петербургда бир маҳкамаи исломия барпо этилиши зарур;

– бу маҳкамага диний ва замонавий илмга моҳир муслим сайлов асосида муайян вақт раҳбарлик қилмоғи лозим;

– бу муассасанинг моддий ва маънавий таъминоти Русия мусулмонлари иттифоқи аъзолари ҳамда Давлат Думасидаги мусулмон фракцияси вакиллари маслаҳатига асосан амалга оширилмоғи керак;

– Тошкентда Туркистон Идораи руҳония ва дохилияси ташкил этилмоғи, унга «биринчи даража уламо синфидан шариат ва замондан хабардор киши сайлов ила беш йил муддатга тайинланиб, шайхулислом аталиши» зарур;

– ҳар бир вилоятда Туркистон Идораи руҳония ва дохилиясининг шуъбаси ва ҳуқуқий ҳукм ва талабларни ўрнига келтирувчи ижроия маҳкамаси ташкил этилиши лозим.

Беҳбудийнинг чинакам сиёсатдонлиги яна шунда кўринадики, у Туркистон Идораи руҳония ва дохилия маҳкамаси ва шуъбаларида фаолият юритувчи масъул шахслар таркиби ҳақида аниқ тавсиялар бериш баробарида ўлкада яшовчи шиа мазҳаби вакиллари, шунингдек, яҳудийлар масалаларини ҳам эътибордан четда қолдирмайди. Жумладан, унинг фикрича, «Туркистон Идораи руҳония ва дохилиясида ҳама ерли яҳудийлардан сайлов ила бир нафар яҳудий олими иштирок эдар» (150). Шунингдек, «...шиъатул мазҳаб мусулмонларини(нг) фақат русуми мазҳабиялари тўғри-

синда оид тейишли фатволарни Закавказ шиъа шайхулислом мажлисиндан сўраб, ул қарорға мувофиқ шиъалар ила русуми мазҳабия ҳақинда муомала эдар. Бошқа важҳға сунний ила шиъа орасиға фарқ бўлмаса керак» (151).

Ушбу фикрларга таяниб, Беҳбудий тузган «Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси»да ўлкада яшовчи ўзга дин ва мазҳабдаги кишилар ҳуқуқини ҳам тўлиқ кафолатлаш назарда тутилган, дейиш мумкин. Бу, ўз навбатида, Беҳбудий миллат ва миллият масалаларини мезон деб билар экан, бошқалар ҳуқуқини камситишдан, азаматталаблик (шовинистик) қарашлардан анча баланд турганини кўрсатади.

Лойиҳада, бундан ташқари, қуйидаги эътиборга молик талаблар илгари сурилган:

— қозихона доирасидаги барча ҳужжатлар маҳаллий тилда ёзилиши (153);

— Русия адлия маҳкамалари сайловига ва ундаги мансабларга сайланмоққа мусулмонлар ҳақли бўлиши;

— Туркистон маишатидан хабарсиз юристларнинг Туркистон адлия маҳкамаларига ҳоким тайинланмаслиги;

— мавжуд қаттиқ низомлар ва чиновникларга берилган ҳадсиз ихтиёр бекор қилиниши;

— Туркистон мактаб ва мадрасалари ҳукумат назоратидан озод этилиши;

— умумий ўрта ва олий мактабларга мусулмонлардан комиссия тайинланиши, рус ҳарфини мусулмон мактабига жорий этмаслик (155);

— Туркистон халқи талаб қилмагунча Туркистонга муҳожир юборилмаслиги;

— Туркистон шаҳарлари ичидаги ерлар хоҳ

муваққатан, хоҳ абадий бўлсун, ғайримусулмонларга берилмаслиги (156).

«Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси» ёзилган даврдаги мураккаб ва зиддиятли сиёсий вазият эътиборга олинса, бундай талабларни қўйиш, яна уни Давлат Думасига тақдим этиш бошни кундага қўйиш билан баробар бўлганини ҳис этиш қийин эмас.

Ҳам назарийчи, ҳам амалиётчи сифатида ўз даврининг етук сиёсатдони бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий шунинг учун ҳам 1917 йил 16 ноябрида эълон қилинган Туркистон мухториятининг — мустақиллик сари қўйилган дадил қадамнинг фаол ташаббускорларидан, маънавий раҳнамоларидан бўлди. У бундай деб ёзган эди: «27 ноябрда Қўқонда Туркистон мухторияти умумий мусулмон съездида эълон қилинди. Муборак ва хайрли бўлсун! Камина ҳам мажлисда бўлушдан ифтихор этаман. Яшасун Туркистон мухторияти!» Бу сўзлар улуғ миллатпарварнинг қалб нидоси эди.

Беҳбудий Туркистондаги барча халқларни, тилидан, диний мансублигидан қатъи назар, иттифоқ бўлишга, умумий манфаат йўлида бирлашишга, Туркистон мухториятини сақлаб қолишга чақирди. Бу жиҳатдан унинг қозоқ биродарларга ёзган очиқ хати алоҳида қийматга эга.

«Бовурлар! — деб ёзган эди у. — Билингки, ҳозирда Туркистондаги барча халқлар учун мухторият эълон қилинди ва сиз билингки, ҳақ олинур, лекин берилмас. Инчунун, мухторият-да олинур, лекин берилмас. Яъни мухториятни Туркистон болаларининг ўзи бирлашиб, ғайрат ила олурлар. Албатта, бошқалар тарафидан берилмас. Бошқаларнинг қўлидан келса, бермаслар. Биз бўшлик

Биз кимларнинг ворисимиз?

қилсак ва Туркистондаги халқлар бирлашиб, мухторият йўлига саъй қилмасак, албатта, ҳозирги қоғоз устидаги мухториятимизни ҳам йўқ қилурлар. Бул албатта шундайдур ва бул сўзга ҳеч ким ихтилоф қилолмайдур... Энди ишлар шу ҳолда экан, биз ҳаммамиз, яъни қирғиз, қозоқ, ўзбек, туркман, араб, форс, хуллас, Туркистондаги, Қозоғистондаги ва Туркманистондаги барча мусулмонлар ва ҳам мундаги яҳудий ва христианлар бирлашиб, иттифоқ ила шу мухториятнинг амалга келишига саъй ва эҳтимом этмоғимиз лозимдир...» (31).

Маҳмудхўжа Беҳбудий шундай ёниқ, ҳароратли сўзларни ёзар экан, дунёдаги бошқа халқлар ҳамжиҳатликка нечоғли интилаётганини мисол келтиради. Туркистонликларни улардан ўрناق олишга даъват этади, акс ҳолда оқибат қандай бўлиши мумкинлигини айтиб, қуйидагича огоҳлантиради:

«Чироғларим! Бошқа халқлар, масалан, серблар, италянлар, арманилар, славянлар, поляклар ва бошқалар, ҳатто дунёнинг у бир учидаги қариндошлари ила бирлашур эканлар, бошқа катта ва қувватли давлатларга тобе бўлуб, ютулуб, ҳатто тилини йўқотган ўз жинсдошларини ажратиб олиб, бирлашмоқға жон ва кучларини сарф этар эканлар, биз ўз ичимиздаги қариндошларимиздан айрилсак уятдур, аҳмоқликдур, миллат томуриға болта урмоқликдур» (31).

Беҳбудийнинг айтгани бўлди. «Бошқалар» Туркистонга мухторият беришни хоҳламади. Туркистонликлар-да бирлашмади. Натижада, мухторият бой берилди, қонга ботирилди. Кўп ўтмай, 1919 йили бутун онгли ҳаётини Ватан ва миллат озодлиги

йўлига бағишлаган Беҳбудийнинг ўзи ҳам маҳв этилди. Лекин адибнинг уйғоқ руҳи мудом биз билан биргадир! Замондоши, сафдоши Ҳожи Муин таъбири билан айтганда, «уйғониш даври ўзбек адабиётида биринчи ўринни олурга лойиқ» адибнинг асарлари бугун ҳам миллий-маънавий юксалишга хизмат қилмоқда.



ЖАҲОЛАТ НИМА?



«Маърифат надир?» деган саволга тўлақонли жавоб бериш учун унинг зидди бўлган «жаҳолат» тушунчасининг моҳиятини англаш зарур. Бинобарин, оламдаги барча нарсалар ҳақиқати қиёсда теранроқ ойдинлашади.

«Жаҳолат»нинг луғавий маъноси — билимсизлик, нодонлик демакдир (*Навоий асарлари луғати, Т., 223-бет*). Орифлар истилоҳида жаҳолат — кўнгилнинг ўлими маъносини англатади. Уларнинг фикрича, бундай кўнгил ҳақиқатни англашдан йироқдир.

Тасаввуф олимлари фикрича: «Жаҳддан ўлган кўнгилни фақатгина илм нури тирилтириши мумкин. Илм нуридан мурод эса — маърифат. Лекин зоҳирий илм ҳали жаҳолатдан холи бўлиш дегани эмас. Бинобарин, зоҳирий илмдан на кайфият ҳосил бўлади, на — ҳол. Илм ишқ билан вобаста бўлгандагина чинакам маърифатга эврилиши мумкин» (*ўша китоб, 296–297-бетлар*).

Сажжодийнинг зоҳирий илм ҳали жаҳолатдан холи бўлиш эмаслиги ҳақидаги фикри ҳазрат Навоий қарашларига монанддир. Биргина далил. «Фарҳод ва Ширин»да улуғ шоир Фарҳоднинг илмда эришган мартабасини бундай таъриф этади:

*Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқиқини касб этмаган илм.*

Яъни, Фарҳод дунёдаги барча илмларни мукамал ўзлаштириб чиқди. У билмаган, моҳиятига етмаган бирорта ҳам илм қолмади.

Шу ўринда бир жиҳатни таъкидлаш керак. Агар инсон камолоти учун илмнинг ўзигина кифоя қилганида, дoston шу билан яқунланса ҳам бўлар эди. Лекин асар энди бошланяпти. Барча илмларни эгаллаб бўлганидан кейингина Фарҳод ишқ изтиробларига дуч келади. Демак, Навоий назарда тутган ҳақиқат — илм билан ишқ мужассам бўлгандагина инсон чинакам комилликка эришмоғи мумкин.

Жаҳолат — кўнгилинг ўлими, деган фикрни эсладик. Агар кўнгилки ўлса, инсоннинг бошқа аъзоларида тириклик асари қоладими? «Инсон вужудида бир парча гўшт бор, — дейилади муборак ҳадислардан бирида — агар у соғлом бўлса, бутун бадан соғлом бўлади. Мабодо у айниса, бутун бадан айнийди. Бу — қалбдир». Бинобарин, жаҳолат шу даражада оғир дард. «Жаҳолат тиғи», «жаҳолат зулмати», «жаҳолат ўпқони», «жаҳолат оташи» каби халқона иборалар замирида ҳам бу иллатнинг инсон учун нечоғли фожиали экани ўз ифодасини топган.

Абдулла Авлонийнинг ёзишича, «Жаҳолат — инсониятнинг энг зўр душмани ва ёмон хулқларнинг бошлиғидур. Маорифдан, фунун ва маданиятдан маҳрум қолган халқ жаҳолат панжалари орасида хамир каби эзилгандек, афъоли замимадан (ёмон хулқлардан) ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшатоғмас» (*Абдулла Авлоний. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. Танланган асарлар. 2 жилдлик, 2-жилд, Т., «Маънавият», 1998, 74-бет*).

Улуғ маърифатпарвар фикрича, жаҳолат икки хил бўлади: бири — жаҳли басит, иккинчиси — жаҳли мураккаб. «Басит»нинг маъноси — содда, оддий демакдир. «Жаҳли басит» маразига (каса-лига) мубтало бўлган кишилар бир нарсани бил-

Жаҳолат нима?

маслар, аммо билмаганларини иқрор ва эътироф қилурлар, — деб ёзади Авлоний. — Шунинг учун бунинг давоси осон: фақат билмак ва ўрганмак йўлида жаҳду жадал қилмак ила бўлур» (*ўша асар, 73-бет*).

Билмаслик унчалик катта айб эмас, ўрганишга интилмаслик — айб. Демак, киши бир нарсани билмасаю буни эътироф этса, ўрганишга саъй-ҳаракат қилса, жаҳолат исканжасидан қутулмоғи мумкин. Шунинг учун ҳам Авлоний буни «жаҳди басит» — жаҳолатнинг содда тури деб таърифлаяпти. Хўш, бунинг акси бўлса-чи?

«Жаҳли мураккаб» маразига мубтало бўлган кишилар бир нарсани билмас, билмаганини ҳам билмасдан «биламан», деб даъво қилур. Бизда мундай кишиларга «ўзбошимча», «ўзбилармон» исмини берурлар. Бу дарди бедавонинг иложи жаноби Ҳақнинг лутфу инояти ила ҳал ўлунмаса, тузалмоғи мушкул ва оғирдур» (*ўша асар, 74-бет*).

Билмаслик, ҳатто билмаганини ўрганишга интилмасликдан ҳам оғирроғи — «биламан» деб даъво қилишдир. Буни Авлоний жаҳолатнинг бедаво тури — «жаҳли мураккаб» деб атаяпти. Худонинг лутфу инояти бўлмаса, бу дарднинг тузалмоғи душвор эканини таъкидлаяпти.

Яна бир маърифатпарваримиз Мунаввар қори Абдурашидхонов бир мақоласини «Бизнинг жаҳолат — жаҳли мураккаб» деб номлаган эди. «Ҳар миллат авлодини тарбиялаш ва таълими улумда кўрсатган ҳиммат ва ғайрати каби бизларда ҳам ўз маъсум авлодарини(нг) жаҳолат ва ғафлат зулматида қолмоқиға ҳеч бир ризолари ўлмай, қўлларидан келганча таълим ва тарбияти авлодда ҳиммат кўрсатмакчи зотлар мавжуддурлар. Валекин

дунёга нима учун келганини билмай, илм ва маорифга асло рағбат қилмай, жонидан ширин болаларини кўчаба-кўча кездириб, бечора маъсумнинг азиз умрини жаҳолат оташина ёндирғувчи беҳамият ва бедиенат оталар ҳам орамизда оз эмас» (*Мунаввар қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. Т., «Маънавият», 2003, 142–143-бетлар*).

«Бизнинг жаҳолат — жаҳли мураккаб» демоқ Мунаввар қорига осон бўлмагандир. У миллатнинг ўша даврдаги аҳволдан, болаларининг умрини «жаҳолат оташи»да ёндираётган беҳамият ва бедиенат оталар бепарволигидан куйгани учун ҳам шундай аянчли хулосага келган. Мақола сўнгида Мунаввар қори ватандошларига бундай мурожаат қилади:

«Эй қардошлар, вой миллатдошлар!!! Кўзимиз гафлат уйқусидин очиб, атрофимизга назар солмагимиз лозимдир. Ҳар миллат ўз саодати ҳол ва истиқболини(нг) муҳофазатиға биринчи восита илм ўлмакиға қаноат ҳосил қилиб, илму маорифга ортиқ даражада кўшиш (ҳаракат) қилган бу замонда бизлар бу гафлат ва жаҳолатимизда давом этсак, истиқболимиз ниҳоятда хавфлик ўлуб, ҳама оламға масхара ва кулгу ўлмоғимизда ҳеч шубҳа йўқдир. Балки бу жаҳолат зулматида саодати ухравиядан (охират саодатидан) ҳам маҳрум қолмоқ хавфи бор. Бу жаҳолат натижасидирки, ўзимиз ерлик мусулмонлардан ўлдиғимиз ҳолда мусофир рус ва яҳудийлар эшигида мардикор ва хизматчи ўлдук. Бу жаҳолат хоҳишидурки, миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарға сарф этмақдаурлар» (*ўша асар, 145–146-бетлар*).

Жаҳолат нима?

Жаҳолат деганлари қачондир тарихда бўй кўрсатгану энди қайтиб келмаслиги аниқ бўлган ҳодиса эмас. Таассуфлар бўлсинки, у ҳар бир замонда қайсидир кўринишларда намоён бўлаверади. Миллатни ич-ичидан емиради. Тараққиётдан неча юз йиллар орқада қолишига сабаб бўлади. Таназзул гирдобига тортади. Бинобарин, ҳар бир миллатни, унинг вакилларини жаҳолатдан қутқаргувчи ягона восита — илм ва маорифдир. Кимки илм ва маорифга муносиб даражада эътибор берса, шубҳасиз, саодатга эришади. Акс ҳолда...

Мунаввар қорининг «...миллат фойдаси учун жонин қурбон қилмоққа лойиқ арслон каби йигитларимиз бутун миллатни ёдларидин чиқориб, истеъдод ва ғайратларини чойхона ва пивохоналарга сарф этмақдадурлар» деган сўзларини ўқиганда беихтиёр бугун китоб дўконларини ресторану кўнгилочар барларга айлантираётган баъзи бир «тадбиркор»лар, «пултопармон»лар хаёлга келади. Бундайлар, таассуфки, миллат болалари ўқиётган мактабга ёки жамият ҳаётининг ютуқларини ҳам, муаммоларини ҳам кўрсатиб бериши зарур бўлган матбуотга ёрдам беришни хаёлига ҳам келтирмайди. Лекин сохта обрў йўлида миллионларни сарфлаётганида заррача ачинмайди...

Яқинда қурилган шундай ресторанлардан бирига тарихимизда ўтган мунаввар зотлардан — авлиёлардан бирининг номини берибдилар. Бу — жаҳолатга далил ахтариб узоққа бориш шарт эмаслиги исботидир, уялиш керак!

«Дунёда энг ҳазар қилинадурғон иллат жаҳолатдур, — деган экан Суқрот ҳаким. — Мен ҳатто кўрга ҳам жоҳилга ачинганимдек ачинмайман. Зеро, жоҳилнинг ўз ихтиёри билан қилган ҳаракати

кўрнинг ихтиёрсиз қилган ҳаракатидан-да хунук-роқдир».

Афлотуннинг жаҳолатга берган таърифи янада таъсирлироқ: «Жоҳилнинг яхши нияти фозилнинг хусуматидан-да зарарлироқдир. Инсон энг оғир юқумли касалликдан сақлангани каби жаҳолатдан ҳам ҳазар қилмоғи зарур».

Жамиятда жоҳиллар қанча кам бўлса ва улар аксариятга таъсир этиш имконига эга бўлмаса — жамиятнинг бахти. Акси бўлса-чи? Мабодо жоҳил кимса арбоб даражасига эришса-чи?! Кейинги бир неча йил давомида вилоятлар халқ депутатларининг навбатдан ташқари сессияларида Президентимиз сўзлаган нутқларни тинглар эканман, собиқ шўролар тузуми бизнинг миллий ахлоқимизга нақадар оғир жароҳат етказганини яққол ҳис этдим. Мамлакатимиз раҳбарининг ғояга қарши фақат ғоя, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш, баҳсга киришиш зарурлиги ҳақидаги фикрлари қанчалик аҳамиятли эканини янада теранроқ англагандек бўлдим.

Лекин шуниси аниқки, жоҳил гарчи маълум муддат бирон-бир лавозимга, мукофотларга, яна аллақанча имтиёзларга эришмасин, кунлар ўтиб бир кун албатта элнинг назаридан қолади. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: «Жоҳил моддий жиҳатдан қанча бой ва сарватдор бўлса, маънавий жиҳатдан шунча фақир ва залил ҳисобланур. Зероки, жаҳолат энг қўрқинч фақирлик ва муҳтожликдан зиёда даҳшатлироқ бир мусибатдур. Ақл ила илмнинг яхшилиги ва фазилати қанча баланд бўлса, жаҳолатдан туғуладургон ёмонликлар балолари шунча остин ва хорлиқдур» (*Абдулла Авлоний. Ўша асар, 74-бет*).

Жаҳолат нима?

Маърифатпарварларимиз шу каби фикрларни ёзар экан, анчайин бир қоғоз қоралашни мақсад қилмаган. Кўнгилларидаги дардни, армонларни, орзуларни баён этган. Улар миллат гамини ўз гами деб билган. Унинг истиқболи ёруғ бўлиши учун астойдил куюнган. Бу йўлда молини ҳам, жонини ҳам аямаган. Мақсадлари ягона бўлган — миллатни жаҳолат гирдобидан қутқармоқ, чинакам маърифатга эриштирмоқ, тараққий этган миллатлар даражасига кўтармоқ. Афсуски, уларнинг бу ниятлари армонлигича қолиб кетди. Улар маърифат истаганлари учун жаҳолат қурбони бўлди.

Бугун биз чинакам маърифий жамият қуришни мақсад қилганмиз. Жамият ҳаётида кечаётган ҳар қандай ислохотдан кўзланган бош мақсад — миллатнинг нури истиқболи, уни барпо этажак авлоднинг камоли. Бу хайрли мақсад фақат ва фақат юксак интеллектуал салоҳият, бошқача айтганда, ҳақиқий маърифат орқали амалга ошмоғи мумкин. Шундай экан, миллатнинг ҳар бир зиёлиси жамиятнинг маърифий даражасини юксалтиришда ўз улуши бўлишига интилмоғи ҳам фарз, ҳам қарзdir.

ЗАМОН ЭВРИЛМОҚДА... СЕН-ЧИ, ЗАМОНДОШ?

Вақт ҳеч қачон кутиб турмайди. У мудом олға интилади. Унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдалана олсагина, инсон ўз умрини абадиятга муҳрлаши, вақтни ганимат билган миллатгина тараққиётнинг юксак чўққиларини забт этмоғи мумкин. Акс ҳолда...

Шайх Саъдийнинг «Гулистон» асари муқаддима-сида инсоннинг ҳар бир нафасида икки неъмат

мавжудлиги таъкидланади. Яъни, инсон биргина нафасни ичга ютар экан, бу унга ҳаёт бағишлайди. Худди ўша нафаснинг қайтиб чиқишидан эса нафсимиз хурсанд бўлади. Мабодо, Худо сақласин, ўша нафасни ололмасак ёки олган нафасимиз чиқмай қолса... инсон ҳаёти поёнига етади.

Шунинг ўзиёқ бу икки неъматнинг нечоғлиқ улур эканига далолат қилади. Бир нафас учун икки марта шукр айтиш ҳақидаги Шайх Саъдий ўғитининг ҳикмати ҳам шунда.

Шукр айтиш нима билан бўлади? Табиийки, «шукр» деган сўзни қайтариш билангина эмас. Бу неъматнинг шукронаси, биринчи навбатда, умрнинг ҳар бир лаҳзасини ИНСОН деган шарафли номга муносиб тарзда ўтказиш билан белгиланади. Инсон деганлари эса шунчаки еб-ичиш, кўпайиш, маишат учунгина яралмаган. Яралмишларнинг мукаррами сифатида унинг зиммасида муайян масъулият ҳам мавжуд.

Мутахассисларнинг аниқлашича, киши бир кунда ўртача йигирма минг қадам юради. Бу унинг ўртача 70 йиллик умрида 420 миллион қадамни ташкил қилади. Бу миқдордаги қадам билан инсон ойга бемалол пиёда бориши ёки ерни экватор бўйлаб тўққиз марта айланиб чиқиши мумкин. Хўш, бунчалик катта қувватни инсон нимага сарфляяпти? У азиз умрни ўзига берилган имконият, деб биялптимми? Унинг ҳар бир лаҳзасидан унумли фойдалана оялптимми?

Одам Ато ва Момо Ҳаво давридан буён фалак неча айланди, замон неча эврилди. Ўтган замонларда аждодларимиз башариятнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий тараққийсига улкан ҳисса қўшдилар. «Рўйи заминнинг сайқали» ҳам,

Жаҳолат нима?

«дини исломнинг қуввати» ҳам бизда бўлди. Лекин XVI асрдан миллатимиз ҳаётида таназзул жараёни бошланди. Замон эврилди-ю, биз эврилмадик. Таассуфлар бўлсинки, бунинг таъсиридан ҳануз тўла қутула олганимиз йўқ.

Мустақил тараққиётнинг ўтган даври мобайнида, шубҳасиз, улкан ютуқларга эришдик. Бу муваффақиятлар бизники. Лекин, табиийки, бунинг билан қаноатлана олмаймиз. Бугун замон шитоб билан тараққий этаётир. Ундан ортда қолмаслик, эришилган ютуқларни янгилари билан бойитиб бориш бурчимиздир. Шунинг баробарида, мавжуд муаммолар хусусида фикр юритиш, уларга танқидий баҳо бериш ҳам ҳаётий эҳтиёждир.

БИЗ КИМНИНГ АВЛОДИМИЗ?

Биз мусулмон фарзандларимиз. Бу эътиқод қон-қонимизга сингиб кетган. Худосизлик тузуми ҳар қанча ташвиқ этмасин, нечоғлиқ уринмасин, бу эътиқодни қалбимиздан суғуриб ололган эмас. Бугун ўзга эътиқоддаги олимлар ҳам Қуръони каримни илмий манба сифатида эътироф этадилар. Таассуфки, кечаги моддиюнчилик, атеистик қарашлар таъсиридан қутула олмаган ўз олимларимиздан айримлари буни тан олгиси йўқ.

Яқинда бир мактаб ўқитувчисидан эшитиб қолдим. У ўзи раҳбар бўлган синфга бир сабаб билан биология дарсида бориб қолибди. Ўқитувчи ўқувчиларга: «Одам маймундан яралган» деб, маймунларнинг қай тарзда одамга айлангани тўғрисида сўзлаб бераётган эмиш. Эшитиб ҳайратда қолдим. Ахир коммунизм назарийётчиларининг одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ғоялари ўз исботини

топмагани кундай равшан-ку! Улардан мерос қолган сақични қачонгача чайнаш мумкин?

Ваҳоланки, Қуръони каримда ва муборак ҳадисларда инсоннинг қандай яратилгани очиқ фикр этилган-ку! Жумладан, «Инсонлар Одам алайҳиссалом фарзандларидир. Одам сафийуллоҳ эса тупроқдан яратилгандир» дейилади ҳадислардан бирида.

Қул Хожа Аҳмад, тоат қил, умринг билмам неча йил, Аслинг сўрсанг обу гил, яна гилга кетаро, —

дейди Хожа Аҳмад Яссавий. Носириддин Рабғузий бобомиз ўзининг «Қисаси Рабғузий» асарида Одам яратилишини, ҳар бир фикрини Қуръон оятлари билан далиллаб, муфассал баён этиб берган. Бизга бундан ортиқ яна қандай исбот керак? Миллий маънавиятимиз қуёши ҳазрат Навоий Ҳақ таоло яратган неъматларни зикр этар экан:

*Борчасини гарчи латиф айлади,
Борчадин инсонни шариф айлади, —*

деб турса-ю, биз қандайдир маймунлар ҳақидаги сафсатага ишониб ўтирсак. Буни қандай изоҳлаш мумкин?!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2004 йил 28 май сонида «Одам тупроқдан яралганми?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унинг мазмунига кўра, япон олимлари Қуръони каримдаги инсон тупроқдан яратилганлигига оид фикр-ни янги илмий далиллар билан исботлашибди.

«Дарвин назарияси алақачон ўзининг асоссизлигини кўрсатди, — дейилади мақолада. — Ҳозир урф бўлган француз биофизиги Марсел Лавуантьегга тегишли гипотезага кўра, ҳозирги одам ко-

Жаҳолат нима?

инот яралишининг уч асосий босқичи пайтида юзага келган юлдузлар чанги ва базавий элементлардан таркиб топган. Француз олимлари одам организми асосларини чуқур кимёвий анализ қилишгач, мана шундай кутилмаган хулосага келишган. Одам танасининг тахминан ўн фоизи водороддан иборат бўлиб, у Оламнинг пайдо бўлишига олиб келган улкан портлашдан кейинги илк лаҳзаларда юзага келган. Бундан ташқари, одам организми таркибида углерод, азот, кальций, фосфор ҳам борки, буларнинг пайдо бўлиши сайёраларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Одам организмининг учинчи кимёвий асоси юлдузлар марказида ядроларнинг пайдо бўлиши босқичи билан боғлиқ. Демак, одам организмида қўрғошин, кумуш борлиги, никель, кобальт, қўрғошин ва молибден излари учраши аниқланган. Хуллас, илмий кимёвий тадқиқотлар муқаддас китоблардаги одам тупроқдан яралган, деган таълимотни тўлиқ тасдиқлайди».

Дунё олимлари боболаримиз алақачон ёзиб кетган ҳақиқатларни замонавий тадқиқотлар асосида исботлаб бераётган бир пайтда умрини ўтаб бўлган, ҳақиқатга зид, ғайриилмий қарашларга ёпишиб олиш қанчалик тўғри?! Кечирасиз-у, бу халқимизнинг «Кар эшитганини қўймайди, кўр тутганини» деган пурмаъно нақлини ёдга солади.

Мустақиллик бизга илмий ҳақиқатларни айтиш борасида ҳам катта имкониятлар берди. Бу имкониятлардан унумли фойдаланиш, қотиб қолган догматик қарашлардан воз кечиб, дунёга, инсон ва унинг моҳиятига янгича кўзқарашни шакллантириш миллат зиёлилари олдидаги бурчдир.

ЭВРИЛМОҚ АЙНИМОҚ ДЕГАНИ ЭМАС

Бугун дунё биз билан ҳисоблаша бошлади. Жаҳоннинг энг тараққий этган давлатлари билан ҳамкорлик қиляпмиз. Улар биздаги, биз улардаги ютуқларни ўрганияпмиз. Бундан улар ҳам фойдаланаяпти, биз ҳам наф кўряпмиз. Бу яхши. Лекин... Ҳамма гап мана шу «лекин»да.

Яқинда бир хорижий фирмада ишлайдиган тадбиркор билан суҳбатлашиб қолдим. Таъкидлаш керакки, чет эликлар билан ҳамкорлик қилаётган бу танишим энг сўнгги марказдаги машинада юради. Уйларини ҳам оврупоча таъмирлатган. Хотинида алоҳида машина. Ўзининг давлатманд эканлигини сездириб туришни хуш кўради.

— Мен чет эликлардан яхши бир одатни ўргандим, — деди у. — Улар қанчалик бой бўлишмасин, ҳеч кимга қарз беришмас экан. Фирмамиз раҳбарининг айтишича, бир муҳтожга қарз бериб, ҳар гал қарзни қайтаришни сўраганда хафа қилгунча, бермасдан бир марта ранжитган афзалроқ. Жуда доно фикр. Шундай эмасми?

Тадбиркор чет эликдан жуда зўр одатни ўрганига заррача шубҳа қилмасди. Бу гапларни айттар экан, унинг кўз қарашларидан «Қойилмисанлар!» деган фикрни уқиб олиш қийин эмасди. Ҳатто суҳбатдошларнинг айримлари ҳам унинг «доно» фикрини маъқуллаша бошладилар. Чидай олмадим.

— Бу одат ўша хорижликнинг менталитетига хос. Ахир бизнинг аждодларимиз бундай бўлмаганлар-ку! Улар бойликни Оллоҳ таоло ато этган омонат, деб тушунишган. Бу омонатнинг эгаси бойнинг ўзигина эмас. Бу бойликда қўни-қўшинининг, етим-есирларнинг, қўйингки, ёнма-ён яшайдиган кўплаб инсонларнинг ҳаққи бор, деб ҳисоблашган.

Жаҳолат нима?

Хондамир «Макорим ул-ахлоқ»да ёзишича, «Ихлосия» мадрасаси ҳузуридаги «Халосия» хонақоҳида ҳар куни минглаб етим-есир, бева-бечора, фақир-мискинларга лазиз таомлар тортилган. Бу ҳазрат Навоийнинг хусусий маблағи эвазига амалга оширилган. Боболаримиз инсон дилини ранжитишни оғир гуноҳ деб билишган. Шунинг учун, муҳтожга қарз бермасдан бир марта хафа қилиш тўғрисидаги «янги ғоя» бизга мутлақо тўғри келмайди.

Боягина тадбиркорни қўллаб-қувватлаган ҳамсуҳбатлар энди менинг фикримни маъқуллаша бошлади...

Тўғри, биз замон тараққиётидан орқада қолмаслигимиз керак. Лекин бу дегани тўғри келган ҳар қандай қарашни замонавий ҳисоблаб, қабул қилаверамиз, дегани ҳам эмас.

Биз барча соҳада замон билан ҳамнафас, ҳамқадам бўлиш тарафдоримиз. Лекин зинҳор неча минг йиллик қадриятларимизни унутмоқчи, улардан воз кечмоқчи эмасмиз. Янги замонни ўзимизда халқимизга, миллатимизга хос барча фазилатларни тарбиялаган ҳолда қаршиламоқчимиз.

Сўзимизни инсон ва унинг моҳияти, ҳар бир нафасни ганимат билиш ҳақидаги ҳикматларни эслаш билан бошлаган эдик. Дарҳақиқат, умрнинг ҳар лаҳзаси Ватан ва миллат хизматини қилиш учун, мансуб бўлганимиз халққа наф келтириш учун берилган имкон. Бу имкондан иложи борича тўлароқ фойдаланишга бурчлимиз.



МУНДАРИЖА

Маърифат надир?	3
Биз қандай миллатмиз?	12
«Асл тилларнинг маншаъи...»	12
Қисмати хулқига яраша	15
Нега энди икки тил?	18
Тилимизнинг ҳозирги ҳоли.....	20
Одамларнинг энг бойи ким?	26
«Не ишдин мамлакат обод бўлди?...»	28
Нималардан воз кечмоқ керак?	32
Биз кимларнинг ворисимиз?	37
Шараф соҳиблари султони.....	38
Ҳадислардан таралган зиё	47
Исломий илмлар пешвоси	57
Тариқат қутби	59
Миллий маънавиятимиз қуёши	63
Султонларнинг сараси.....	71
Султон Жалолиддин: Ватан озодлиги — муқаддас	78
Озодликка тўланган товон.....	82
Жаҳолат нима?	98
Замон эврилмоқда... сен-чи, замондош?	104
Биз кимнинг авлодимиз?	106
Эврилмоқ айнимоқ дегани эмас.....	109

НУРБОЙ ЖАББОРОВ
МАЪРИФАТ НАДИР

Тошкент «Маънавият» 2010

Муҳаррир *У. Қўчқоров*
Мусаввир *Ш. Соҳибов*
Мусаҳҳиҳ *О. Бозорова*
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Босишга 12.10.2010 й. да рухсат этилди. Бичими 84×108/₃₂. Times гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 5,88. Нашр т. 4,2. 3000 нусха. Буюртма № 10-856. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Паҳлавон Маҳмуд 2-берк кўча, 2-уй.
Шартнома 20–10.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй, 2010.



Manavijat

ISBN 978-9943-04-124-0



9 789943 041240